Sintetik tolalarning ko'pchiligi nihoyatda mayin va pishiq bo'ladi. Bunday tolalardan tayyorlangan buyumlar g'ijimlanmaydi, ularni dazmollamasa ham bo'ladi. burmalari va taxtlari yuvilgandan keyin ham saqlanib qoladi, kam kirlanadi, bo'yalgan buyumlarni rangi mustahkam bo'ladi, kuyosh nuri va namlik ta'sirida (yuvilganda) aynimaydi, ob-havo, kuyosh ta'siriga chidamli, chirimaydi. Kimyoviy tolalarni xoxlagan yo'g'onlikda suv shimadigan va shimmaydigan qilib tayyorlash mumkin.

SHuningdek sintetik tolalar rangi, xossalari jihatidan xalq iste'mol mollari ishlab chikarish uchun kerakli xom ashyo bo'lib, ba'zi xossalari bilan tabiiy tolalardan ustunlik qiladi. Bunday tolalar asosida to'qilgan va tayyorlangan materiallardan tikilgan mo'yna buyumlar, ust kiyimlar, trikotaj, kiyim-kschaklar, poyabzal va hokazolar aholiga manzur bo'lishda tabiiy xom ashyolardan tayyorlangan buyumlardan sira qolishmaydi. SHu bilan birga, bunday materiallardan tayyorlangan buyumlar tabiiy xom ashyodan tayyorlangan buyumlarga qaraganda arzon bo'ladi.

Kimyoviy tolalarning ayrim kamchiliklari, masalan kam nam yutishi (gidrofobligi), elektrostatik zaryad yigishi, yomon bo'yalishi kimyoviy usullar bilan modifikasiyalash yoki ularni boshqa tolalar (tabiiy va kimyoviy) bilan aralashtirish, sopolimerlash yoki sopolikondensasiyalash orkali bartaraf etilmoqda hamda yangi turdagi tola hosil qiluvchi polimer va sopolimerlar yaratish bo'yicha ilmiy ish va izlanishlar olib borilmoqda. YUqori sifatli gazlama va trikotaj buyumlar fakat tabiiy tolalardan (paxta, tabiiy ipak) tayyorlanmay, balki sof kimyoviy tolalardan va ularni tabiiy yoki boshqa turdagi kimyoviy tolalar bilan hosil qilgan aralashmalaridan tayyorlash mo'ljallanmoqda. SHuningdek jun va jun bilan tabiiy yoki kimyoviy tolalar aralashmalaridan tayyorlanadigan hamda zig'ir, kanop, jut va kanoplarning poya po'stloqlaridan olinadigan tolalar asosidagi matolarni ishlab chiqarish yo'lga qo'yiladi. SHu sababdan Respublikamizda turli sinfga mansub bo'lgan kimyoviy tolalarni ishlab chikqarish tez sur'at bilan amalga oshishi lozim.

Xulosa o'rnida aytish joiski O'zbekiston Respublikasining to'qimachilik va engil sanoatlarida paxta tolasi va tabiiy ipak bilan bir qatorda ko'p miqdorda kimyoviy ip va tolalar ham sof holda va tabiiy tolalar bilan aralashtirilgan holda kimyoviy ip va tolalarni ishlatish natijasida bu sohalarda ishlab chiqariladigan mahsulotlar turi kundan kunga ko'payib borishiga zamin yaratmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Marasulov SH. R. Paxta va ximiyaviy tolalarni yigirish. (2 kism). - Toshkent «Ukituvchi», —1985.
2. U.M.Matmusaev, A.Z.Abdullaev. Tukimachilik materialshunosligi. Uzbekiston n. Toshkent 2005.
3. Xamroev A.L. Sintetik tolalar ishlab chikarish texnologiyasi:-T.: Uzbekiston, 1995.

КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИК ЖАРАЁНИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАЪЛИМИНИНГ ЎРНИ

Холиёров С. Х., Дусяров Х. Ч. Одинаев А. К.

ТермДУ, – Ангор маиший хизмат к. ҳ. к. директори

Ишлаб чиқариш таълими малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнининг асосий таркибий қисмидир. Касбий тайёргарлик ёки инсонни

маълум аниқ соҳада ишлашга яъни меҳнат қилишга ўргатиш қуйидаги қисқа йўл орқали амалга оширилиши эътироф этилган:

а) ўқувчини малакали мутахассис билан бевосита ҳамкорликда ишлаш жараёнида, яъни устоз-шоғирд тизимида;

б) махсус муассасаларда ташкил этилган касбий таълим-тарбия жараёнида.

Ишлаб чиқариш таълими касб-хунар таълими муассасаларида малакали мутахассислар тайёрлашнинг муҳим қисмидир. Шунинг учун ҳам касбий тайёргарлик учун ажратилган умумий вақтнинг 40-45 фоизи ишлаб чиқариш таълимига берилади. У моҳиятига кўра таълим-тарбия жараёнида намоён буладиган муҳандис-педагог (ўқитувчи) билан ўқувчиларнинг ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо қиладиган фаолиятларида ўз аксини топади. Бундай фаолиятнинг натижаси бўлиб, ўқувчиларда таркиб топган амалий билимлар, касбий хатти-харакат усуллари (кўникма, малака) ҳамда шахсий фазилатлар ҳисобланади. Ишлаб чиқариш таълими таълим-тарбия ишларининг барча умумий қонун-қоидаларига қатъий амал қилади, шу билан бирга унинг ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуддир.

Дарс қандай таълим-тарбия жараёнида бўлганидек ишлаб чиқариш таълимида ҳам ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятининг икки томони, яъни ички ва ташқи томонини ҳисобга олиш муҳимдир. Ишлаб чиқариш таълимида ўқувчилар фаолиятининг ташқи томони – уларнинг ўқув-билиш фаолиятларида маълум касбий хатти-харакат усуллари бажаришда, маҳсулот тайёрлашларида механизмларни рослаш ва созлашда, машиналарни ишга ва сақлашга тайёрлашда ҳамда техника хавфсизлик қоидаларига амал қилган ҳолда уларни ишлатишларида ўз аксини топади. Ички (интеллектуал) фаолият эса уста кўрсатмаларини қабул қилиш, идрок этиш, фикр юритиш, берилган вазифаларни режалаштириш, уларни бажаришнинг мақбул вариант ва усуллари белгилаш, бажарилган иш сифатини аниқлаш ва баҳолаш ҳамда ўз хатти-харакатларини назорат қилиш кабиларда намоён бўлади. Ўқувчилар фаолиятининг бу икки томонини ўзаро биргаликда узвий боғлиқ ҳолда ўқув материалига жалб этиш натижасида уларда амалий жихатдан муҳим касбий иш-харакат усуллари муваффақиятли шаклланади.

Одатда касб-хунар муассасаларида ишлаб чиқариш таълими машғулоти лабораторияларда, ўқув устахоналарида, ўқув-машқ қилиш майдонларида, оталиқлар хўжалиқлар ҳамда корхоналарда ўтказилади.

Шу ўринда ҳар қандай машғулоти каби ишлаб чиқариш таълими машғулоти ҳам муҳандис-педагогнинг кўплаб омилларига мувофиқ ҳал этадиган ижодий иш эканлигини унутмаслик лозим. Ишлаб чиқариш таълими машғулотларини юқорида зикр этилган жойларда ташкил қилишнинг ўзига хос афзаллик ва камчиликлари мавжуд бўлиб, уларни ташкил этиш ва ўтказиш учун муҳандис-педагог энг аввало материалнинг мазмунини, машғулоти мақсади ва ўтказиш шарт-шароитларини билиши лозим. Ишлаб чиқариш таълимининг мақсади ва мазмуни тайёрлов

йўналиши бўйича мутахассислик малака тавсифномаси ҳамда ўқув дастурларида ўз ифодасини топади.

Ишлаб чиқариш таълими дастлаб ўқув лабораториялари ва устахоналарида ташкил этилиб, уларда ўқувчилар илк бор касбий маҳорат сир-саноатларини эгаллашга киришадилар.

Шундай қилиб, ўқувчиларнинг таълим-тарбиявий мақсадларига бўйсундирилган ишлаб чиқариш меҳнатлари ишлаб чиқариш таълимининг асоси ҳисобланади. Ўқувчиларда эгалланаётган касб (ихтисослик)га оид кўникма ва малакаларни шакллантириш - ишлаб чиқариш таълимининг мазмунини ташкил этади. Ишлаб чиқариш таълими жараёни назария билан амалиётнинг узвий алоқадорлигида амалга оширилади.

UMUMIY O`RTA TA`LIM MAKTAB O`QUVCHILARINI KASB-HUNARGA YO`NALTIRISH TEXNOLOGIYASINING MOHIYATI

SH.CH.Tursunov, S.X.Xolyarov, B.E.Qodirov, A.T.Butayarov

TermDU o`qituvchilari

Yurtimizda sog'lom va barkamol avlodni voyaga etkazish borasidagi ishlarni yangi bosqichga ko'tarishda, ayniqsa "Ta'lim to'g'risida"gi qonun hamda kasb tanlash Kadrlar tayyorlash milliy dasturining qabul qilinishi muhim ahamiyatga ega bo'ldi.

Kasb-hunarga yo'naltirish o'quvchilarning kasb-hunarni o'zlarining individual xususiyatlaridan kelib chiqqan holda mustaqil va erkin tanlashning ilmiy amaliy tizimi sifatida qarash lozim.

Ma'lumki o'quvchi kasb-hunarga tanlashda imkoniyatlarini tasavvur qila olish va baholay olish ko'nikmasiga har xil kasblarning imkoniyatlari, haqidagi ma'lumotlarga ega bo'lishi kerak.

Kasbga ta'sir etuvchi asosiy omillar quyidagilardan iborat:

- ta'lim tarbiya tizimida kasbga yo'llash faoliyatining mazmuni va metodikalari majmuasi mukammal ravishda mujassamlashganligi;
- o'quvchilarni kasb tanlashga o'rgatishda o'qituvchilar jamoasi faoliyati xamkorligi va samaradorligi;
- sinf rahbarining ota-onalar bilan xamkorligi ongli kasb tanlash negizi ekanligi;
- kasb tanlashda yoshlar tashkilotining ishtiroki;
- sinfdan va maktabdan tashqari olib boriladigan ishlar mazmunida kasb tanlashning aloxida ajratib ko'rsatilishi;
- maktablarda, kasb hunar kollejlarida ommaviy va keng ko'lamda yo'lga qo'yilishi;
- maxsus muassasalar faoliyati;
- kasbga oid ko'rgazmalar sayoxatlar uyushtirilishi;
- ijodkor nufo'zli maxoratli kishilar bilan uchrashuvlar o'tkazilishi;
- kasb tanlashda maxalliy matbuot radio va televideniyaning ishtiroki.

Ma'lumki o'quvchi kasb-hunarga tanlashda imkoniyatlarini tasavvur qila olish va baholay olish ko'nikmasiga har xil kasblarning imkoniyatlari, haqidagi ma'lumotlarga ega bo'lishi kerak.

Shaxs tomonidan kasb tanlash faqatgina uning xoxishi va qobiliyatlari bilan belgilanmasdan, balki u yashaydigan jamiyatdagi erishgan moddiy va ma'naviy yutuqlar bilan ham aniqlanadi. Istedod, jamiyatning ehtiyoji, kasb – hunar tanlash masalasi o'zaro jiddiy bog'liqlikda bo'ladi. Biror kasbga istedodi bo'lgan yoshning kasb-hunar egallashda jamiyatdagi ushbu kasb uchun ehtiyojning mavjudligi va shu soha bo'yicha erishilgan yutuqlar kasbni tayyorlash uchun moddiy – texnika bazasining mavjudligi, muhim o'rin egallaydi.

Kasb tanlashda, mutaxassis mehnat faoliyatiga moslashishini, e'tiborda tutmoq muhim ahamiyatga ega. Insonlar turli qobiliyat va iste'dodga egadirlarki, ularning biriga bir ish yoqsa, boshqasiga boshqa mehnat faoliyati yoqadi.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki o'quvchilarni bo'sh vaqtlarida turli faoliyatlarga jalb qilib, ularni ko'rgazmalarga, muzeylarga borishni tashkil qilib, ota-onalar o'z farzandlarini oila sharoitidan kelib chiqqan holda qavmu-qarindoshlar, amaki-tog'alar, amma-xolalar, aka-ukalar, opa-singillar hamda mahalla-qo'shnilarni mehnat-kasblari bilan tanishtirishlari lozim. Shu bilan oiladagi o'g'il-qizlar, o'z kuchlarini va qiziqishlarini hisobga olgan holda mavjud ishlarni "sinab ko'rish" tamoyiliga binoan bajarishlari maqsadga muvofiqdir.

КАСБ ТАЪЛИМИДА ЗАМОНАВИЙ ЎҚИТИШ МЕТОДЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ

*Дусяров Х. Ч. Кучаров С.А. Чориева С.
ТермДУ, Ангор маиший хизмат к. х. к.*

Мустақил Ўзбекистонда дунёни янгича идрок этадиган, ҳақ-хуқуқи учун курашадиган ўз тақдирини халқи, ватани тақдири билан бир деб билиб, фаолият кўрсатаётган янги авлод шаклланмоқда. Улар аждодлар маънавий меросини, умум башарий қадриятлар ва ақлий кашфиётларни баробар ўзлаштирмоқдалар. Юрагида миллий ифтихор туйғуси бор инсонлар ҳар бир мамлакатнинг салоҳияти, келажагини белгилайдиган буюк кучдир. Жамиятда элни сафарбар этувчи етук инсонлар қанча кўп бўлса, тараққиёт имконияти ҳам шунчалик кўп бўлади ва айни вақтда юрт осойишталиги, сиёсий, иқтисодий барқарорлик кафолати юзага келади.

Ўқув жараёнида ўқитувчи ўқув жараёнини қизиқарли ва мазмунли ўтиши учун замонавий ўқитиш методларидан фойдаланган ҳолда турли хил ролларда намоиш кўрсатади. Биз қуйида келтирилган замонавий ўқитиш методларининг ҳар бирини, мақсадини ва қайси методни қандай ҳолатда қўллаш кераклигини таъкидлаб ўтамиз.

ҚАЛҚОНЛАР - ҳар бир ўқувчига фломастер ва бир варақ қоғоз беринг. Ундан қоғозни 4 га бўлиб, бўлимларга қуйидаги маълумотларни ёзишни илтимос қилинг:

- Чап томон юқори бурчагида ўзингизни бир сўз билан ифодаланг.
 - Ўнг томон юқори бурчагида нималар билан мағрурланасиз.
 - Чапдаги пастки бурчакка бирорта сиригизни ёзинг, (хақиқий, жиддий сир бўлиши шарт эмас, фақат бу ҳақда ўқувчилар аввалдан хабардор бўлмаслиги керак).
 - Ўнг томон пастки бурчакда ўз қизиқишингизни чизиб кўрсатинг.
- Дарс мавзуси ва гуруҳ хусусиятига кўра жадвалнинг алоҳида бўлимлари мазмунини ўзгартириш мумкин.

Барча ўқувчилар ўз "қалқон"ларини ёзиб тўлдирганларидан кейин ҳаммадан хона ўртасига чиқишни ва ўз "қалқон"ларини икки қўл билан ушлаб турган ҳолда бир-бирлари билан танишиб олишларини илтимос қилинг. Танишув тугагач, ҳамма ўз исмини "қалқон» га ёзиб, девор бўйлаб осиб қўяди.

Усул хусусияти:кам вақт талаб қилинади. Гуруҳ қатнашчилари аввалдан таниш бўлсалар, уни қўллаш тавсия қилинади. Бошқа усулларни қўллаш мумкин бўлса, иложи борича маърузадан фойдаланманг.

«ГУРУҲЛИ МУНОЗАРА УСУЛИ»-Ўқувчиларнинг ўқитувчи бошчилигидаги ўзаро фаолияти ёрдамида гуруҳдаги мисолларни ечиш ва иштирокчилар фикрига таъсир қилиш.

АФЗАЛЛИКЛАРИ:

- Ўқувчиларга муаммони ҳар томондан кўришга имкон беради.
- Ўқувчиларнинг шахсий фикрларини мустахкамлашга ёрдам беради.
- Дарснинг асосий фигураси ўқувчилар бўлади.
- Ўқувчиларнинг мулоқотга киришишига ёрдам беради.
- Ўқувчилар томонидан айтилган нотўғри фикр мавзудан четга чиқишга сабаб бўлиши мумкин.

-Мунозара вақтида асосан 75% ўқувчилар фикр юритганликлари сабабли, мавзунинг мақсадига эришиш учун кўп вақт сарфланади.

Дарс сўнгида фаол қатнашган ўқувчилар тегишли рейтинг баллари билан баҳоланадилар. Бу эса ўзнавбатида ўқувчиларнинг дарсларга мунтазам равишда тайёргарлик кўриб келишларига замин яратади.

МАКТАБДА КИМЁ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

Тожиев П.Ж., Бобоева Н.Т.

Термиз давлат университети,

Термиз шаҳридаги 13-умумий ўрта таълим мактаби.

Маълумки, бугунги кунда Республикамизда бўлаётган ижобий ўзгаришлар таълим соҳасида ҳам ўз аксини топмоқда. Ҳақиқатдан ҳам, чуқур билимли, кенг дунёқарашли комил шахсни тарбиялаш масаласи педогоглардан янгича ишлаш тамойилларини амалга оширишни талаб қилади ва катта маъсулият юклайди.

Янги педогогик технологиянинг мақсади: ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ўстириш, уларни фаоллаштириш.

Ўқувчиларни мустақил ишлаши учун шароит яратиш, предметга қизиқтириш, турмушда бўладиган ҳодисаларни чуқур англатишни мактабда олинган билимлар ёрдамида амалга ошириш-замонавий ўқитувчининг вазифаси.

Кимё фанини ўқитишда ҳам ўқувчиларни мустақил ишлашга, атрофдаги ҳодисаларни талқин этишда кимёвий билимларни қўллаш олишга қаратмоғимиз лозим. Кимёни ўқитишда айниқса гуруҳларга бўлиб, мустақил топшириқларни бажариш яхши натижаларга олиб келади. Ўқувчилар мустақил фикрлашади, ижодий ишлашга ҳаракат қилинади, паст билимли ўқувчилар ҳам “яхши” ўқувчилар қаторига интилишади ва бу ҳолат синф кўрсаткичларини кўтарди.

Турли индивидуал, гуруҳий, жуфт бўлиб мустақил ишларни бажариш жараёнида ўқувчилар билими чуқурлашади, малакалар ҳосил бўлади- бу мақсадга мувофиқдир. Китоб билан мустақил ишлашни кўпроқ амалга ошириш керак, кўшимча адабиётлардан фойдаланишни йўлга қўйиш, кроссвордлар, викториналар тузишни ўргатиш керак. Дарсдан ташқари ишларга, экскурсияларга, КВН ларга, кечалар ўтказишни йўлга қўйсак янада яхши, чунки кимё –бу турмуш фани ва уни ўқувчилар келгусида қайси соҳани эгалламасин кимёвий билимларни пухта билса, етук инсон бўлиб етишади..

Кимё дарслари ва унинг структураси фақат ўқитувчи ва ўқувчининг дарс жараёнида биргаликдаги фаолиятини, ташқи кўринишини акс этдириб қолмайди, балки ўқувчиларни самарали бўлган билиш фаолиятлари билан боғлиқ ички жараёнлар моҳияти билан ҳам боғланган бўлади.

Илрор педагогик технологияларга асосланган кимё дарсларининг кўринишлари ҳар хил бўлади. Дарсларга хос умумий жиҳат — ўқитувчининг ижодий ёндошувидир.

Умумий ўрта таълим мактабларида кимё дарслари қўйдагича бўлиши мумкин: ўқувчиларга янги билимлар бериш дарси; билимларни умумлаштириш ва тизимлаштириш дарслари; такрорлаш, мустақкамлаш, малака ва кўникмалар ҳосил қилиш; билимларни назорат ҳилиш; комбинацион дарс; изланиш дарси; мустақил дарслик билан ишлаш дарси; мунозара дарси;

ўйин дарси; семинар ва лексия дарслари; предметлараро боғланиш дарси; ҳамкорлик дарси; занжир дарси; эркин фикрловчи дарси; амалий машғулотларни бажариш дарси; компьютер дарси; бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун;

Янги педагогик технологиялар (ЯПТ): *таълим мазмунининг илмий даражасини юқори бўлишини ҳамда уни амалда қўлланишини таъминлайди*

Кимё дарсининг самарадорлиги — унинг серқирралиги, кенг қамровли мазмун ва шаклига кўра турли хилда намоён бўлиб, мохиятига кўра дарсининг асосий мазмунини ўзлаштиришни ўз олдига қўйган мақсадга эришишга йўналтирилганлигига ботлиқ. Ноанъанавий таълим усуллари ва инновацион усулларни қуйидаги турларга ажратиш мумкин.

Ноанъанавий таълим усуллари

1. Конференция дарси.
2. Семинар дарси.
3. Техника воситалари ёрдамида дарс ўтиш.
4. Илмий-фантастик китоблар устида ишлаш.
5. Ўйлаб топ (эврика).
6. Ўйинчоқлар ёрдамида дарс ўтиш.
7. Дарсда касбга йўналтириш.
8. Экспериментал дарс ўтиш.
9. Баҳс-мунозара дарси.
10. Ҳар хил ёзма ишлар.
11. Интеграция (фанлараро боғланиш) дарси.

Инновацион усуллар

Инновация-лотинча сўз бўлиб, “янгилик киритаман, татбиқ этаман, ўзгартираман” деган маънони билдириб, у қуйидаги усуллардан иборат.

1. Моделлаштириш (тренировка).
2. Намойиш қилиш
3. Кичик гуруҳларда бўлиш
4. Ақлий ҳужум
5. Танқидий тафаккур
6. Дебатлар
7. Нуқтаи назаринг бўлсин
8. Ҳар ким ҳар кимга ўргатади
9. Ролли ўйинлар
10. Муайян ҳолатни (вазиятни) ўрганиш
11. Модификацияланган маъруза
12. Ўйинлар
13. Бинго
14. Ахборот технологиялари (компьютер) ёрдамида.

МЕҲНАТ ТАЪЛИМИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

*Б.Э.Қодиров, А.Т.Бутаяров, А.М.Турапов
ТерДУ.*


Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 14-сессиясида Президент И.А. Каримов ўз нутқида «Бизнинг олдимизга озод фуқаро шахсининг маънавиятини бошқача айтганда, озод ва ҳар томонлама ривожланган, ўз ҳуқуқларини яхши биладиган, кучи ва қобилиятига ишониб таянадиган, атрофдаги ҳодисаларни, ўзининг мустақил фикр ва муносабати мавжуд, ўз манфаатларини ватан ва халқ манфаатлари билан уйғунлаштирадиган шахсни тарбиялаш вазифаси турибди» деб таъкидлаган эди.

Узлуксиз таълим тизимининг олдида қўйган вазифасига мувофиқ, умумтаълим мактабларида таълим тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш, илм-фаннинг сўнгги ютуқларини амалиётга жорий этиш орқали ижодкор, она Ватанга садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбияланган, ижодий ва мустақил фикр юрита оладиган, давлат ва жамият олдида ўз бурчи ва жавобгарлигини ҳис этадиган баркамол шахсни камолга етказиш, уларнинг онги ва қалбига миллий истиқлол ғоясини сингдириш каби муҳим вазифалар назарда тутилади. Ана шу вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этишлиши таълим тарбия жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланишни тақозо этади.

Инновацион технологиялар ўқув жараёнини турли хилда ташкил этишга ва ўқувчиларнинг актив иштирокини таъминлашга қаратилган бўлиб ўқитувчидан изланиш ва тадқиқот ишларини олиб боришни талаб этади. Замонавий ўқитиш технологиялари мажмуавий интерактив тизимлар бўлиб, улар ўз ичига таълим мақсадлари билан белгиланган касбий кўникма ва малакаларнинг шахс ҳислатларининг ўрнатувчилар томонидан эгалланиши ҳамда билимларни ўзлаштиришга йўналтирилган ҳаракатларнинг тартибланишга тўпламини қамраб олади. Бу ўринда таълим мақсадларининг белгиланиши, мазмунини танлаш ва ишлаб чиқишга, таълим жараёнларини ташкил қилишга, таълим метод ва воситаларнинг белгиланишга, шунингдек ўқитувчилар малака даражасига, эришилган натижаларни баҳолаш методларига асосланиши лозим.

Турли хил ишбилармон ўйинларни ва психотехник ўйинларни ўқув жараёнида қўллаш ўзлаштириш самарадорлигини оширади. Дидактик ўйинлар эгалланган билимларни текшириш, янги билимларни эгаллаш ва амалиётда текшириб кўриш, касбий тайёргарликни самарадорлигини оширишга қаратилган. Биз қуйида ишбop ўйин методини дарс жараёнида қўллаш тўғрисида фикр юритамиз.

Ишбop ўйин методини ташкил этишда қуйидаги тамойилларга амал қилиш тавсия этилади.



Ишбоб уйин методи берилган топшириқларга кура ёки уйин иштирокчилари томонидан тайёрланган хар хил вазиятдаги бошқарувчилик қарорларини қабул қилиш имитасия қилиш (таклид, акс еттириш) методи ҳисобланади.

Уйин фаолияти бирон бир ташкилот вакили сифатида иштирок этаётган иштирокчининг хулқ-атвори ва ижтимоий вазифаларни имитасия қилиш орқали берилади. Бир томондан уйин назорат қилинса, иккинчи томондан оралик натижаларга кура иштирокчилар ўз фаолиятларини ўзгартириш имкониятига ҳам ега буладилар. Ишбоб уйинда роллар ва ролларнинг мақсади аралашган ҳолда булади. Иштирокчиларнинг бир қисми қуйи белгиланган ва уйин давомида ўзгармис ролни ижро этишлари лозим. Бир қисм иштирокчилар ролларни шахсий тажрибалари ва билимлари асосида ўз мақсадларини белгилайдилар. Ишбоб ўйинда хар бир иштирокчи алоҳида роли мақсадни бажариши керак. Шунинг учун вазифани бажариш жараёни индивидуал гуруҳли характерга эга. Хар бир иштирокчи аввал ўзининг вазифаси бўйича қарор қабул қилинади, сўнгра гуруҳ билан маслаҳатлашади. Ушбу шахсий варақа бўйича мақсадга еришиш бутун гуруҳ аъзолари еришган натижаларга боғлиқдир уйин якунида хар бир иштирокчи алоҳида роли мақсадни бажариши керак. Шунинг учун вазифани бажариш жараёни индивидуал гуруҳли характерга эга. Хар бир иштирокчи аввал ўзининг вазифаси бўйича қарор қабул қилади, сўнгра гуруҳ билан маслаҳатлашади. Ушбу шахсий варақа бўйича мақсадга эришиш бутун гуруҳ аъзолари эришган натижаларга боғлиқдир. Ўйин якунида хар бир иштирокчи ва гуруҳ эришган натижаларга қараб баҳоланади.

Ишбоб ўйин методининг афзалликлари.

- Ўқувчиларнинг билимларини ва тажрибаларини ўз қарашлари ва хулқлари орқали ифода этишга ёрдам беради.
- Ўқувчининг бошланғич билимлари ва тажрибаларини сафарбар этиш учун яхши имконият яратилади.

- Ўқувчилар ўз билимлари доирасидан келиб чиққан имкониятларини намоёни этишлари учун шароит яратилади.

“Ишбоп ўйин” методининг камчиликлари

- Ўқитувчидан катта тайёргарликни талаб этади.

- Вақт кўп сарфланади.

- Танланган мавзу ўқувчининг билим даражасига мос келиши талаб этилади.

- Ўқувчининг хис хаяжони тўғри қарор қабул қилишга ҳалақит бериши мумкин.

Ушбу методдан амалий ва семинар машғулотларида кўпроқ фойдаланилса, дарснинг сифат самарадорлиги янада ошишига эришилади.

Таълим жараёнида мақсад бўйича кафолатланган натижага эришишда қўлланиладиган ҳар бир таълим технологияси, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида ҳамкорлик фаолиятини ташкил эта олса, ҳар иккаласи ижобий натижага эриша олса, ўқув жараёнида ўқувчилар мустақил фикрлай олсалар, ижодий ишлай олсалар, ўзларига, гуруҳга, гуруҳ эса уларга баҳо бера олса, ўқитувчи эса уларнинг бундай фазилатлари учун имконият ва шароит ярата олса, ана шу ўқитиш жараёнининг асоси ҳисобланади.

МЕҲНАТ ТАЪЛИМИНИ АХБОРОТЛАШТИРИШДАГИ АЙРИМ МУАММОЛАР

*Ш.Ч.Турсунов, Б.Э.Қодиров, А.Т.Бутаяров, А.М.Туропов
ТерДУ.*

Мамлакатимизда таълим тизимини ахборотлаштиришга ҳукуратимиз алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари қабул қилинди. Шу муносабат билан республикаимиздаги таълим муассасалари компьютер техникаси ва электрон ўқув қўлланмаларининг янги авлоди билан жиҳозланишига эътибор берилмоқда. Охириги 3 йил мобайнида компьютер саноати халқаро кўрсаткичлар бўйича ишлашга ўтмоқда. Ўзбекистонда компьютерни жон бошига ҳисоблаш кўрсаткичи Ҳиндистон, Хитой ва Россияга яқинлашмоқда.

Дарҳақиқат, таълим жараёнини ташкиллаштиришда педагогик технологиялар билан биргаликда ахборот технологияларини уйғунлаштирилган ҳолда фойдаланиш бугунги кунда ҳар қандай фан доирасидаги долзарб муаммолардан бири саналади. Замонавий ахборот технологияларидан таълимда ҳозирги кунга келиб фойдаланиш авжи нуктасига чиқди. Шу жумладан, техника фанлар сирасига кирувчи Меҳнат таълимини ўқитишда ахборот технологиялардан фойдаланиш орқали ўқувчиларнинг ўқув мотивларини ривожлантириш, табақалаштирилган

таълимни ташкил этиш, ўқувчиларнинг ўзлаштирган билимларини назорат қилиш ва баҳолаш, таҳсил олувчиларнинг мустақил ва ижодий изланишларни ташкил этиш мумкин. Лекин, замонавий ахборот технологияларни жорий этишда бир қатор қийинчиликлар ҳам вужудга келмоқда. Хусусан:

- таълимни ахборотлаштиришга педагогик жамоаларнинг етарли даражада тайёр эмаслиги;
- компьютер ўргатувчи дастурларнинг имкониятлари ҳақида тасаввурларнинг озлиги, уларни қўллаш бўйича методик ишланмаларнинг камлиги;
- компьютер технологиялари воситаларининг қимматлиги ва ўқув муассасасининг барча аудиториялари ахборот технологиялари воситалари билан 100% таъминланмаганлиги ;
- таълимда ахборот технологиялари бўйича мутахассисларнинг етишмаслиги;
- ўқувчи ва талабаларнинг барчаси ахборот технологиялари воситаларидан ва интернет тармоғидан фойдаланишни 100% билмаслиги;
- биологик мавзуларнинг барчаси юзасидан ахборот технологиялари асосида яратилган кўргазмали қуроллар, маърузалар матни, мультимедиялар, анимациялар ва тест маълумотларининг яратилмаганлиги;
- ягона тил бўйича маълумотлар базасининг яратилмаганлиги (яъни компьютер технологиясида асосан рус тилидан фойдаланишнинг жорий этилганлиги ва кўпчилик ўқувчи-талабаларнинг рус тилини билмаслиги)ва тил муаммоси;
- ҳар бир мавзу юзасидан талаба ва ўқувчиларнинг ўзлаштирган билимларини назорат қилувчи ва баҳоловчи назорат дастурларининг яратилмаганлиги;

Юқоридаги камчиликлардан шуни хулоса қилиш мумкинки, мамлакатимизда таълим кенгликларида рўй бераётган туб бурилишлар ҳар бир таълим муассасасида дидактика соҳасини жонлантиришни талаб этади, янгиликни жорий этиш йўли эса ҳар доим мураккаб ва узокдир. Комил ишонч билан айтиш мумкинки, янги ахборот технологиялари яқин йиллар ичида дидактик янгиликка киришнинг асосий манбаи бўлиб қолади.

КУНГАБОҚАР УРУҒИГА ГУМИМАКС СТИМУЛЯТОРИ БИЛАН ИШЛОВ БЕРИШНИНГ ДОН ВА МАҒЗ ОҒИРЛИГИГА ТАЪСИРИ

*¹Таджиев К.М., ¹Турсунов Ш., ²Бердиқулова Г.Қ.**

¹Термиз давлат университети,

²Термиз ижтимоий-иқтисодий касб-хунар коллежи

Республикамиз шароитида кунгабоқар асосан суғориладиган ерларда ўстирилади. Вилятимизда 2011 йил жами такрорий экинлар майдони 48225 га бўлиб, шу жумладан мойли экинлар 3407 га ни, шундан кунгабоқар экини 145,5 га майдонга экилиб парваришланди.


Гумимакс стимуляторини кунгабоқар экинига қўллаш бўйича Сурхондарё вилояти тупроқ-иқлим шароитларида 2009-2011 йилларда тадқиқотлар ўтказилди. Бунда кунгабоқар уруғига экиш олдида Гумимакс стимуляторини 0,5-0,75-1,0 л/т меъёрида қўлланиб, уруғга ишлов берилмаган ва Натрий Гумат 0,8 кг/т ишлатилган вариантларга солиштирилиб ўрганилди. Тажрибада кунгабоқарнинг Жаҳонгир нави экилди. Тажриба даласида барча агротехник тадбирларга риоя қилган ҳолда қуйидаги ишлар амалга оширилди. Жумладан, 2010 йилда экилган кузги буғдой далаларидаги ҳосил 2011 йилда 16 июн куни йиғиштириб олиниб, 20 июн куни дала сомондан тозаланди. 22 июн куни сомондан тозаланган далага сув қўйилди ва 28 июн куни дала (15 см чуқурликда) чизелланиб 70 см кенгликда эгатлар очилиб, 2 июл куни кунгабоқар уруғи экилди. 12 июл куни ягона қилинди. Тупроқ намига қараб 2 марта суғорилиб (18.VII; 20.VIII), қатор орасига 2 марта ишлов берилди (26.VII; 28.VIII). Озиқлантириш 1 марта амалга (гектарига 100 кг соф ҳолда азот) оширилди (18.VII). Бегона ўтлардан (27.VII) бир марта тозаланди. Кунгабоқар ҳосили 2- октябрь куни йиғиштириб олинди.

Тажрибада кунгабоқар уруғига турли меъёрларда Гумимакс стимуляторини

Биз ўтказган тажрибада Гумимакс стимуляторини экишдан олдин ва 3-4 жуфт чинбарг чиқарганда қўллашнинг 100 дона дон ва мағз оғирлигига таъсири аниқланди (1-расм).

Тажрибада 100 дона дон ва мағз оғирлиги аниқланганда назорат вариантыда 100 дона дон вазни 4,25 гр., шундан мағзи 2,09 гр ни ташкил қилди. Эталон Натрий гумат препарати қўлланилган вариантда эса 100 дона дон вазни 4,31 гр., шундан мағзи 2,15 гр бўлиб, назоратдан 100 дона дон вазни 0,06 гр.га, шундан мағз оғирлиги 0,06 гр.га ортди.

Кунгабоқар уруғига экишдан олдин Гумимакс стимулятори билан 0,5-0,75-1,0 л/т ва 3-4 жуфт чинбарг чиқарганда 0,4 л/га ишлов берилганда эса 100 дона уруғ вазни 4,39-4,43-4,42 гр. бўлиб, шундан мағзи 2,21-2,26-2,25 гр.гача бўлиб, ишлов берилмаган назорат вариантыдан мос равишда уруғ вазни 0,14-0,18-0,17 гр.га, мағзи 0,13-0,18-0,17 гр. га, андоза Натрий гумат қўлланилган вариантдан 0,08-0,12-0,11 гр.га ва 0,06-0,11-0,10 гр.га кўп бўлди.



1-расм. Такрорий экилган кунгабоқарнинг 100 дона уруғ ва мағз оғирлиги

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Кунгабоқарнинг эртапишар Жаҳонгир нави уруғига Гумимакс стимулятори билан экишдан олдин 0,75-1,0 л/т ва 3-4 чинбарг чиқарганда 0,4 л/га меъёрда қўлланганда саватчадаги донлар сони ва мағз оғирлиги ошиши кўп йиллик тажрибада аниқланди.

Адабиётлар руйхати

1. Луков М.- “Кунгабоқарнинг тезпишар навлари уларни лалмикор ерларда ўстиришнинг технологик асослари”. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали № 12, 2004, 21-22 бетлар
2. О.Файзиев-“Кунгабоқарни ҳар хил муддатда етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги”. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалик журнали № 5, 2008, Б 27.
3. Саломов И., О.Файзиев, Кушанов Ҳ.-“Кунгабоқар даромадбоп ўсимлик”. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалик журнали № 4, 2008, Б 13.
4. Саломов И., Файзиев О., Исмоилов А.-“Кунгабоқар майдонлари иқтисодий самараси”. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалик журнали № 10, 2007, Б 18.
5. Т.Азизов, И.Анарбаев, Х.Юсупов-“Кунгабоқар”. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалик журнали № 6, 2007, Б 11.
6. Юсупов А., Акмалова М.- “Кунгабоқар экмоқчимисиз? Веля навини танланг”. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалик журнали № 11, 2005, Б 27.

ГУМИМАКС СТИМУЛЯТОРИНИНГ КУНГАБОҚАР ЭКИНИДАГИ САМАРАДОРЛИГИ

*Таджиев К.М., Омонтурдиев А.А.
Термиз давлат университети, Термиз шаҳри*

Мамлакатимизда аҳоли сонининг ортиб бориши ва саноатнинг ривожланиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг тобора ўсишига сабаб бўлмоқда. Бу эса замонавий илғор технологияларни ишлаб чиқиш, экинлардан юқори ва сифатли ҳосил олиш, ер, сув манбаларидан тежамкорлик билан фойдаланиш, кам харажат қилиб, кўп даромад олишни талаб этади. Бу борада кимёвий препаратлар, стимуляторлар ва бошқа биологик фаол моддаларни қўллаш усуллари билан бири ўсимликлар уруғини экишдан олдин дорилашдир. Мамлакатимизда уруғга ишлов бериш усуллари ва ўстирувчи моддалар билан дорилашнинг ўсимликларга ижобий таъсирини ўрганиш борасида кўп тажрибалар ўтказилган ва маълумотлар тўпланган [1,2,3,4,5].

2009-2011 йилларда ЎзПИТИнинг Сурхондарё филиали далаларида Гумимакс стимуляторини кунгабоқар экинидаги таъсирини ўрганиш бўйича тажриба олиб борилди. Тажриба бўлинмалари тўрт қаторли бўлиб, шундан 2 қаторида ҳисоблаш ишлари олиб борилди, иккита четкиси эса ҳимоя қаторлари ҳисобланди. Уруғ қўлда ҳар 25 смга уялаб 4 донадан (14,4 п.м. майдонда 230 дона) экилди. Тажрибада барча тадқиқот ишлари ЎзПИТИ услубий (2007) қўлланмасига [6] мувофиқ олиб борилди.

Ўтказилган тажрибада Гумимакс стимуляторини кунгабоқар уруғига ишлов беришнинг мақбул меъёрини аниқлаш мақсадида экиш олдидан 0,50; 0,75 ва 1,0 л/т меъёрларда ишлов берилиб ниҳолларнинг униб чиқиш даражасига таъсири аниқланди. Тажрибада Натрий гумат препарати (0,8 кг/т) эталон сифатида, дориланмаган уруғлар эса назорат сифатида олиниб вариантларга солиштирма равишда ўрганилди.

Уруғга экиш олдидан Гумимакс стимулятори билан ҳар хил меъёрда ишлов бериб экилганда ниҳолларнинг униб чиқиши турлича бўлди.

Тажрибада ўртача уч йиллик натижалар кўрсатишича, ниҳолларнинг униб чиқиши назоратда 77,2%, эталон Натрий гумат билан ишлов берилиб экилганда 83,2%, Гумимакс стимулятори билан (0,5; 0,75; 1,0 л/т меъёрларда) ишлов берилиб экилганда вариантларга мос равишда 84,2; 88,1 ва 88,6% бўлди.

Маълумотлардан кўриниб турибдики, Гумимакс стимулятори назоратга нисбатан 7,0; 10,9 ва 11,4 фоиз, эталон Натрий гуматга нисбатан 1,1; 5,0; 5,4 фоизга кўп ниҳоллар униб чиққанлиги кузатилди. Эталон сифатида олинган Натрий гумат (0,8 кг/т) стимулятори билан уруғга ишлов берилиб экилганда назоратга нисбатан 6,0 фоизга ошганлиги аниқланди.

Кунгабоқарнинг ўсиши ва ривожланишига Гумимакс стимуляторини уруғга ҳар хил меъёрларда ва ўсимликни вегетация (3-4 жуфт чинбарг чиқарганда) даврида қўллаш таъсирида ўзгаргани кузатилди.

Тажрибада кунгабоқарнинг ўсиши ва ривожланиши 1/VIII; 1/LX ва 22/LX саналарида кузатилди.

Ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, назорат вариантда кунгабоқарнинг бўйи ва барги дастлабки кузатувда (1-август) мутаносиб равишда 52,6 см, 18,2 донани ташкил қилган бўлса, амал даври охирига келиб ўсимлик бўйи 120,0 см, барги 22,5 донани ташкил қилган ҳолда, эталон Натрий гумат стимулятори билан (0,8 кг/га) ишлов берилган вариантда кузатув даврларига ва органларига мутаносиб равишда 54,5 см, 19,0 дона, ҳамда 125,0 см, 23,4 донани ташкил қилди.

Кунгабоқар уруғига Гумимакс стимулятори билан 0,5 л/т меъёрида ишлов берилиб экилганда ўсимлик бўйи кузатув муддатларига мос равишда 54,9; 125,0 см, барги 19,0; 24,0 дона, уруғга экишдан олдин 0,5 л/т меъёрида ишлов берилиб ва вегетация даврида 0,4 л/га қўлланилганда ўсимлик бўйи 56,0; 129,0 см, барги 19,3; 24,2 дона, экиш олдидан уруғга 0,75 л/т меъёрда ишлов берилганда ўсимлик бўйи 56,0; 132,0, барги 19,3; 24,8 дона, шу меъёрда уруғга ишлов берилиб ўсимлик вегетация даврида 0,4 л/га қўлланилганда эса 57,5; 134,0 см, барги 19,8; 25,1 дона, Гумимакс стимулятори билан уруғга экиш олдидан 1,0 л/т меъёрида ишлов берилиб экилганда ўсимлик бўйи 57,0; 133,0 см, барги 19,7; 23,3 дона, шу меъёрда уруғга ишлов берилиб ўсимлик вегетация даврида 0,4 л/га меъёрда қўлланилганда 57,5; 133,0 см, барги 19,8; 24,9 донани, ўсимлик вегетация даврида 0,4 л/га меъёрида Гумимакс стимулятори пуркалганда ўсимлик бўйи 53,8; 122,0 см, барги 18,4; 23,0 дона бўлди.

Кунгабоқарнинг ўсиши ва ривожланиши бўйича нисбатан юқорирок маълумотлар Гумимакс стимулятори билан уруғга 0,75 л/т меъёрида ишлов бериб сўнгра вегетация даврида 4 л/га қўлланилганда кузатилди.

Бу кўрсаткичлар назоратдан 4,9; 14,0 см, 1,6; 2,6 донага, эталон Натрий Гумат препарати қўлланилган вариантдан 3,0; 9,0 см, 0,8; 1,7 донага ортди.

Ўтказилган тажрибадан аниқландики, кунгабоқар уруғини экишдан олдин Гумимакс стимулятори билан 0,5; 0,75 ва 1,0 л/т меъёрларда ҳамда вегетация даврида 0,4 л/га қўлланилган вариантларда ўсимлик бўйи 0,5-1,5 смга баланд бўлиб, барги 0,3-0,5 донага кўп бўлди.

Тажрибада ўртача уч йиллик кунгабоқар уруғ ҳосили натижалари таҳлил қилинганда, юқори уруғ ҳосили Гумимакс стимуляторини экишдан олдин 0,75 ва 1,0 л/т меъёрда ва 3-4 чинбарг чиқарганда 0,4 л/га қўлланилганда 15,3-15,4 ц/га ни ташкил қилиб, назоратга нисбатан 1,3-1,4 ц/га қўшимча уруғ ҳосили етиштирилди. Гумимакс стимулятори билан уруғга 0,5 л/т меъёрида ишлов берилиб экилганда 15,0 ц/га ва вегетация даврида 0,4 л/га ишлатилганда 15,1 ц/гани ташкил қилган ҳолда, назорат вариантыдан 1,0 ц/га ва 1,1 ц/га, эталон Натрий гуматдан 0,3 ва 0,4 ц/га фарқ қилди.

Эталон Натрий гумат препарати қўлланилганда 14,7 ц/га уруғ ҳосили етиштирилиб назоратдан 0,7 ц/га ошганлиги аниқланди.

Ўтказилган уч йиллик тажриба натижаларига кўра қуйидагича хулоса қилиш мумкин Гумимакс стимуляторини экишдан олдин (0,5-0,75-1,0 л/т) ва вегетация даврида (0,4 л/га) қўлланганда ниҳолларни униб чиқиши тезлашиб, ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши мувофиқлашиб, уруғ ҳосили 1,0-1,4 ц/га ортиши аниқланди.

Адабиётлар рўйхати

1. Абдуалимов Ш., “Результаты поиска новых стимуляторов роста для хлопчатника” // Ж. Пахтачилик ва дончилик. -2002. -№ 1. -Б 25-27.
2. Володин В.И. Влияние гиббереллина на прорастание семян некоторых сельскохозяйственных растений. // Ж. Ботанический. –1960 -№ 12. 1787-1791 б.
3. Исломов М., Исроилов А., Новый препарат // Ж. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 1991. -№ 8. -Б 35.
4. Қўзибоев Ш., Амантурдиев А., Исаев Р. “Уруғлик чигитга дорилар билан ишлов бериш” // Ж. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.–2002.-№ 1.–35-36 б.
5. Қўзибоев Ш., Амантурдиев А., Исаев Р. “Дориланган чигит самараси” // Ж. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. –2005. -№2. –Б 16-17.
6. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. Услубий қўлланма ЎзПИТИ. Тошкент. -2007

ОРАЛИҚ ВА СИДЕРАТ ЭКИНЛАРИНИ КИМЁВИЙ ТАРКИБИ

М.Тоъжиев¹, К.М.Таджиев², Турсунов Ш.

ЎзПИТИнинг Сурхондарё филиали¹,

Термиз давлат университети².

2000 йилларда тупроқ таркибидаги чириндининг камайиши ва тупроқ балл бонитетининг пасайиши кузатилиб турган бир пайтда суғориладиган ерларни гумус ва бошқа озика моддаларига бойитишнинг энг самарали усули кузги буғдойдан сўнг оралик, такрорий ва сидерат экинларини экишни кенг жорий этиш тупроқ унумдорлигини сақлаш, тиклаш ва ошириш деҳқончиликнинг энг долзарб муаммоси бўлиб ҳисобланади.

Сўнгги йилларда оралик ва сидерат экинларидан кейин тупроқ таркибидаги гумус ва бошқа озик моддаларнинг миқдори ижобий томонга ўзгаришини ва анғизга экилган экинлар кимёвий таркибини ўрганиш юзасидан ҳам тадқиқотчилар томонидан маълум илмий изланишлар амалга оширилмоқда.

Қ.М.Мирзажонов (2008) фикрича, кўкат ўғитлар тупроқнинг агрофизикавий ва агрокимёвий хоссаларини яхшилади, тупроқ таркибидаги гумусни кўпайтиради ва пахта ҳосилини оширади. Энг яхши

кўкат ўғити хантал (горчица + шабдор) пахта ҳосилини 4,5 ц/га ва хантал эса 2,8 ц/га ошириши аниқланган.

Р.Орипов, Ю. Кенжаев (2008) маълумотиغا кўра, тупроқнинг сув ўтказувчанлиги сидерат (кўкат ўғит)лардан кейин 5,3 фоизга ошиши, тупроқ зичлиги 0,06-0,09 г/см³ га камайиши, сидератлардан сўнг тупроқнинг макро ва микро агрегат заррачалари 21,1-62,8 фоизгача кўпайиши, пахта ҳосили назорати даласига нисбатан 4,0-9,0 ц/га ошишини аниқлаганлар.

Б.Холиқов, Ф.Номозов (2009) маълумотиغا кўра, кузги буғдойнинг 1 тонна анғиз ва илдиз қолдиғида 1213 кг азот, 56 кг фосфор ва 18-20 кг калий, 1 тонна мош анғиз ва илдиз қолдиғида 27,5 азот, 13,2 кг фосфор ва 27,0 калий, 1 тонна соя анғиз ва илдизида 17,5 кг азот 5,7 кг фосфор ва 13,7 кг калий моддаси мавжуд бўлишини аниқлаганлар.

Б.Холиқов, А.Иминовлар (2010) таъкидлашича кузги буғдойни 11 йил давомида бир далага экиб, ҳар йили 20 т/га гўнг солинганда тупроқдаги гумус миқдори 0,430% NPK 200, 140, 100 кг/га ишлатилганда 0,410% га, ўғитсиз вариант 0,540% га ва NPK 150,105, 75 кг/га ишлатилганда 0,505 фоизга камайишини исботлаганлар.

Бизнинг ўтказган тадқиқотлар вилоятимизнинг тақирсимон ва тақир-ўтлоқ тупроқлари шароитида 2011-2013 йиллар давомида ЎзПИТИ Сурхондарё филиали тажриба далаларида ўтказилмоқда. Тажрибада барча кузатиш ва тадқиқот ишлари ЎзПИТИ услубиёти (2007) асосида ўтказилди. Кузги буғдой ҳосили йиғиштириб олиниши билан дала суғорилди ва дала етилиши билан икки марта чизелланди, текисланди ва оралиқ экинлар сифатида соя, хашаки нўхат, тритикале ва маккажўхори экинлари экилди.

Тажрибага соя экинининг Ўзбекистон-6, хашаки нўхатнинг Восток-55, Тритикале экинини Праг-39 ва маккажўхорининг Ўзбекистон АМБ-309 навлари экилган эди. Кузги буғдойдан кейин экилган оралиқ, такрорий ва сидерат экинларининг ўсиши, ривожланиши яхшиланиб етарли ҳосил тўплади. Кузги буғдойдан сўнг экилган оралиқ, сидерат ва такрорий экинларини тупроқ устки ва тупроқ остки қисмлари кимёвий таркибини аниқлаш деҳқончилик фанининг энг долзарб муаммоси бўлиб ҳисобланади.

Долзарб муаммони ечимини топиш учун кузги буғдой ва кузги буғдойдан кейин экилган қишлоқ хўжалик экинларининг тўплаган органик моддалари (барг, поя, илдиз, анғиз ҳамда бутун ўсимлик) кимёвий таркиби ЎзПИТИ ёппасига таҳлил лабораториясида таҳлил этилди. Кузги буғдой ва оралиқ, сидерат ҳамда такрорий экинларнинг кимёвий таркиби (1-жадвал) келтирилган. Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики ҳархил қишлоқ хўжалик экинлари ҳар хил миқдорда азот, фосфор ва калий элементларини сақлаши аниқланди. Барча ўсимликларда энг кўп миқдорда азот моддаси ўсимликлар барги ва поясида бўлиб, ўсимликларнинг илдиз ва анғизида эса инсбатан кам ва бутун ўсимлик (сидератлар) таркибида азот, фосфор ва калий моддалари ўртача бўлиши аниқланди.

Кузги буғдойдан сўнг экилган оралик, такрорий ва сидерат экинларининг кимёвий таркиби

№	Экинлар номи ва ўсимлик қисмлари	Ўсимликлар таркиби,%		
		Азот	Фосфор	Калий
1	Маккажўхори экини			
	1. Барг ва поя	0,92	0,24	1,95
	2. Илдиз ва анғиз	0,60	0,15	1,35
2	Тритикале			
	1. Барг ва поя	1,15	0,27	2,40
	2. Илдиз ва анғиз	0,48	0,23	1,80
	Тритикале экини сидерат учун фойдаланганда (барг, пояси, илдиз)	0,69	0,24	1,95
3	Тритикале + хашаки нўхат			
	1. Барг ва поя	2,3	0,28	1,95
	2. Илдиз ва анғиз	0,81	0,25	1,65
	Тритикале + хашаки нўхат сидерат учун фойдаланилганда (барг, пояси, илдиз)	1,57	0,29	2,55
4	Хашаки нўхат			
	1. Барг ва поя	2,90	0,34	1,35
	2. Илдиз ва анғиз	1,33	0,21	1,05
	Тритикале + хашаки нўхат сидерат учун фойдаланилганда (барг, пояси, илдиз)	2,26	0,31	1,65
5	Соя экини			
	1. Барг ва поя	1,81	0,21	1,35
	2. Илдиз ва анғиз	0,81	0,12	0,60
	Тритикале + хашаки нўхат сидерат учун фойдаланилганда (барг, пояси, илдиз)	1,39	0,25	1,20

Ўсимлик таркибидаги азот моддаси ўсимликлар турларига кўра ҳар хил бўлиши ўтказилган кимёвий таҳлиллар натижасида исботланди. Дондуккакли (соя ва хашаки нўхат) ўсимликларида ўсимлик таркибидаги азот моддаси энг юқори (1,81-2,90%) бўлиши ва донли ўсимликларда (Тритикале ва маккажўхори) нисбатан камроқ (1,15-0,92%) бўлиши исботланди. Хашаки нўхатни Тритикале экини билан аралаш экилганда ўсимлик таркибидаги азот моддаси миқдори соф ҳолда Тритикале экилганга нисбатан анча юқори бўлиши аниқланди (2,3%).

Кузги буғдойдан сўнг экилган такрорий, оралик ва сидерат экинларини таркибидаги фосфор моддасининг миқдори бўйича фарқ кам бўлди, лекин анғизга экилган оралик, сидерат ва такрорий экинлари таркибидаги калий элементи ўртасидаги фарқ юқори бўлиши кузатилди. Энг кўп миқдордаги (1,950-2,550%) калий моддаси донли экинлар (Тритикале ва маккажўхори)да бўлиши ва нисбатан камроқ миқдордаги (1,200-1,350%) калий элементи дон-дуккакли (соя, хашаки нўхат) экинларда бўлиши аниқланди.

Кузги буғдойдан кейин экилган оралик, сидерат ва такрорий экинлари кимёвий таркибини аниқлаш энг муҳим назорат ва амалий аҳамиятга эга бўлган муаммо бўлиб ҳисобланади. Чунки фермер хўжаликлари даласига экилган қишлоқ хўжалик экинлари тупроқни бойитса, баъзи бир экинлар тупроқни камбағаллаштиради. Суғориладиган далаларга кузги буғдойдан сўнг албатта тупроқни бойитадиган қишлоқ хўжалик экинларини экиш тавсия этилади.

Кузги буғдойдан сўнг экилган оралик, такрорий ва сидерат экинларидан дон-дуккакли (соя, хашаки нўхат) экинлар таркибида азот моддаси юқори бўлиши ва донли (Тритикале ва маккажўхори) экинлар таркибида азот моддаси камроқ ва калий моддаси кўп бўлиши аниқланди. Сидерат (кўкат ўғит) экинлари тупроққа кўпроқ гумус ва озика экинлари тўплаши исботланди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзажонов Қ.М. – “Кўкат ўғит” нима? Ж.Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги №4, 2008, -Б.10
2. Орипов Р., Кежаев Ю. – Сидератлар, тупроқ унумдорлиги ва ғўза ҳосилдорлиги. Ж.Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги №1, 2008. –Б.15
3. Холиқов Б., Номозов Ф. – Самарадор такрорий экинлар. Ж.Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги №4., 2009. –Б.24
4. Холиқов Б., Иминов А. – Муттасил ғалла етиштирилган далаларда тупроқ унумдорлиги ва дон ҳосилдорлиги. Ж.Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги №2., 2010. Б. 23-24.

ДАҒАЛ ОЗУҚА ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА ТЕХНИК ВОСИТАЛАРИНИ ЎРГАТИШ

Каримов Р.Р., Каримов Ё.З.

ТермДУ.

Республикамизнинг чорвачилик хўжаликларида замонавий технологиялар ва унумли техникалар жорий этилмоқда. Бу каби технологияларни тадбиқ этиш ва мукамал техникалардан самарали фойдаланиш ”инсон-машина-технологик муҳит” тизимининг самарадорлиги, унинг ҳамма бўғинларининг мукамал, пухта тайёрланганлиги ва ишлаш даврида ишончли фаолият кўрсатишига ўзвий боғлиқдир. Жумладан, бу тизимда инсон омилининг ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги шубҳасиздир. Техниканинг ишлашида юзага келадиган носозликларнинг маълум миқдори ва иш унумдорлиги бевосита оператор малакасига боғлиқ. Бу ҳолни кўплаб илмий изланишлар натижалари тасдиқлайди. Жумладан, Мейстер тадқиқотларига кўра техниканинг 8-10% носозликлари инсон омили натижасида, яъни унинг малакаси етарли бўлмаганлиги туфайли юзага келган. А.Г.Левшин ўзининг ишларида чорвачилик агрегатларининг иш унумдорлиги операторларнинг малакаси таъсирида 30-50%га ўзгаришини кўрсатган ва тегишли аналитик

ифодаларда аниқлаган. Бу ҳолат кадрлар тайёрлаш сифатини кескин оширишни талаб этмоқда[1,2]. Ўз ўрнида Термиз давлат университети техника ва касбий таълим факультети коллежларга муҳандис-педагог кадрлар тайёрлайди. Меҳнат таълими ва касб таълими: қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш йуналишларини 2012-2013 уқув йилида 100 нафарга яқин мутахассис кадрлар чорвачиликни механизациялаштириш фанидан дағал озуқа тайёрлаш технологиясини ўқиганлари битирмоқдалар.

Меҳнат таълими ва касб таълими: қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш йуналишларида таълим олаётган талабалар дағал озуқа тайёрлаш технологиясини ўзлаштириш давомида чорвачилик махсулотларини ишлаб чиқариш технологик жараёнлари, уларда қўланиладиган машина ва жиҳозлар тузилиши, ишлаш ҳамда фойдаланиш қоидалари тўғрисидаги билимга эга бўлиши, чорвачиликда ишлаб чиқариш технологик жараённи механизациялашнинг назарий ва ҳисоблаш асосларини билиши ҳамда машина ва жиҳозларни тўғри созлаш,техник хизмат кўрсатиш ва уларни амалиётда қўллай билиши керак.

Дағал озуқа тайёрлаш технологияси ва унда иштирок этувчи техник воситаларни ўргатиш давомида талабалар машина деталлари, машина ва механизмлар назарияси, ўзаро алмашинувчанлик, техник ўлчаш, стандартлаштириш ва сертификатлаш, чизма геометрия, муҳандислик графикаси ва машинасозлик чизмачилиги, материалшунослик, конструкцион материаллар технологияси, гидравлика, насос ва насос станцияси, иссиқлик техникаси,қурилиш механикаси (материаллар қаршилиги) фанларнинг илмий ва назарий билимларига асосланган ва уларнинг функционал боғланиши тасвирда келтирилган (расм).



Дағал озуқа тайёрлаш техник воситаларини тайёрлашни технологияси, конструкцияси, фойдаланиш ва таъмирлашнинг умумтехника фанларига боғлиқлиги тасвири

Муҳандис-педагог ҳар томонлама ривожланган уддабурон,қобилиятли бўлиши билан чорвачиликни механизациялаштиришга касб-хунар коллежларида кичик мутахассисларни тайёрлашда фан бўйича битирувчиларга қўйиладиган талабларни чорвачилик учун дағал озуқа тайёрлаш технологияси ва унда иштирок этувчи техник воситаларини ўргатиш ҳамда ўқитиш методикаси бўйича куникмаларга эга бўлиши керак.

Бундай техник воситаларни яратишда қўйидагиларга эътиборимизни қаратдик, яъни технологик жараён лаборатория-дала шароитида чуқур ўрганилди.

Дағал озуқа тайёрлаш технологияси ва унда иштирок этувчи техник воситалари қўйидаги кетма-кетликда ўрганилади[3,4]:

1. Дағал озуқабоп ўсимликларни ўриб-йиғишнинг мавжуд техник воситалари шарқланди
2. Дағал озуқабоп ўсимликларнинг айрим физик- механик хоссалари ўрганилди.
3. Дағал озуқабоп ўсимликлардан бири, яъни бошоқли экинлар донсиз қисми аниқланди
4. Дисксимон ишчи қисмли ўриш аппаратининг ўрнатилиш бурчаги тадқиқ қилинди.
5. Қия дисксимон ишчи қисмли ўриш аппарати пичоқларини бурчак тезлиги аниқланди.
6. Донли ва озуқабоп ўсимликлар пояларини ўриш жараёнидаги деформацияланиши ўрганилди.
7. Дағал ўсимликларнинг ўриш тезлиги аниқланди.
8. Озуқабоп ўсимликлар пояларини кесиш кучи аниқланди.
9. Сомон ажраткич тасвири ишлаб чиқилди ҳамда иш режими аниқланди.
10. Ярим канониксимон ишчи қисмли дағал хашак майдалагич ўрганилди.
11. Ярим конуссимон ишчи қисмли дағал хашак майдалагич ўрганилди.

Олиб борилган тажриба-синов ишларида ҳозирда мавжуд техникларга нисбатан дағал хашак тайёрлаш техник воситаларда иш сифати 1,15 марта ортади,харажат эса 13 % камаяди.

Шундай қилиб, дастлабки олиб борилган тажриба-синов ишларининг натижаларига асосланиб қўйидаги хулосаларга келинди,яъни дағал хашак тайёрлаш техник воситаларнинг яратилиши эса қимматбаҳо техник воситалар яратилишига хожат қолдирмайди.

Адабиётлар

1.Шахсий ёрдамчи, дехкон ва фермер хўжаликларда чорва моллари кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришини кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг

қарори //Халк сўзи газетаси, 2008 йил, 21 апрель. –Б.1-2.Исмоилова З., АмиркуловТ., Умаров С. Касбий таълим ва илғор технологиялар // Ўзбекистон кишлоқ хўжалиги журнали. 2002. -№3. –Б. 41.

3. Рихситиллаев Х.Р.,Газибеков А.Б. Қишлоқ хўжалигига замонавий техниканинг жорий этилиши муносабати билан инженер-педагоглар тайёрлашнинг долзарб вазифалари// ”Республика қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига замонавий технология ва техникадан фойдаланиш самарасини ошириш йўлдари” мавзусидаги илмий-техник конференция маърузаларининг тезислари. Гулбаҳор-2000 й. 16-17ноябр,141-142 б.

4. Каримов Р.Р., Каримов Ё.З., Нурматов Ш.Б., Авазов Ж.Д. Бошоқли экинлар донсиз қисмини аниқлаш// “Аграр соҳада фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси ва инновацион ривожланиш истиқболлари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент: ТошДАУ, 2011й., 28 декабрь, 281-283 б.

МЕТОДЫ ОКСИДИРОВАНИЯ АЛЮМИНИЯ И ЕГО СПЛАВОВ

*Мавлонов А.С., Рахматова Н.Ш., Нормуродов Б.А.
Ташкентский химико-технологический институт,
Термезский государственный университет.*

Процесс оксидирования изделий из алюминия и его сплавов состоит из операций механической и химической подготовки, оксидирования и обработки оксидной пленки. При выборе материалов и растворов для подготовительных операций следует учитывать вязкость и малую твердость алюминия, и его большую растворимость в щелочной среде/1/.

Для загрузки деталей в стационарную ванну применяют подвесные приспособления из алюминия или его сплавов. Они должны обеспечить надежный электрический контакт с оксидируемыми деталями и токонесущей штангой. От качества этого контакта во многом зависит результат оксидирования./2/

Площадь сечения, подвески должна быть достаточной для того, чтобы прохождение тока не вызывало разогревания металла. Неплотный контакт подвески с деталью приводит к образованию оксидной пленки на контактирующей поверхности, благодаря чему происходит сильный местный разогрев металла и прианодного слоя электролита. При повторных загрузках для удаления оксидной пленки приспособления должны протравливаться в 10-процентном растворе едкой щелочи. Целесообразно использовать для этой цели раствор, содержащий 20 г/л CrO_3 и 35 мл/л H_3PO_4 (уд. вес 1,52).

В качестве материала для подвесных приспособлений при оксидировании алюминия может быть использован титан. Образующийся на нем окисный слой, периодически удаляют травлением в разбавленной H_2SO_4 .

Одновременно в ванне следует обрабатывать изделия, изготовленные из одного материала- алюминия или какого-либо его сплава. Таким путем

обеспечивается, равно мерное распределение тока и однородность оксидного слоя на всех деталях. Если одновременной обработке подвергаются изделия из различных алюминиевых сплавов, то вследствие различия скорости их оксидирования и растворения пленки, а также поведения компонентов сплава происходит перераспределение тока. В результате чего не всегда удается получить на всей партии деталей оксидный слой требуемой толщины и свойств.

Из экстрактора полученная кислая пульпа погружным насосом перекачивается в аммонизатор (поз. 6), где нейтрализуется газообразным аммиаком до $pH = 3,0-3,5$. После аммонизатора пульпа направляется на форсунку аппарата БГС (поз. 8). Сухой гранулированный продукт поступает на классификацию, товарная фракция отгружается потребителю,

мелкие гранулы возвращаются в БГС как внешний ретур, а крупные гранулы идут на дробилку и затем опять на рассев.

Удобрение имеет следующий химический состав, масс. %: P_2O_5 общ. – 40,01-41,95, P_2O_5 усв. – 27,37-30,92, P_2O_5 вод. – 9,05-15,78, CaO общ. – 28,69-33,08, CaO усв. – 14,73-19,55, CaO вод. – 4,16-6,94, N – 0,95-1,21. Содержание усвояемого P_2O_5 составляет 68,41-73,71 % отн. от содержания общего P_2O_5 . Таким образом, по сравнению с технологией получения аммофоса используется химический потенциал фосфорной кислоты для разложения небогащенного фосфатного сырья, что снижает стоимость питательных веществ в готовом удобрении.

Библиография

1. Садыков Б.Б., Соколов В.Д., Ибрагимов Г.И., Беглов Б.М. Фосфориты Центральных Кызылкумов: их характеристика, обогащение и переработка. // Кимё ва кимё технологияси. 2005. № 2. С.12-23.
2. Умаров С.А. Разработка технологии получения фосфорсодержащих удобрений разложением фосфоритов Центральных Кызылкумов фосфорной кислотой и смесью серной и фосфорной кислот. // Автореферат дисс.... канд. техн. наук. – Ташкент: Институт общей и неорганической химии АН РУз. 2006. – 23 с.

ЭКСТРАКЦИОН ФОСФАТ КИСЛОТАСИНИ НАТРИЙ ТУЗЛАРИ БИЛАН ФТОРСИЗЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИ ТАДҚИҚОТИ

Зоирова Х.С., Шерматова Х.М., Хужамкулов С.З.

Термиз давлат университети, Термиз ш.


Апатит ва фосфоритлар таркибида ўртача 3,0 ва 2,7% фтор бўлади. Дунёдаги фтор захирасининг 90 %-га яқини айнан фосфат хом-ашёсида жойлашган. Жаҳонда ҳар йили 150 млн. т га яқин фосфат хом-ашёси қайта ишланади. Фосфат хом-ашёсининг 80 %-га яқини минерал ўғитларга қайта ишланади. Фторли минералларнинг кам эрувчанлиги фторнинг тупроқдан ёмғир ва эриган қор сувлари билан чиқиб кетишига, сув сақлагичларда унинг микдорининг ошишига, ҳамда ўсимлик организми томонидан ўзлашишига сезиларли даражада тўсқинлик қилади, бу эса табиатда экологик мувозанатнинг сақланиб туришига имкон беради. Аммо инсон фаолияти натижасида ҳосил бўлаётган ўсимлик ва ҳайвонлар томонидан енгил ўзлаша оладиган фтор шаклининг гидросфера, литосфера ва атмосферада пайдо бўлганида бу ҳолат жиддий ўзгариши мумкин. Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, фторли бирикмалар ўсимлик дунёсига ўта зарарли таъсир кўрсатади. Шуни таъкидлаш етарлики, фторли бирикмаларнинг ўсимликлар учун фтор ҳисобидаги ҳавфсиз концентрацияси рухсат этилган концентрациядан ($PЭЖ - 0,005 \text{ мг/м}^3$) анча паст бўлган $0,00017-0,00023 \text{ мг/м}^3$ ҳисобланади.[1,2]

Фосфорли ўғитлар ишлаб чиқаришда фторни ажратиб олиш ва ундан фойдаланишнинг энг истиқболли усулларида бири, бу ЭФКни ишқорий металллар тузлари ёрдамида фторсизлантириш билан бир вақтнинг ўзида Республикада ишлаб чиқариш хали йўлга қўйилмаган, нархи нисбатан юқори маҳсулотлар – натрий ва кальций фторидларини олиш ҳисобланади.

Тадқиқот учун «Аmmofos-Махам» ОАЖнинг қуйидаги кимёвий таркибдаги (оғирл. %): P_2O_5 – 20,89; CaO – 0,24; MgO – 1,20; Al_2O_3 – 1,33; Fe_2O_3 – 0,90; F – 1,21; SO_3 – 3,60; Na_2O – 0,12; SiO_2 – 0,13 ЭФКси ишлатилди.

Дастлабки хом-ашё, фторсизлантирилган ЭФК ва натрийкремнофторид чўкмасининг таркибини аниқлаш учун стандарт методлардан фойдаланиб аниқланди.[3]

Тажрибаларда ЭФКни фторсизлантириш учун ишқорий металлларнинг сульфат ва гидрофосфат тузлари эритмаларининг зарур бўлган миқдорини $6F : 2Na$ нисбатидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб фойдаланилди. Натрий тузларининг меъёрини стехиометрик равишда 100-200% ораликда ўзгартирилди. Фторсизлантиришни $70^{\circ}C$ ҳарорат, аралаштириш давомийлиги 45 дақиқада, жараённинг ҳароратини ва давомийлигини мос равишда $30^{\circ}C$ ва 120 дақиқада олиб бордик.



1-расм. ЭФКнинг фторсизлантириш ва ишқорсизлантириш даражасига натрий сульфати (1 ва 3) ва гидрофосфати (2 ва 4) меъёрининг таъсири.

Тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, натрий сульфат ва гидрофосфат тузлари меъёрларининг ортиши билан жуда сезиларли бўлмаса ҳам фторсизлантириш даражаси ошиб боради. Фторнинг асосий миқдори 100-120 % (1-расм) меъёрнинг ўзидаёқ чўкмага ўтади. Меъёрнинг 200 %-гача ортиб бориши билан фторсизлантириш даражаси натрий сульфати билан чўктиришда 2,80-22,45 %-га, натрий гидрофосфати билан чўктиришда эса 3,60-9,10 %-га ошади.

Шуни таъкидлаш лозимки, МҚ фосфоритларидан олинган ЭФКни ишқорий металлларнинг тузлари билан фторсизлантириш талаб қилинган фторсизланиш даражасини бермайди, шунинг учун ЭФКни ишқорий металлларнинг тузлари билан фторсизлантириш бўйича тажрибалар кислотада эрувчан кремний (IV)-оксиди иштирокида олиб борилди. Кремний (IV)-оксиди меъёри ЭФКдаги фтор ва кремний миқдорини эътиборга олиб $6F:SiO_2$ нисбатидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланди.

Кремний (IV)-оксиди иштирокида натрий сульфат ва гидрофосфат тузлари меъёрининг 100 дан 120-130 %-гача оширилиши билан фторсизланиш даражаси мос равишда нисбий 49,64 ва 52,72 %-гача кескин ортади. Чўктирувчи реагент меъёрининг кейинги оширилиши фторсизланиш даражасини ўта сезиларсиз даражада ортишига олиб келади.

Чўктирувчи реагент сифатида натрий гидрофосфати қўлланилганда унинг 110-130% меъёрида ЭФКнинг фторсизланиш даражаси натрий сульфатини қўллагандагига нисбатан ўртача 1,40 %-га юқори бўлди.

КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

*Эшкораев У.Ч., Шомирзаев М.Х.,
ТермДУ.*

Касбий таълим-тарбия жараёни иштирокчиларининг маълум белгиланган тартибда амалга ошириладиган ҳамкорликдаги фаолиятларининг ташқи кўриниши касбий таълимнинг ташкилий шаклини англатади.

Кишилик жамиятининг тарихий тараққиёт даврида таълимнинг ташкилий шакллари турлича булган. Қадимги пайтларда яқка тартибда ўқитиш кенг тарқалган бўлиб, у маълум ижобий жиҳатларга эга бўлганлиги боис ҳозирги вақтгача сақланиб қолган. Ўрта асрга келиб, касбий таълим-тарбия кичик гуруҳлар шаклида ўтказила бошлаган, чунки бу даврда саноат ишлаб чиқариши йўлга қуйилаётган давр эди.

XVII асрнинг бошларида чех педагоги Я.А.Коменский синф-дарс тизими мақбуллигини назарий жиҳатдан исботлаб берди. Шу пайтгача бу тизимдан кенг кўламда фойдаланилиб келинмоқда, лекин синф дарс тизими синфдаги ўқувчиларнинг ўрта буғинига мўлжаллангани учун билими юқори бўлган ўқувчилар дарсда зерикиб қолса, билими паст бўлган ўқувчиларнинг ўзлаштириши эса янада пасайиб кетади. Бу эса синфдаги ўқувчилар ўртасида зиддиятларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Ўзлаштириши қийин бўлган ўқувчиларнинг тушкунликка тушиб қолиш ҳолатлари кузатилади. Айниқса, касб-ҳунар коллежларига ўқишга келгандан сўнг ўқувчиларга амалий топшириқлар берилганда кўрслик билан мен буни билмайман деб қўя қолишади. Шунинг учун кўп ҳолларда ота-оналарнинг ўз фарзандларини репетитор ёллаб, қўшимча билим

олишга эътибор қаратаётганига гувоҳ бўламиз. Бу билан биз синф-дарс тизими бугунги кунга келиб ўзини оқламай қолди демоқчи эмасмиз. Аксинча, касб-хунар таълими жараёнини олиб боришда ҳар бир ўқувчини алоҳида ўрганиб, янги педагогик технологиялар асосида уларга билими ва иқтидорига яраша амалий топшириқлар бериш йўли билан синф дарс тизимини самарадорлигини оширишга ҳаракат қилишимиз керак. Ҳозирги пайтда касбий таълимнинг ташкилий шакллари қуйидаги хусусиятларига биноан турланади.

Синф-дарс тизимининг асосий узига хос жиҳатлари қуйидагилар ҳисобланади:

- деярли бир хил таркиб, ёш ва тайёргарлик даражасидаги ўқувчилар иштирок этади; таълим-тарбия жараёни ўзаро боғлиқ алоҳида-алоҳида қисмлар кўринишига эга булади;



- бир дарс ўқув режасига кирган маълум бир ўқув предметига оид бўлади;

- дарслар мунтазам равишда алмашиб туради;
- касбий таълим дарларига ўқитувчи, муҳандис-педагог, йўриқчи, тажрибали мутахассис кабилар раҳбарлик қилади;
- ўқувчилар турли кўринишдаги ўқув-билиш фаолиятида иштирок этадилар.

Қуйидагилар синф дарс тизимининг ижобий томонлари ҳисобланади:

- қатъий ташкилий тузилмага эга эканлиги;
- иқтисодий кўрсаткичларининг нисбатан юқорилиги. Сабаби бир ўқитувчи бир вақтнинг ўзида кўп сонли ўқувчилар билан ишлайди;
- ўзаро ҳамкорлик фаолиятини амалга оширишга қулай шароит яратилганлиги кабилар.

Шу билан бирга синф-дарс тизимининг қуйидаги камчиликлари ҳам эътироф этилган: ўртача ўқувчига мулжалланганлиги; ҳар бир ўқувчи билан индивидуал ишлаш имкониятининг йўқлиги ва шу кабилар.

Ўқитувчи ўзи ўқитадиган ўқув предмети бўйича машгулотларни муваффақиятли ўтказиш учун уларга пухта тайёргарлик кўриши муҳим аҳамиятга эга. Ўқитувчи ўқув йилига тайёргарлик кўриш жараёнида нимани, қачон ва қандай ўргатиш кераклигини аниқлаб олади. Бунинг учун у энг аввало ўқув-меъерий ҳужжатларни таҳлил этиб, қандай мутахассис

тайёрлаш лозимлигини, бу мутахассис модели ҳисобланган давлат таълим стандартларининг мазмунида у ўқитадиган предмети қандай аҳамиятга эгаллиги, стандартнинг қандай бандларини бажаришга мулжалланганлиги, ўқув материали ҳажми, ўрганиш учун ажратилган вақт микдори ва тартибини аниқлаб олиши зарур бўлади.

Синф-дарс тизимида машғулот ўқувчилар ёши ва тайёргарлик даражасига биноан табақалаштирилади, маълум дастур ва жадвал асосида ўқитувчи раҳбарлигида ташкил этилади. Ҳозирги пайтда дарсларни ташкил этиб ўтказишга қуйидаги дидактик талаблар қўйилади:

1. Дарснинг мақсад ва вазифаларининг аниқлиги, ўзаро боғлиқлиги ҳамда психологик, педагогик, физиологик нуқтаи назардан мақбуллиги.

2. Дарснинг мазмунан ва таркибий жиҳатдан яхлитлиги.

3. Ўқувчиларининг онгли ўзаро ҳамкорлик фаолиятининг таъминланганлиги.

4. Ўқувчиларнинг ўқиб-ўрганишлари, тарбияланишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш.

5. Барча дидактик ва хусусий принципларга асосланганлиги.

6. Ўқувчилар шахсини ҳурмат қилиш, уларнинг фаоллиги, эркинлиги, мустақиллиги, ижодкорлиги кабиларга эътибор қаратиш.

Ҳозирги пайтда ҳам таълим-тарбияни яқка тартибда ташкил этиш шакли ўзининг муҳим жиҳатларига кўра сақланиб қолган бўлиб, айниқса, ундан ўқувчиларнинг эҳтиёжи, хоҳиши, қизиқишларини ривожлантиришда, ўзлаштирилиши қийин фанларни ўрганишда қўлланилса яхши самара беради.

ОБЕСФТОРИВАНИЯ ЭКСТРАКЦИОННОЙ ФОСФОРНОЙ КИСЛОТЫ ПОЛУЧЕНИЕМ ФТОРИДОВ НАТРИЯ И КАЛЬЦИЯ

С.З. Хужамкулов, Д.Д. Асамов, Х.Ч. Мирзакулов

Ташкентский химико-технологический институт, г. Ташкент

Особенности химического состава термоконцентрата фосфоритов Центральных Кызылкумов (ЦК) приводят к тому, что при получении из него экстракционной фосфорной кислоты (ЭФК), последняя содержит очень малое количество кремния, и фтор в ЭФК присутствует не в виде H_2SiF_6 (как в ЭФК из фосфоритов Каратау), а в виде HF. В связи с этим разработанная технология обесфторивания ЭФК из фосфоритов Каратау [1] солями щелочных металлов просто не применима для обесфторивания ЭФК из термоконцентрата ЦК.

Указанная проблема привела к необходимости разработки нового циклического способа обесфторивания ЭФК солями щелочных металлов, заключающегося во взаимодействии фторид-ионов ЭФК с ионами щелочных металлов в присутствии силиката натрия для коррекции соотношения $SiO_2:F$, отделения кремнефторида натрия от ЭФК, гидролизе

кремнефторида натрия гидроксидом натрия с получением фторида натрия и раствора силиката натрия.

Был исследован процесс обесфторивания экстракционной фосфорной кислоты из фосфоритов Центральных Кызылкумов фосфатными и сульфатными солями щелочных металлов калия и натрия в широком интервале варьирования технологических параметров. Установлено, степень обесфторивания не превышает 28-38 % при использовании солей натрия и 36-47 % в связи с недостаточным количеством диоксида кремния относительно фтора.

Было изучено влияние нормы диоксида кремния и силиката натрия на процесс обесфторивания ЭФК в присутствии солей калия и натрия и установлены следующие оптимальные условия: норма силиката натрия на образование Na_2SiF_6 – 100 %, норма ионов натрия – 120-130 %, температура перемешивания – 60-70 °С, продолжительность отстаивания – не менее 120 мин, температура отстаивания – не более 30 °С. Степень обесфторивания достигала 80 % [2].

Изучение процесса отделения фторсодержащих осадков от ЭФК позволило разработать режим осаждения с получением хорошо сгущающихся и фильтрующихся осадков. Оптимальными условиями процесса фильтрования суспензий являются: перепад давлений ΔP – 70-80 кПа, высота слоя осадка - 0,01 м. Скорость фильтрации по сухому осадку достигает 300-400 кг/м²·час.

При изучении влияния технологических параметров на процесс щелочного гидролиза Na_2SiF_6 при Ж:Т = 3:1, концентрации NaOH 40 %, температуре 30-40 °С показана возможность получения фторида натрия, полностью отвечающего требованиям ГОСТа и раствора силиката натрия с концентрацией до 40 % [3].

Изучен процесс обесфторивания полученного раствора силиката натрия оксидом кальция в зависимости от нормы, температуры и концентрации раствора силиката натрия. Выявлены следующие оптимальные условия обесфторивания: норма оксида кальция – 90-95 %, температура – 30-40 °С, концентрация раствора силиката натрия – 20-40 %. При этом степень обесфторивания достигает 99 %, а скорость осаждения частиц фторида кальция – 5,7 м/час.

Физико-химическими методами исследования установлен состав осадков, образующихся при обесфторивании ЭФК, щелочном гидролизе и обесфторивании щелочного раствора силиката натрия. Полученные осадки по содержанию Na_2SiF_6 , NaF и CaF_2 отвечают всем требованиям ГОСТа.

Библиография

1. Мирзакулов Х.Ч. Разработка эффективной технологии обесфторивания экстракционной фосфорной кислоты из фосфоритов Каратау. / Автореф. дисс.... канд. техн. наук. – Ташкент: Институт удобрений АН РУз, 1993. – 25 с.

2. Хужамкулов С.З., Мирзакулов Х.Ч. Обесфторивание экстракционной фосфорной кислоты из термоконцентрата Центральных Кызылкумов солями щелочных металлов. // Высокие технологии и перспективы интеграции образования, науки и производства: Сборник трудов международной научно-технической конференции. – В 2-х томах. – Т. 2. – Ташкент, 2006. – С. 373-375.
3. Хужамкулов С.З., Мирмусаева К.С., Асамов Д.Д., Бардин С.В., Мирзакулов Х.Ч. Получение силиката натрия, используемого для обесфторивания экстракционной фосфорной кислоты, из кремнефторида натрия. // Умидли кимёгарлар-2008: Науч.-техн. конф. проф.-преп. состава, докторантов, аспирантов, научных сотрудников, магистрантов и студентов ТХТИ. 8-11 апреля 2008. – Ташкент, 2008. С. 148-150.
4. Хужамкулов С.З., Бардин С.В., Мирзакулов Х.Ч. Отработка технологии обесфторивания экстракционной фосфорной кислоты из термоконцентрата Центральных Кызылкумов. Современные технологии переработки местного сырья и продуктов: Сборник трудов республиканской научно-технической конференции. – 23-24 октября, 2007. – Ташкент, 2007. – С. 251-253

ЧИЗМАЧИЛИК ЭЛЕМЕНТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ОРҚАЛИ ДАРС САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Ж.Д.Авазов, Р.Қ.Худойкулов

Термиз давлат университети, Термиз ш.

Маълумки, таълим жараёнининг самарадорлиги, ҳам ўқувчи ҳам ўқитувчи фаолиётининг қанчалик мақсадга мувофиқлигига боғлиқ. Ўқитувчининг таълим жараёнида тўғри фаолият кўрсатиши эса унинг шу таълимни амалга оширишга қанчалик тайёр эканлигига боғлиқ.

Ўқувчи ярми кунини ота-онаси, ака-укалари олдида ўтказса ярим кунини мактабда ўтказди. Кичик ёшдаги ўқувчилар катталар таъсирида бўлишади. Ўқувчи ҳар қандай ғайриоддий фазилатга эга бўлмасин, катта ёшдагиларни раҳбарлигисиз ижодий фаолиятини тўла намоён қила олмайди.

Ўқувчиларнинг тўғри ривожланиши учун уларнинг ёшини ҳисобга олиш муҳим эканлигини кўп сонли педагог олимлар тадбиқ этиб, ўзларининг муҳим хулосаларини берганлар. 5-6-синф ўқувчиларида меҳнат дарсларида чизмачиликка оид билимлар ва малакаларни шаклланиши самардорлиги ошириши мумкин. Бу ёшда бола онги ташқи таъсуротларни тез илғай оладиган жисмоний ва психолок ривожланиш даврида булади.

Техникавий тассавурларни ва меҳнатга ижодий муносаботни ривожлантириш, бугунги ва келажак мутахасисларини тарбиялашнинг муҳим қафолатларидан биридир. Ўқувчиларга умумтаълим дарсларини

бериш билан биргаликда мухандислик билимлари асосида унумли меҳнатга ҳам жалб қилиш лозим .

Ўқувчиларда табиий фанларда ўрганиладиган умумий қонунлар, hozirги ишлаб чиқаришнинг асосий тармоқлари, меҳнат таълими дарсларида ўқувчиларга дастгоҳлар ва асбобларнинг тузилиши ҳамда ишлаш принциплари, шунингдек улардан амалда фойдаланиш ҳақида техник жараёнлар ҳақида умумий маълумотлар берилади.

Меҳнат таълими дарсларини ўқитиш чизмачилик дарслари билан бевосита алоқада бўлиб буюмларнинг кўринишлари, тасвирлари, қирқимлари, аксионометрияси ҳақида тушунчаларни беради. Меҳнат дарсларида чизмачилик қоидалари ва усулларидан фойдалана билиш ўқувчининг графикавий билимларини чуқурлаштиради ва мустахкамлайди.

Чизмалар асосида буюм тайёрлаш, чизмачиликнинг техникавий меҳнат таълими билан алоқасини боғлаш шаклларида бири ҳисобланади. Бу фанларни ўқишдаги ўзаро алоқанинг энг яхши шакли ўзаро дарсларнинг календар мавзу режасини ҳамкорликда тузишдир.

Чизмачилик дарсларининг мавзулари ўқувчиларнинг мактаб устахоналаридаги ишлари билан ўзаро табиий боғлиқликда бўлади.

Меҳнат дарсида энг аввал оддий буюмлар танланиб оддий ва мураккаб шаклга эга бўлган объектларни ўрганишда техникавий расмлардан ва чизмалардан фойдаланишга кўпроқ эътибор бериш зарур. Машғулот жараёнида ўқувларга техникавий расмлар ҳақида маълумот берилади, дастгоҳда тайёрланадиган деталнинг чизмаси тушунтирилади бу ўқувчиларга кейинги синфда ўтиладиган чизмачилик дарслари учун бошланғич босқич ҳисобланади. Ўқувчиларда бундай кетма-кетлик асосида чизмачилик элементларидан фойдаланиб дарсни ташкил этиш ва ўтказиш, унинг самарадорлик даражасини оширади.

ИССЛЕДОВАНИЕ СОСТАВА, ФОРМ НАХОЖДЕНИЯ ЦЕННЫХ КОМПОНЕНТОВ В ОТХОДАХ ЦИНКОВОГО ПРОИЗВОДСТВА И ВОЗМОЖНОСТИ ИХ ИЗВЛЕЧЕНИЯ

*Ахтамов Ф.Э.¹, Абдурахмонов С.А.¹, Камолов Т.О.², Рахматова Н.Ш.²
Ташкентский химико-технологический институт, г. Ташкент.*

В настоящее время на АГМК скопилось сотни тыс. тонн отходов цинкового производства. Вместе с тем по содержанию редких и цветных металлов они являются ценным техногенным сырьем, вовлечение в производство которого позволяет повысить комплексность переработки и даст большой экономический эффект.

В настоящей работе проведены исследования химического состава и форм нахождения редких и цветных металлов, с целью установления возможности их извлечения. Клинкер содержит:

Таблица 1.

Химический состав лежалого клинкера, в %.

элемент	%	элемент	%	элемент	%
Cu	2,2	S _{общ}	8,39	SiO ₂	16,42
Pb	0,51	C	29,55	CaO	6,06
Zn	2,1	Ba	2,3	MgO	2,72
Cd	0,01	H ₂ O	0,6	Al ₂ O ₃	4,08
Fe _{общ}	19,53	Au	3,2 г/т	Mn ₂ O ₃	0,47
As	0,155	Ag	260,27 г/т	TiO ₂	0,21

В качестве основного процесса нами выбран электровыщелачивание клинкера.

Опыты проводились при температуре 25°C, в течении 1 часа при анодной плотности тока 0,278А/см², величина напряжения 5В.

В качестве раствора – электролита использовали смесь растворов NaCl - 200г/дм³ и HCl 60 г/см³. Электролизу подвергали 20 г химически чистого ZnO. В результате электролиза на катоде осадился цинк в количестве 0,2г. Полученный раствор подвергли химическому анализу, согласно результатам которого, содержание Zn в растворе составляет 10,53 г/л.

Температура раствора после электролиза составила 32°C. В аналогичных условиях был проведен лабораторный опыт по электролизу растворов NaCl + HCl с добавлением клинкера в количестве 50 грамм. Температура полученного раствора составляла 39°C.

В результате электровыщелачивания были получены следующие продукты: раствор, кек и легкая фракция (пена). Вес кека составлял 11,3 г, а количество легкой фракции 12 г. Результаты третьего опыта приведены в таблице 2. Также был проведен опыт по электрохлоринации клинкера с добавлением в раствор соляной кислоты в количестве 40 г/дм³. концентрация хлорида натрия осталось прежним, т.е. 200 г/ дм³. продолжительность опыта составила 1 час.

Таблица 2.

Результаты электровыщелачивания клинкера
(C_{NaCl}=200 г/дм³, C_{HCl}=60г/ дм³, τ=1 час)

Наименование продуктов	выход		Содержание, мг/л, %				Извлечение, %			
	г	%	Zn	Pb	Cu	Fe	Zn	Pb	Cu	Fe
Поступило:										
Раствор	1450									
Исход.клинкер	50		2,35	0,4	3,6	28				
Всего	1500									
Получено:										
Раствор	1476,7	98,5	670	100,9	7,3	18250	84,24	75,77	0,590	90
Кек	11,3	0,7530	0,81	0,23	10,16	15,85	7,79	13,23	63,84	6,60
Легк. фракция	12	0,8	0,78	0,18	5,33	7,59	7,97	11	35,57	3,4
Всего	1500	100	2,35	0,4	3,6	28	100	100	100	100

В результате лабораторного опыта были получены раствор, кек и легкая фракция. Количество кек составило 31,595 г, а пены 6,500 г. Результаты электрохлоринации клинкера при концентрации соляной кислоты 40 г/дм³ представлены в таблице 3.

Таблица 3.

Результаты электровыщелачивания клинкера
($C_{NaCl}=200$ г/дм³, $C_{HCl}=40$ г/ дм³, $\tau=1$ час)

Наименование продуктов	выход		Содержание, мг/л, %				Извлечение, %			
	г	%	Zn	Pb	Cu	Fe	Zn	Pb	Cu	Fe
Поступило:										
Раствор	1450									
Исход.клинке	50		2,5	0,72	1,41	18				
р	1500									
Всего										
Получено:										
Раствор	1476,	97,4	467,	153,	168,	4740	54,7	62,0	34,8	78,5
Кек	7	7	1	4	2	2,45	7	5	9	7
Легк. фракция	31,59	2,10	1,32	0,06	0,29	16,9	33,4	24,9	13,0	8,85
Всего	5	0,43	2,26	0,73	5,64	6	4	3	5	12,5
	6,500	3	2,5	0,72	1,41	18	11,7	13,0	52,0	8
	1500	100					9	2	6	100
							100	100	100	

На основании проведенных опытов была установлена оптимальная концентрация соляной кислоты, при которой достигалось наибольшее извлечение ценных компонентов в раствор. Она составила 60 г/дм³

ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Ч.Саидов, К.Бобомуродов, Р.Хайдаров, Ш.Аминов

Терм ДУ физика кафедраси

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишдаги асосий тамойиллардан бири-бу таълим тизимини тузилиши ва мазмун жихатидан ислоҳ қилиш учун ўқитувчи ва мураббийларни тайёрлаш, юқори малакали, рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш бўйича таълим муассасаларининг фаолиятини уйғунлаштириш, илғор педагогик технологияларни, педагогик инновацияларни таълим жараёнига киритиш ҳисобланади.

Аммо илғор педагогик технолгиялар ва инновациялар ўз-ўзидан таълим тизимида кириб келмайди. Бу ўқитувчи фаолияти ва унинг мотивациясига боғлиқ жараён бўлиб ўқитувчи фаолиятини ўзгартирмай туриб, унинг маъсулияти ва фаолиятини оширмасдан таълимда олдинга силжиб бўлмайди.

Замон шиддат билан ўзгариб борар экан, таълим соҳаси ҳам у билан баробар ва ўқитувчидан ўз фаолиятини ўзгартиришни талаб этади. Бугун

Ўқитувчининг асосий вазифаси фақат таълим беришгина эмас, балки, бошқарувчиликдан иборат бўлиб, у таълим жараёнини тўғри ташкил қилиши ва бошқариши талаб этилади. Инновацион фаолият-педагогнинг ўз касбини такомиллаштиришдаги мавжуд шакл ва воситаларни эгаллашга ижодий ёндашувини назарда тутди.

Инновацион фаолият ўқитувчининг ҳамма муваффақиятини белгиловчи асосий фаолият бўлиб, у шахснинг касбий, методик маҳоратини сифатли қайта қуриш демакдир.

Бизнинг фикримизча, ўқитувчиларнинг инновацион фаолиятга тайёрлигини таҳлил қилишни 3 босқичда амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Янгиликни педагогик фаолиятда қўллашдан олдинги даврдаги ўқитувчи фаолиятини таҳлил қилиш.

2. Инновацион фаолиятнинг фаол шаклланиш даврини таҳлил қилиш.

3. Педагогик жараёнга янгилик киритилиб бўлгандан кейинги даврдаги фаолиятни таҳлил қилиш.

Билимнинг барча соҳаларидаги жадал ривожланиш туфайли амалда қўлланилаётган ўқув материалларида келтирилган ахборотнинг маълум бир қисми тезда ўз долзарблигини йўқотади ва янгиланишни тақозо этади. Айниқса, бу ижтимоий-гуманитар фанларга таълуқли. Асосий мақсад ўқувчига бериладиган билим сифатини ошириш ва самарадорликга эришишдан иборат экан, ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлаш жараёнидан педагогика ва технология соҳасидаги сўнги ютуқларга, ўқув жараёнида инновацион ғояларни қўллаш механизмига катта эътибор бериш керак.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда, ўқитувчиларни инновацион фаолиятга ва инновацион жараёнларга тайёрлаш ишларининг анча мураккаблиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Бу бир қанча объектив ва субъектив сабаблар, энг аввало, ўқитувчиларнинг ахборот технолгиялари бўйича бошланғич тайёргарлик даражасининг пастлиги, таълим жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланиш борасида малакасининг етарли эмаслиги, зарурий ўқув ахборотларини мустақил ҳолда ўзлаштира олиш малакасининг йўқлиги билан боғлиқ. Кузатишларимизга кўра ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлаш жараёнида муайян муаммолар мавжуд бўлиб, булар қуйидагилардир:

1. Таълим тизимидаги инновациялар, инновацион таълим, ўқитувчи инновацион фаолиятини шакллантирувчи, унинг назарий ва амалий асосларини илмий жиҳатдан асослаб берувчи манбалар, махсус адабиётларнинг етарли эмаслиги.

2. Вилоятларда ва чекка туманларда жойлашган таълим муассасаларида инновацион фаолият, педагогик технология назарияси моҳиятини очиб берувчи амалий фаолиятининг ташкил этилмаганлиги (семинар, тренинг, ўқув ва илмий амалий конференциялар фақат туман ва шаҳар марказларида ташкил этилиб, чекка мактаб ва туман ўқитувчилар бундан беҳабар қолмоқдалар).

3. Муаммолар доирасида оммавий ахборот воситаларида илғор ўқитувчилар тажрибалари ҳақида, таълим жараёни мазмунидаги янгиликлар тўғрисида маълумот берувчи таҳлилий чиқишлар уюштирилишига етарли даражада эътибор берилмаётганлиги.

4. Ўқитувчининг инновацион фаолияти, инновацион таълим муаммоларига бағишланган методик тавсиялар ва қўлланмаларнинг камлиги.

Олимлар ўқитувчиларда инновацион фаолиятни шакллантиришда учрайдиган психологик тўсиқларнинг икки турини ажратади: когнитив психологик тўсиқлар ва мунтазам пайдо бўладиган тўсиқлар. Когнитив психологик тўсиқлар янгилик ҳақидаги билимларнинг етишмаслиги, янгиликни ҳис қилмаслик ва нофаол хатти-ҳаракатлар ҳисобланса, мунтазам психологик тўсиқлар янгиликка нисбатан ишончсизлик, раҳбариятга ишонмаслик, ташаббускорларни қўллаб-қувватламаслик ва одатда янгилик киритувчиларга қарши курашиш каби кўринишларда номоён бўлади.

Ушбу муаммоларнинг ижобий ечимини таъминлаш учун педагогик кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасаларида касб маҳорати фанларини ўқитиш дастурларига тегишли ўзгаришлар киритиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлашда дуч келадиган қийинчиликларни бартараф этиш мумкин. Бунда таълим олувчининг ўқитишнинг янги шаклларига мослашувини ўқув фанлари орқали сезиларли даражада тезлаштириш керак.

Масалан: “педагогик маҳорат асослари” ўқув курсида талабаларга ўқитувчининг инновацион фаолияти, унинг шаклланиш босқичлари, бу фаолиятни таркиб топиш жараёнида жамоанинг ўрни ва роли, янгиликларни педагогик фаолиятга олиб киришнинг илмий асослари ҳақидаги билим ва кўникмалар шакллантирилса, бўлғуси мутахассислар амалий фаолиятига пухта замин тайёрлаган бўлар эди.

Шунингдек, фаолият психологиясидаги мотивация муаммолари ҳам инновацион фаолиятга тайёрлашдаги масалалардан бири ҳисобланади.

Инновацион фаолият педагогик маҳоратнинг юқори босқичи бўлиб, бунда жамоа аъзолари бир-бирини қўллаб-қувватлаш, киритилаётган янгиликнинг таълимда ўз ўрнини топишига ишонч билан қараш, қийинчиликларга дуч келганда руҳан тушкунликга тушмасдан, ўз хатоларини кўра билиш ва уларни тузатишга ҳаракат қилиш талаб этилади. Ўз ўзини тарбиялаб бориш, ўз устида тинмай ишлашга ҳаракат қилиш инновацион фаолиятнинг асосий шарти ҳисобланади.

Ўқитувчи инновацион фаолиятининг шаклланишида педагогик жамоанинг алоҳида ўрни борлигини кўпчилик олимлар таъкидлаб ўтадилар. Ўқитувчиларнинг новаторлик хусусиятлари ва таълим жараёнидаги янгиликларга бўлган муносабатига қараб, К.Роджерс ва К.Ангеловский педагогик жамоа аъзоларини 5 та гуруҳга ажратишни

таклиф этади. 1. Новаторлар. 2. Олдинги реализаторлар. 3. Олдинги кўпчилик. 4. Кейинги кўпчилик. 5. Иккиланувчилар.

Инновацион фаолият шаклланишида янгиликга нисбатан ички эҳтиёж ва қизиқишнинг юзага келиши, янгилик киритишга нисбатан рағбатнинг қарор топганлиги, раҳбарият ва педагогик жамоа борлиги, улар яқдиллигининг шаклланганлиги, педагогик жамоа аъзоларининг инновация моҳиятидан хабардорлиги, ўқитувчиларда янгилик киритиш учун педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш борасидаги кўникма ва малакаларнинг таркиб топганлиги, педагогик фаолиятда янгиликни қўллай олиш маҳоратига эгаллиги, ижодкорлик ва изланувчанлик сифатларининг мавжудлиги асосий ўрин эгаллайди.


ЭКСТРАКЦИОН ФОСФАТ КИСЛОТАНИ ФТОРСИЗЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИК СХЕМАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

*Зоирова Х.С., Шерматова Х.М., Набиев Д., Хужамкулов С.З.,
Термиз давлат университети, Термиз ш.*

Фосфатли рудалар фторнинг табиий манбалари ҳисобланади. Фосфатли рудаларда фторнинг миқдори нисбатан оз бўлишига қарамай, бутун дунёдаги фторнинг бундай турдаги хом-ашё захираси 90% дан ортиқни ташкил қилади. Фтор бирикмалари ўсимлик дунёсига, ҳайвонот оламига ва биосфера элементларига салбий таъсир кўрсатади. Фтор сақловчи хом-ашёларни саноатда қайта ишлаш натижасида сувда эрувчан фтор бирикмалари ҳосил бўлмоқда. Ҳозирги вақтда фосфорли минерал ўғитлар ишлаб чиқариш технологиясида фтор бирикмаларини ажратиб олиш учун махсус операциялар қўлланилмайди. Фтор бирикмаларининг асосий қисми фосфорли минерал ўғитлар таркибида қолмоқда. Шунинг учун бир қанча комплекс тадқиқотлар ўтказилди ва маҳаллий хом-ашё асосида олинган ЭФК ни фторсизлантириш технологик схемаси ишлаб чиқилди.

Экстракцион фосфат кислотани фторсизлантириш жараёни уч босқичда боради:


1. Na_2SiO_3 эритмаси билан фторни чўктириш:



2. Na_2SiO_3 ни олиш учун Na_2SiF_6 ни ишқорий гидролизлаш ва NaF чўкмаси:



3. NaF нинг эрувчанлиги унчалик кичик бўлмаганлиги сабабли эритмада қолган фторни CaO билан чўктириш:



Принципиал технологик схема куйидаги расмда келтирилган. Тиндирилган муаллақ заррачалардан тозаланган ЭФК аралаштиргич реакторига йўналтирилади(1). Ўз навбатида бу ерга натрий силикатининг 20 %-ли

эритмаси ҳамда барабанли вакуум-филтрдан (13) филтрат етказиб берилади.


Реактор-аралаштиргич аралаштирувчи қурилма билан жиҳозланган. 70-80 °С да содир бўлган кимёвий реакция натижасида натрий кремний фториди чўкмага ўтиради.

Ҳосил бўлган суспензия тарнов бўйлаб тиндиргичга (қуюқлантиргич) (2) оқиб келади. Бу ердан фторсизлантирилган ЭФК тарнов ва лотоклар тизими орқали сақлагичларга йўналтирилади.

Филтрланган ва ювилган натрий кремний фториди чўкмаси лентали конвейер (5) орқали реактор-аралаштиргичга (6) йўналтирилади. Айнан шу жойга барабанли вакуум-филтрдан (3) натрий гидроксиди ва ювинди сувлар келиб тушади. Ҳосил бўлган натрий фторид чўкмали суспензия насос (7) орқали барабанли вакуум-филтрга (8) йўналтирилади.

Филтрланган ва ювилган натрий фторид чўкмаси лентали конвейер (9-поз.) ёрдамида қуриштиш ҳамда омборда сақлаш учун ташилади.

Асосий филтрат (натрий силикати эритмаси) барабанли вакуум-филтрдан реактор-аралаштиргичга (10-поз.) берилади, бунда у кальций оксиди билан Натрий ва кальций фторидларини



олиш билан фторсизлантирилган экстракцион фосфор кислотасини ишлаб чиқаришнинг принципиал технологик тизими.

Кимёвий ўзаро таъсирлашиш орқали кальций фторид суспензиясини ҳосил қилади. Олинган суспензия тиндиргичга (қуюқлантиргич) (11)

йўналтирилади, у ердан унинг тиниқ қисми реактор-аралаштиргичга (13) келиб тушади.

Фильтрланган ва ювилган кальций фториди лентали конвейер (14) ёрдамида қуритиш ҳамда омборда сақлаш учун ташилади.


Асосий филтрат ва ювинди сувлар барабанли вакуум-филтрдан реактор-аралаштиргичга (1) келиб тушади.


Ишлаб чиқилган технология асосида олинган фторсизлантилган ЭФК таркибиди 0,2-0,3% масс. фтор бўлади. Натрий ва кальций фторидлари ҳам ДСТ ва ТШ га жавоб беради.

**НОРФЛУОРОКУРАРИН АЛКАЛОИДИНИНГ КЕТО-ЕНОЛ
ТАУТОМЕРЛАРИНИ ИҚ-УСУЛИ ЁРДАМИДА ЎРГАНИШ**
А.Г. Ешимбетов, М.М. Мирзаева, П.Х. Юлдашев, Б. Ташходжаев
*ЎзР ФА С.Ю. Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси
институту*


Норфлуорокурарин алкалоиди нейтрал ва кислотали муҳитда кето (1) таутомер ҳолатида бўлади. Ишқорий муҳитда кето таутомер ҳолатидан енол (2) ҳолатига ўтади [1]. Норфлуорокурариннинг кето формадан енол формага ўтишини ИҚ-усули ёрдамида ўрганиш мақсадида бирикманинг спектрини CCl_4 эритувчида ўргандик (1-расм). Лекин, ишқорнинг CCl_4 эритувчида эримаганлиги сабабли кейинги изланишлар эритмага бир томчи метанол қўшиш орқали давом эттирилди. Бу ҳолат фақат бошланғич ва охирги спектрларнинг $1590 - 1700 \text{ см}^{-1}$ соҳасидаги ўзгаришларни солиштириш имконини берди (2-расм).

Изланишлар натижасида ишқорий муҳитда $C=O$ гуруҳи валент тебранишлари натижасида юзага келган соҳа (1651 см^{-1}) ва $N-C=C$ -гуруҳига тегишли соҳа (1613 см^{-1}) интенсивлигининг кескин камайганлиги ҳамда $1590 - 1600 \text{ см}^{-1}$ -даги соҳалар интенсивлигининг ўзгармаганлиги кузатилди. Бу ҳолат норфлуорокурарин алкалоидининг кето таутомер ҳолатидан енол ҳолатига ўтишини ИҚ-усули ёрдамида ўрганиш мумкинлигини кўрсатди.





1-Расм. Норфлуорокурариннинг ИҚ-спектри. CCl_4 эритувчида ютиш қаватининг қалинлиги 2.73 мм бўлган KRS-5 кюветасида олинган.



2-Расм. Норфлуорокурариннинг CCl_4 ва MeOH аралашмасидаги ИҚ-спектри (I). II-эритмага ишқор қўшгандан кейинги ИҚ-спектри.

Адабиётлар

1. М.М. Мирзаева, П.Х. Юлдашев, А.Г. Юлдашев, Б. Ташходжаев. Химия природ. Соедин., 86 (2012).

ФИЗИКА ЎҚИТИШДА ҚУЁШ ЭНЕРГЕТИК ТЕХНОЛОГИЯСИ МАЗМУНИДАГИ МАТЕРИАЛДАН ФОЙДАЛАНИШ

Мирзамуродов Б.Ф., Нарбаев А.Б.

Термиз давлат университети, Термиз ш.

Умумтаълим мактабларида физика курси ўқувчиларига табиий фанларнинг асосини ташкил этган ва ҳозирги кунда тез ривожланиб бораётган физика фанини ўзлаштиришда, унга қизиқиш уйғотишга, табиатдаги физик ҳодисалар ва қонунларни тушунишга, физикадаги катта кашфиётлар, тадқиқотлар билан таништиришга, татбиқий йўналишдаги таълимни амалга оширишга имкон беради. Маълумки, ҳозирги замон физика фани кўпчиллик табиий фанлар билан узвий алоқада бўлиб, уларни синергетик ривожлантиришда муҳим роль ўйнамоқда ва шу асосда янги соҳалар юзага келишига имконият туғдирмоқда. Масалан, буларга биофизика ва физик-химия, иссиқлик физикаси, гелиофизика, астрофизика ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Шунинг учун ҳам умумтаълим физика курсини ўқитиш жараёнида ўтиладиган материалларни бир нечта предметлар билан боғлаб синергетик усулда олиб бориш мумкин.

Булардан энг яқини математика предмети ҳисобланади, чунки масалалар ечишда, формулаларни келтириб чиқаришда математик аппаратда фойдаланилади ва математик ифодалар ёрдамида физик катталикларнинг ўзаро боғланишлари келтириб чиқарилади.

Худди шунингдек, мактаб химия курси билан ҳам маълум боғланиш бор, айниқса модда тузилиши, молекуляр-кинетик назария, электролиз, радиоактивлик, ядро реакциялари ва бошқаларни айтиш мумкин. Мактаб астрономия курсини астрофизика бўлимини ўтишда спектрал асбоблар ёрдамида осмон жисмларини қандай элементлардан тузилганликларини ўрганиш, осмон жисмларининг температураларини аниқлаш, тезликларини ўрганиш ва бошқа масалалар физика курсида ўтиладиган материаллар билан чамбарчас боғлиқдир. Таълимда бундай боғланишни фанлар интеграцияси принципи асосида амалга оширилиши лозим. Ҳозирги замон фан ва техника тараққиётида ҳам физиканинг роли салмоқлидир, масалан, фан ва техника тараққиётида у муҳим ўрин эгаллайди, энергетика, радиоэлектроника, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш, асбобсозлик, янги материалларни яратишлар физика фани билан боғлиқ ҳолда юзага келган.

Ўрта мактаб ва касб – ҳунар коллежлари физика курсида ҳам фан ва техника тараққиётини ҳисобга олган ҳолда, ўқув материалларининг амалий татбиқи ёритилиши керак. Энергетика тармоқларида фан ва техника тараққиёти мазмунини таълим жараёнида қуйдаги схема бўйича амалга ошириш кераклигини кўрсатади:



Юқоридаги схемадан кўришиб турибдики, дарс жараёнида ўқувчиларга физикани у ёки бу ўқув материали тўғрисида назарий билимлар баён этилиб бўлингач, албатта уларни амалиётга татбиқ этилиши мумкин бўлган соҳа ва шу соҳадан мисоллар келтириш керак. Ҳозирги замон фан ва техника таракқиети шароитида энергетика масалалари асосий муаммолардан бири ҳисобланади. Шунинг учун биз куйида, умумтаълим мактаблари ва касб-хунар коллежлари физика курсини ўқитиш жараёнида унинг қонунларини, физик ҳодисаларни ва бошқа баъзи материалларни техниканинг муҳим тармоғи бўлган -Қуёш энергетикасига татбиқини кўрамиз. Бу ўринда шуни таъкидлаб ўтиш керакки, мактаб физика курсида Қуёш энергетикаси элементларидан фойдаланиш бўйича келтирилган мисоллардан ўқитувчи ўз ўрнида ва меъёрида фойдалана билиши керак, акс ҳолда техника материаллари кўпайиб, физика материалига кам вақт қолиши мумкин. Ушбу мақолада биринчи навбатда Қуёш энергетикасига тегишли қурилмаларда содир бўладиган физик жараёнлар баён этилади.

Физиканинг Қуёш энергетик технологияси йўналишидаги татбиқий материаллари 1-жадвал

Физика дастурига доир материаллар	Қуёш энергетик технологиясига доир материаллар
Физик ҳодисалар	Қуёш ҳаво иситгичлари
Физика ва техника	Қуёш парниклари
Дарё ва шамол энергияси	Қуёш энергияси, шамол қурилмалари, ГЭСлар
Иссиқлик узатиш ва унинг турлари	Қуёш иссиқхоналари. Қуёш қозони
«Иссиқлик микдори». Моддаларнинг солиштирма иссиқлик сифимлари	Қуёш энергиясини аккумуляциялаш
Эриш ва қотиш	Қуёш энергия печлари. Қуёш энергия уйлари. Изотермик иссиқлик аккумуляторлари.
Ҳавонинг намлиги ва уни ўлчаш	Ҳаво –қуёш усулида материалларни қуритиш, Қуёш энергия қуритгичлари.
Термодинамиканинг биринчи қонунининг татбиқи	Гелиосувчиқаргичнинг тузилиши ва ишлаш принципи.
Электр энергетикасининг ривожланиши ва истиқболлари.	Қуёш энергетикаси электр станциялари. Электр энергиясини узатиш.
Ёруғликнинг синиш ва қайтиш қонуни	Гелиоэнергиянинг тола орқали узатиш. Қуёш энергия концентраторлар, гелиостатлар.
Фотоэлектрик эффект	Фотобатареялардан космик кемаларда ва Ерда энергетика мақсадларида, транспортда фойдаланиш.
Ёруғликнинг химиявий таъсири.	Ёқилғи сифатида фойдаланиш учун водород ажратиб олиш.
Лазерлар. Квант генераторлари	Қуёш концентраторлари воситасида ишлайдиган лазерлар.

Баъзи ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқарилган Қуёш энергетикаси қурилмалари адабиётда биринчи марта ёритилаётганликлари учун ўқитувчиларнинг ўзлари уларнинг тузилиши ва ишлаш принциплари ҳақида тегишли маълумотга эга бўлишлари керак. Буни ҳисобга олган ҳолда баъзи Қуёш энергетикаси қурилмалари бўйича тўла маълумот берилади (тузилиши, ишлаш принциплари ва бошқалар).

Қўйидаги 1-жадвалда умумтаълим физика ўқув дастурига оид мавзуларни ўтиш жараёнида фойдаланиш мумкин бўлган қуёш энергетикасига доир материаллари келтирилган. Жадвалда кўрсатилган материаллардан физика курси назарий ва амалий чуқур ўрганилаётган мактабларда ва касб-хунар коллежларида ҳам кенг фойдаланиш мумкин.

ИЗУЧЕНИЕ ЭЛЕКТРОФИЗИЧЕСКИХ ПАРАМЕТРОВ НЕКОТОРЫХ ПРИРОДНЫХ ВОЛОКОН

Тураев Б.Э.

Институт текстильной и легкой промышленности, г. Ташкент

Узбекистан является основным производителем хлопкового волокна в мире и поэтому изучение физических параметров хлопкового волокна является актуальной проблемой. Для этой цели применяются электрофизические и структурные методы исследования.

Особенно изучение электропроводности хлопкового волокна дает возможность к применению их в практических целях.

Последнее время обнаружены полупроводниковые свойства хлопковых и шелковых волокон однако, практически не изучены электрофизические свойства ШВ. Поэтому ниже приводятся результаты исследования некоторых физических свойств хлопковых и шелковых волокон.

Для измерения было использованы зрелые ХВ сортов «АТМ - 1», «Хазина» и очищенный от серицита фиброин ШВ сортов «Мархамат - Асака» и «АРТ. 1-20696».

Образцы изготавливались в виде пучка волокон, уложенных параллельно друг-другу, общем весом 5-30 мг., в количестве 5000-10000 штук, пропитанных 10% - спиртовым раствором йода и обработанных при $t = 20 - 60^{\circ}\text{C}$, в течение от 30 до 600 минут. Длина образца составляла 4-8 мм.

Эксперименты показывают, что независимо от сорта ХВ и ШВ, их электропроводность возрастает при повышении температуры по экспоненциальному закону.

Были изучены тензоэлектрические свойства ШВ сортов «Мархамат - Асака» и «АРТ. 1-20696».

Эксперименты показали, что в обоих сортах ШВ при одноосном давлении, перпендикулярном оси волокон электрический ток монотонно возрастает и при давлениях ~ 200 кг/см² стремится к насыщению.

Это, по – видимому, связано с тем, что при одноосном давлении происходит уплотнение структуры под воздействием механических напряжений, способствующих увеличению проводимости.

Исследованы спектры фотопроводимости ХВ сорта «АТМ - 1», легированных йодом. Обнаружена инфракрасное гашение фотопроводимости при комбинированном освещении. Эти особенности фотопроводимости объясняются электронными переходами при перезарядке примесных центров.

ЛИТИЙЛИ ШИША МАТЕРИАЛЛАРИНИ ЭПР ЁРДАМИДА ТЕКШИРИШ

*Бердиев У.Б, Хайруллаев Б.
Термиз давлат университети*

Электрон парамагнитик резонанс (ЭПР) методи билан шиша ва шишасимон материаллардаги парамагнитик марказлар ўрганилди. Электрон парамагнитик резонанс усули билан олинган спектрлар, улурдаги парамагнитик марказлар ҳақида атрофлича маълумот олиш имконини беради. Шишасимон материалларда парамагнитик марказлар механик ишлов берилганда, ёки кучли нурлантрилганда ҳосил бўлади. Тажрибаларда жуда яхши тозаланган IV типдаги кварц шишалар ишлатилди, шиша наъмуналари уй температурасида γ -нур билан нурлантрилди ва ҳосил бўлган парамагнитик марказлар ўрганилди. Тажрибаларда литийли шиша навларидан фойдаланилди олинган натижалар куйидагича:

Жадвалда электрон (I) ва тешикли (II) парамагнитик марказлар ва умумий спектрда ҳар бир марказнинг % миқдори келтирилган.

Таркиби.	g_x	g_z	Δ^x	Δ^z	%(I)	%(II)	% (элект)
$Li_2O - 6SiO_2$	2,034	2,032	33,68	60	54,33	-	45,67
$Li_2O - 4SiO_2$	2,045	2,024	37,67	9,81	55,28	-	44,72
$Li_2O - 2SiO_2$	2,033	2,040	23,20	60	60	-	40

Гамма нур билан нурлантрилган шиша навларидаги парамагнитик марказлар анализи уларда уч хилдаги марказлар борлигини кўрсатади, уларни нисбий миқдори шиша таркибига ва улардаги ишқорий металллар концентрациясига боғлиқ экан деган хулосага келади. Тажриба натижаларига кўра шиша таркибидаги кремний миқдорининг ортиши электронли марказларнинг ортишига олиб келади деган хулоса қилинди.

НАТРИЙЛИ ШИША МАТЕРИАЛЛАРИНИ СПЕКТРОСКОПИЯ УСУЛЛАРИ ЁРДАМИДА ЎРГАНИШ

*Бердиев У.Б, Абсалаев С.
Термиз давлат университети*

Спектроскопия усулларидадан фойдаланиб ишқорий шишасимон материалларни ўрганиш улардаги парамагнитик марказлар ҳақида аниқ маълумот беради. Электрон парамагнитик резонанс (ЭПР) методи билан шиша ва шишасимон материаллардаги парамагнитик марказлар ўрганилди. Электрон парамагнитик резонанс спектрлари, улурдаги парамагнитик марказлар ҳақида тўлиқ маълумот олиш имконини беради. Тажрибаларда яхши тозаланган IV типдаги кварц шишалар ишлатилди, шиша наъмуналари уй температурасида γ -нур билан нурлантирилганда бир қанча парамагнитик марказлар ҳосил бўлиши аниқланди. Тажрибаларда натрийли шиша навларидан фойдаланилди олинган натижалар қуйидагича: Жадвалда электрон (I) ва тешикли (II) парамагнитик марказлар ва умумий спектрда ҳар бир марказнинг % миқдори келтирилган.


Таркиби.	g_x	g_z	Δ^x	Δ^z	%(I)	%(II)	% (элект)
$Na_2O-6SiO_2$	2,027	2,020	34,68	14	50,9	-	49,1
$Na_2O-4SiO_2$	1,978	1,944	11,05	12,22	72,34	-	27,66
$Na_2O-2SiO_2$	1,974	1,939	14,07	13,66	49	-	51

Гамма нур билан нурлантирилган натрийли шиша навларида уч хилдаги парамагнитик марказлар ҳосил бўлганлигини кўрсатди. Тажриба натижаларига кўра ишқорий металллар концентрацияси камайиши билан электронли парамагнитли марказлар миқдори олдин камайиб кейин ортиб борганлиги қайд қилинди.

KASB HUNAR TA'LIMINING O'QUV ME'YORIY HUJJATLARI

*Shomirzaev M.X., Eshkaraev U.Ch., Abduvosieva S.,
TerDU*

O'zbekiston Respublikasi Davlat mustaqilligiga erishib, iqtisodiy va ijtimoiy rivojlanishning o'ziga xos yulini tanlashi kadrlar tayyorlash tuzilmasi va mazmunini qayta tashkil etishni zarur qilib quydi. «Ta'lim to'g'risida» gi qonunning joriy etilishi yangi o'quv rejalari, dasturlari, darsliklarni hamda zamonaviy didaktik ta'minotni ishlab chiqishni va tadbiq etishni taqozo qiladi. Shu nuqtai nazardan kadrlar tayyorlash milliy dasturida ta'lim jarayoni, mazmunini isloh qilish asosan, me'yoriy xujjatlar majmuasi (davlat ta'lim standarti, o'quv rejalari va dasturlari) asosida, kadrlarga ta'lim va tarbiya berish milliy istiqloq goyalariga muvofik amalga oshirilishi alohida takidlab o'tilgan.



1 – rasm. Kasb hunar ta'limining o'quv me'yoriy xujjatlari.

Klassifikator - o'rta maxsus, kasb - hunar ta limida kadrlar tayyorlash yo'nalishlari va mutaxassisliklarining tizimlashtirilgan ro'yxati. Unda oltita bilim sohasi nazarda tutilgan. Klassifikatorida ta'lim bosqichlari, bilim va ta'lim sohalari, ta'lim yo'nalishlari va mutaxassisliklari ettita raqamli kod bilan belgilanadi. Yo'nalishlar va mutaxassisliklar klassifikatoriga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish bo'yicha takliflar kadrlar iste'molchilari tashabbusi bilan ta'lim muassasalari tomonidan O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligiga O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi bilan kelishilgan holda tegishli qaror qabul qilish uchun kiritiladi.

Davlat ta'lim standartlari (DTS) - umumiy o'rta, o'rta maxsus, kasb - hunar va oliy ta lim mazmuniga hamda sifatiga qo'yiladigan talablarni belgilaydi. DTSlarni bajarish O'zbekiston Respublikasining barcha ta'lim muassasalari uchun majburiydir.

Kasb -hunar ta lim tarmoq standarti - yo'nalishlari bo'yicha kichik mutaxassislarni tayyorlashning zarur va yetarli mazmuni hamda pirovard maqsadlarni aniqlaydi, ta lim oluvchilarning o'quv yuklamalari xajmi va standart sifatleri nazoratini belgilab beradi.

O'quv rejalari va dasturlari xalq xo'jaligi ishchilarning kasbiy tayyorgarligiga nisbatan qo'yadigan asosiy talablarni aks ettiruvchi kasb tavsifnomalar asosida ishlab chiqiladi.

Kasb tavsifnomasida tegishli kasb va malaka darajasidagi kichik mutahasis ishchi bilishi kerak bo'lgan kasbiy uquv hamda malakalar, ixtisosiga tegishli ishlarni ongli ravishda va sifatli qilib bajarishi uchun zarur bilimlar ko'rsatiladi.

Kollejlarda kasb tavsifnomalardan davlat attestatsiya hay'atlari diplom ishlari himoyasi o'tkazishda qo'llanma hujjat sifatida foydalanadi.

Ta lim-tarbiya jarayonini tashkil etishni rejalashtiruvchi, asosiy xujjat o'quv rejalari hisoblanadi. O'quv rejasi kasb- hunar ta lim muassasalarida ta lim-tarbiya jarayonini samarali tashkil etishni, o'quv fanlarini alohida o'rganish sur'atini ta minlovchi xujjatdir.

O'quv rejasi-xar bir yo'nalish uchun alohida tuzilib, vazirlik tomonidan tasdiqlanadi. Unda quyidagilar o'z ifodasini topadi:

- Tayyorlov yo'nalshi (ixtisoslik) 4 kodi va uning nomlanishi
- O'qish muddati
- O'qishni tugatgandan so'ng olinadigan akademik darajasi
- Ta lim shakli
- O'quv davrining taqsimoti (jadvali)
- O'quv jarayonining rejasi
- O'rganiladigan o'quv predmetlari
- Har bir o'quv predmetini o'rganish uchun ajratilgan umumiy vaqt miqdori
- O'rganish uchun ajratilgan vaqtni – ma'ruza, amaliy ma'shg'ulot, laboratoriya ishlari, seminarlar, kurs loyihalari va mustaqil ta'limga qanday miqdorda taqsimlanganligi.
- O'quv predmetini qaysi bosqich, semestrlarda, xaftasiga qancha soatdan o'rganish tartibi.
- Davlat attestatsiyasi.
- Tanlov fanlarinig ro'yxati
- Izohlar

O'quv rejalari mazmuni va tuzilishiga mos xolda quyidagi omillarga e tiborni qaratmok lozim:

- ta lim va tarbiyaning maqsadi yo'naltirilganligiga;
- mehnat va ishlab chiqarish jarayonining tuzilishiga;
- ta lim - tarbiya jarayonining qonuniyatlariga.

O'quv rejalari ishlab chiqishda bulgusi mutaxassislarda shakllantirilayotgan malaka mahoratlari darajasining o'rganilayotgan o'quv fanlari miqdoriga va o'rganish davriga aniq mos tushishini e'tiborda tutmok lozim. Bulgusi mutaxasislarning bilim va ko'nikmalarining shakllanishini, har bir fanni bosqichma – bosqich chuqur o'rganishlari, qulay va muximligini ham nazarda tutishi kerak buladi.

O'quv rejalari kollejning vazifalari, o'quvchilar tarkibiy va o'qitish muddatlari to'g'risidagi davlat direktivalari asosida tuziladi. O'quv rejalari o'quv fanlari ro'yxati keltiriladi, ularni o'rganish tartibi hamda vaqti, o'quv yili tuzilishi, mashg'ulotlar rejimi ko'rsatiladi.

Dastur o'quv predmetining mazmuni, uni taxsil oluvchilar tomonidan o'zlashtirilishining eng maqbul usullari, tartibiy, axborot manbalarini o'zida mujassamlashtiruvchi me'yoriy xujjatdir.

O'quv dasturi -shu nomlangan o'quv predmetiga tegishli bo'ladi. O'quv predmeti - ta'lim muassasasida o'rganish uchun fan, texnika, sanoat, ishlab chiqarish faoliyatining muayyan sohasida tanlab olingan bilim, ko'nikma, malaka va shaxsiy fazilatlar tizimidir.

Ta`lim standartlarida belgilab berilganidek, umumiy va maxsus talablar, bilim va ko`nikmalar, o`quv rejalaridagi umum kasbiy va maxsus fanlarda o`zaro o`zviyiligini ta`minlash, fan dasturlarini zamon talablariga mos ravishda oddiydan murakkabga qarab tuzib chiqish, xar bir fan dasturlarining mavzulariga mos ravishda qo`shimcha ko`rgazmali qurollar yaratish o`qituvchilarga murakkab vazifalarni qo`yadi, talabalarning esa nazariy bilimlarini shakllantirib boradi.

Kichik mutaxassislar tayyorlashga qo`yilgan talablarning xujjatli asosini tasvirlaydigan o`quv dasturlarida pedagogik maqsadlarning to`liq va aniq belgilanishini talab qilinadi. **To`liqlik** deganda mazmunning barcha zaruriy va qo`yilgan maqsadga erishish uchun yetarli elementlari kiritish tushuniladi. **Aniqlik** deganda esa real o`quv jarayonida berilgan mazmunda joriy qilish yo`lini ko`rsatadigan elementlar va belgilar tasavvur etiladi.

O`quv-dasturiy xujjatlar tuzilmasi va mazmunini ishlab chiqish o`qitish jarayonini takomillashtirish mehnat bozori talablariga javob beradigan malakali kadrlar tayyorlashda muhim ahamiyatga ega.

O`quv dasturlarida o`quvchilar o`quv rejasiga kiritilgan har qaysi fandan nimani va qanday izchillikda o`rganish kerakligi, shuningdek, o`quvchilar bilib olishi lozim bo`lgan bilim, uquv va malakalar hajmi belgilab beriladi. Dasturlar ikki qismdan: mavzular rejasidan va dasturning o`zidan iborat.

Сўнгги маълумотлар шундан гувоҳлик бермоқдаки, атмосфера ҳавоси таркибидаги карбонат ангидриднинг доимий миқдори 0,03% ни ташкил этган бўлса, XX-аср охирига келиб бу кўрсаткич ер куррасида 0,04% га, йирик саноат шаҳарларида 0,05% га етган, агарда ушбу кўрсаткич 0,07% га етадиган бўлса, кислород билан нафас олувчи организмлар захарланади. Бу ҳолат XXI асрда юз бериши башорат қилинмоқда. БМТнинг собиқ бош котиби К. Аннан бундай дейди: «Кўп ҳолларда нима чора кўриш зарурлигини биз яхши биламиз. Иқлим ўзгариши ҳақидаги Киото протоколини аграр мамлакатлар (биринчи навбатда парник газларини энг кўп миқдорда чиқарувчи АҚШ) ратификация қилса ва бажарса, у углерод ажратиб чиқишини тартибга солиши мумкин. Бу бутун сайёрамиз учун ғоят катта тухфа бўлиши мумкин эди. Иқлим ўзгариши бўйича давлатлараро экспорт гуруҳларини илмий асосланган таҳлилларига кўра, ўтган юз йилликда 1-3,5 даража целсий глобал қизиш» фаразларининг мутлоқ тўғри эканлигини янги аср бошига (XXI-аср) келиб исботлади. Ҳароратнинг XIX асрнинг 50-йилларидаги саноат инқилоби давридагидан бу каби тез ўсиши целсий бўйича деярли ярим даражаси сўнгги пайтда чиқаётган парник газларининг ҳиссасига тўғри келди. Бу ўта ачинарли ҳолатни она табиатга, қолаверса, инсонга қандай азоб-уқубатлар келтиришини олдиндан баҳолаш жуда мураккаб масала, чунки глобал иқлим ғоят мураккаб масала бўлиб, юзлаб-минглаб йиллар давомида барқарор бўлиб келган ва миллиардлаб инсонларнинг тақдирини ҳал этган шамоллар йўналишини, ёғинлар эса миқдорини ўзгартириши мумкин. Балки оролар ва паст қирғоқ ҳудудларда яшовчиларга хавф-хатар солиб денгиз ва океанлардаги сувнинг сатҳи кескин кўтарилиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Сўнгги бир асрда аҳолиси деярли олти баробар кўпайган ва борган сари кучлироқ тазйиқ кўраётган сайёрани, аслида бусиз ҳам, бир олам муаммолар қамраб олган, бу қўшимча офатлар очлик, қашшоқлик ва бошқа кўплаб ҳолатларга сабабчи бўлиши муқаррар.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ ТАБИАТГА ТАЪСИРИ

Х.Х.Зокиров, С.Н.Султонов, С.С.Норкулова, З.Х.Чориев

Термиз давлат университети

Қишлоқ хўжалиги моддий ишлаб чиқаришнинг асосий ва энг қадимий тармоқларидан бўлиб, инсоннинг кундалик озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий қисмини ва енгил саноат тармоқлари учун зарур бўлган хом ашёнинг аксарият қисмини етказиб беради. Қишлоқ хўжалиги иккита асосий тармоққа бўлинади:

1. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириб берувчи – д е ҳ қ о н - ч и л и қ;

2. Гўшт, сут, жун етиштириб берувчи, чорва насилчилиги билан шуғулланувчи – чорвачилик.

Бу икки йирик соҳа инсониятни озиқ-овқатга бўлган заруратини қондириш билан биргаликда, дастлабки қайта ишлайдиган бир қанча тармоқларини ҳам ўз ичига олади. Иқтисодий жиҳатдан кам тараққий этган мамлакатлар аҳолисининг 80%и, ўртача ривожланган мамлакатларнинг 60%и, юқори даражада ривожланган мамлакатларнинг 10-12%и бевосита қишлоқ хўжалиги билан шуғулланади. Бир қатор мамлакатларда ўрмон хўжалиги ҳам бевосита қишлоқ хўжалигининг тармоғи ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш билан бир қаторда, саноат тармоқлари учун хом ашё, омукта ем, дори-дармон, атир-упа, от улов (йилқичилик, бўрдоқичилик) билан таъминлайди. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ўсиб бораётганлигига қарамай дунё аҳолисининг муайян қисми тўйиб овқат емайди. Жаҳондаги етти миллиарддан ортиқ одамни 1,2 миллиарди ниҳоятда қашшоқликда яшайди, кунига бир АҚШ доллари ёки ундан ҳам камроқ даромадга кун кечиради. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг иккита **интенсив** (*гектарлар сонини оширмасдан янги технологиялар ҳисобидан ҳосилдорликни ошириш*) ва **экстенсив** (*гектарлар салмогини ошириш билан кўпроқ ҳосил олиш*) формаси мавжуд бўлиб, **интенсив** қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда: механизация, электрлаштириш ва кимёлаштириш, ерларни суғориш ва мелиорациялаш тадбирлари асосида юқори ҳосил етиштиришга эришиш асосида, айна шу соҳаларга хос бўлган усуллар туфайли атроф муҳитга ҳам маълум даражада салбий таъсир кўрсатади. Масалан, кимёвий ўғитлар ва пестицидлардан фойдаланиш жараёни кўпроқ, ер ости ва ер усти сув ҳавзаларини ифлослайди, тупроқда яшовчи микроорганизмлар, чувалчанглар ва кемирувчиларнинг қирилиб кетишига сабаб бўлади.

Қишлоқ хўжалигини **экстенсив** асосда ривожлантириш, асосан, экин экиладиган дала ва яйловларнинг кенгайтирилиши ҳисобидан амалга оширилади. Бунда авваламбор, ёввойи табиат жуда катта зарар кўради, яйловларни деҳқончилик мақсадида ўзлаштиришнинг оқибатида чорвачилик учун ем-ҳашак муаммоси пайдо бўлади, маҳаллий сув ҳавзаларини янги ўзлаштирилган ерларга бурилиши натижасида суви кўп иншоотларининг суви камайиб, янгидан-янги экологик муаммолар пайдо бўлади (орол муаммоси). Ер ости сизот сувларининг кўтарилиши оқибатида тупроқнинг иккиламчи шўрланиш жараёни авж олади. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг **экстенсив** яъни, фан-техника тараққиётидан камроқ фойдаланиш формаси тармоқнинг асосий майдонларини эгаллаганлиги туфайли ҳам (бу форма кам ривожланган, ривожланаётган мамлакатларда ҳукмронлик қилмоқда) ушбу давлатларнинг аҳолиси асосан қишлоқларда қолмоқда. Жаҳон қишлоқ хўжалигига ўртача умумий ер юзи аҳолисининг 52-55%и яъни, 3,5 миллиард атрофидаги киши банд бўлиб, жумладан: Бирмада-65%, Ҳиндистонда-70%, Индонезияда-60%, Ироқда-65%, Эронда-59%,

Покистонда-76%, Тунисда-65%, Жазоирда-60%, Мексикада-52%, Аргинтинада-18%, Уругвайда-17% бўлса, бу кўрсаткич иқтисодий жиҳатдан ривожланган Европа мамлакатларида, АҚШда, Японияда 10-12% дан ошмайди. Қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар майдони 4 миллиард 480 минг гектарга тенг бўлиб, ер шарига бутун куруқликнинг 1/3 қисми демакдир. Жумладан, экинзорлар, кўп йиллик дарахтлар 1 миллиард 457 миллион гектар, пичанзор ва яйловлар 3 миллиард 5 миллион гектар Ер шарининг 30%и (1978) ўрмонлар билан қопланган бўлса, бу кўрсаткич ХХI аср бошларига келиб 15% га камайган. Ер қишлоқ хўжалиги муомаласига киритилгандан сўнг унинг унумдорлиги ўғитлар солиш, техник воситалар ва ерни ишлаш технологиясининг такомиллаштирилиши, яъни техника тараққиёти асосида сунъий равишда яхшиланади. Ернинг унумдорлигини ошириш учун энг қулай шароит унинг табиий ва суъний имкониятларидан биргаликда оқилона фойдаланилганда вужудга келади. бу омилларнинг бирлиги ернинг реал, иқтисодий унумдорлигини таъминлайди. Ерларнинг самарадорлигини кўпайтиришнинг энг муҳим вазифаси уларнинг иқтисодий унумдорлигини оширишдан иборатдир. Ернинг иқтисодий унумдорлиги кўрсаткичи - қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигидир. Экинлар ҳосилдорлиги ва чорвачилик маҳсулдорлигининг ўсиши ер сифатининг яхшиланганлигини унинг истеъмол қиймати яхшилигини кўрсатувчи бевосита далилдир.

Дехқончиликнинг асосини ташкил этувчи тупроқ, бугунги кунда, ҳар қачонгидан ҳам муҳофазага муҳтож. Тупроқ биоресурснинг асосий элементларидан бири бўлиб, ердаги ҳаётда муҳим роль ўйнайди. БМТ қишлоқ хўжалиги бўлимининг берган маълумотларига кўра, ХХ асрнинг охирига келиб фойдаланилаётган тупроқнинг 31%,и турли даражада эрозияга учраган. Дунё бўйича бир кеча кундузда деҳқончилик қилинадиган 3200 гектар ер эрозия туфайли яроқсиз ҳолатга келиб қолмоқда. Дунё бўйича дарёлар ҳар йили 550-900 млрд тонна ҳар хил жинсларни ювиб кетса, шамол 4000-5000 млрд тонна майда заррачаларни учириб қишлоқ хўжалик экинларига жуда катта зарар етказмоқда. Бунинг оқибатида она сайёрамизнинг тупроқ қатламида жуда катта салбий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Бундан ташқари тупроқ ҳар хил саноат коммунал хўжалик ва шаҳар чиққиндилари, шунингдек, кимё саноати маҳсулотлари бўлган: кимёвий пестицид ва гербицидлар билан ҳам ифлосланмоқда.

Собиқ Иттифоқдан бизга мерос бўлиб қолган фожиалардан бири, Ўзбекистонда пахта хом ашёси салмоғини кўпайтириш истагида деҳқончиликнинг-пахтачилик тармоғи, айти 1950-1970 йилларда, Мирзачўл, Қарши, Сурхон чўлларини қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг экстенсив формаси билан ўзлаштирилиши оқибатида Орол фожиаси пайдо бўлди. Оқибатда оролнинг сув сатҳининг 20-25 метргача пасайишига ва соҳилларининг 60-80 километргача чекинишига олиб келди. Амударё ва Сирдарё дельталари сув ва шамол эрозиясидан бузилиб икки ён атрофдаги деҳқончилик далаларининг ўпирилишига, емирилишига, шу

асосда, унумдор тупроқларининг қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқиб кетишига сабаб бўлди. Денгизнинг сув қочган туби 4 миллион гектардан ортиқ бўлиб, XX асрнинг иккинчи ярмида инсон кўз ўнгида, яна битта, «Қўлбола» қумли шўрҳок саҳро пайдо бўлди. 1975 йиллардаёқ космик тадқиқотлар натижасида Оролнинг қуриб қолган тубида чанг бўронлар аниқланган бўлиб, 1980 йилларнинг бошларидан бошлаб бундай чанг тўзонли тўфонлар бир йилда 90-95 кун кузатилмоқда. Чанг тўзон узунлиги 400 километр ва эни 40-45 км. майдонга етиб, уларнинг таъсир доираси 300-400 километргача етиши баробарида ҳар йили атроф-муҳитга, атмосферага 15-75 миллион тонна сўнгги йилларда эса тўфонлар сони кўпайиб, ҳаттоки 100 миллион тоннагача чанг кўтарилиб, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, ҳаттоки Бухоро вилояти экин далалари, сув ҳавзалари, ўсимлик дунёси, ҳайвонот олами, шаҳар ва қишлоқлари, узоқ йиллик маданий архитектура ёдгорликлари ўта шўрланган чанг-тўзон таъсиридан катта азият чекмоқдалар. Буларнинг ҳаммаси Орол бўйи иқлимининг ўзгаришига олиб келди. 1983 йилдан бошлаб Орол балиқ овлашга яроқсиз бўлиб қолди. Чунки, Орол сувининг ўта шўрланиб (22-25 гр|л) кетганлиги оқибатида ундаги балиқлар истеъмол учун яроқсиз ҳолатга келиб қолди. Бўзкўл, Олтинкўл, Қоратма кўрфазлари йўқолди. Акпетки архипелаги қуруқлик билан қўшилиб кетди. Яйловлар ва ўтлоқлар йўқолиб бормоқда. Худуд ботқоққа айланмоқда, сувнинг тобора шўрлик даражаси ортиб, тақчиллашиб, сифати янада ёмонлашиб кетаётганлиги тупроқ ва ўсимлик қатламининг самарадорлигини пасайишига сабаб бўлмоқда. Орол денгизининг қуриб бориши ва бу жараён туфайли Орол бўйи минтақасидаги табиий муҳитнинг бузилиши *экологик фожиа* сифатида баҳоланмоқда. Чанг ва туз бўронларининг пайдо бўлиши, фақат Орол бўйида эмас, балки денгиздан анча узоқ бўлган бепоён ҳудудларда ерларнинг чўлга айланиши, иқлим ва ландшафтларнинг ўзгариши аҳоли орасида ошқозон, ичак касаллиги, бўғинларда туз кўпайиб кетиши, бепуштлик каби касалликларни мамлакат кўрсаткичидан анча юқори эканлиги, болалар ўлими ана шу фожиа оқибатларининг тўлиқ бўлмаган рўйхатидир.

АТМОСФЕРА ҲАВОСИНING ТАБИИЙ ВА СУЪНИЙ ИФЛОСЛАНИШИ

Х.Х.Зокиров, Э.Б.Жўраев, З.Б.Шералиева, Н.Б.Ходжакова
Термиз давлат университети

Табиий ифлосланишга (инсон фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда, табиат томонидан содир бўладиган экзоген ва эндоген ходисалар) қуйидагилар киради:

- тупроқ заррачалари ва тоғ жинсларининг шамол, сув таъсирида емирилиши;

- вулқонлар отилиши оқибатида, вулқон аэрозоллари, кул, иссиқ лавалар таъсиридан биохилма-хилликни турли даражада шикастланиши ёки умуман нобуд бўлиши;
- денгиз томчилари буғланиши оқибатида турли хил тузларнинг атроф-муҳитга ва ҳавога тарқалиши;
- биоген заррачалар-бевосита организмлар ва учувчан бирикмаларни конденсатланиши ёки улар орасидаги кимёвий реакциялар натижасида ҳосил бўлган заррачалар, ҳамда табиий газсимон реакциялар маҳсулотлари ҳисобланган, океанлар юзасидаги олтингугуртнинг оксидланиши натижасида пайдо бўладиган сульфатлар ва сульфидлар:
- космик чанглар;
- шамол ва бўронлар;
- зилзила оқибатлари;
- сув тошқинлари ва ҳоказолар.

Биргина табиий ифлосланишлар орқали атмосфера ҳавосига қўшиладиган чанг ва бошқа моддалар миқдори тахминан бир йилда 980 млн. тоннадан 123000 млн. тоннани ташкил этиши мумкин.

Сув буғлари атмосфера қатламининг доимий таркибий қисмидир. Ҳаводаги сув буғларининг миқдори, кутбий ҳудудларда 0,2% бўлса, нам экваториал кенгликларда 3-4% га етади. Сув буғи карбонат ангидридга нисбатан ҳам кучлироқ иситувчидир. У қуёш нуруни ерга ўтказиб, ердан кўтариладиган иссиқликнинг 60% ини ушлаб қолади. Ер юзининг иссиқлик балансида сув буғи CO_2 билан бирга иштирок этади. Шунингдек, сув буғи ердаги айланма ҳаракатнинг муҳим босқичларидан биридир. Атмосферада газсимон таркибий қисмлардан ташқари, ўлчами, шакли, кимёвий-физикавий хусусиятлари, келиб чиқиши жиҳатидан ҳар хил бўлган чанг-тўзон заррачалари ҳам бор. Атмосферада доимо бактериялар, ўсимлик споралари, уруғлари бўладики, улар атмосферадаги аэрозоллар деб аталади. Сайёрамиз туманлари атмосферасидаги бирикмалар таркиби турличадир.

Атмосфера ҳаракати қуёш, океанлар, музликлар таъсирлашуви натижаси билан аниқланади. Об-ҳаво ва ҳарорат (иқлим) учун энг йирик ҳаракатга келтирувчи куч қуёшдир. Ер сиртининг нотекис исиши (экваторга қанча яқин бўлса, шунча кучли) атмосферада ҳаво, океанларда эса сув оқимларини ҳаракатга келтиради. Булар шамол ва океан оқимларининг асосий сабабчиларидир. Литосфера ва атмосферада иқлим (ҳарорат)нинг ўзгариши ўсимлик ва ҳайвонот дунёси турларини ҳамда инсоннинг (тур сифатида мавжудлиги давомида) ривожланиш шарт-шароитларини шакллантиради. Тахминларга кўра, бундан 60-65 млн. йил муқаддам йирик астероиднинг ер билан тўқнашиши оқибатида ер атмосфераси бир неча йиллар давомида ўз тиниқлигини йўқотган. Қуёш ёруғлигининг ергача кам етиб келганлиги натижасида ер сиртида ҳаво ҳарорати кескин пасайган, бу эса ўз навбатида, кўплаб ўсимлик турларининг йўқ бўлишига, озиқ-овқат занжирининг бузилиши туфайли кўплаб ҳайвон турлари, жумладан, баҳайбат динозаврларнинг қирилиб

кетишига сабаб бўлган. Диназаврларни бир вақтда қирилиб кетишини тушунтирувчи назариялардан бири ҳам айнан мана шудир. Атмосфера ҳароратини ўзгаришига сабаб бўлувчи, умумбашарий хусусиятга эга бўлмаган, минтақавий ёки маҳаллий хусусиятга эга бўлган табиий ифлослантирувчи омилларга яна қуйидагиларни мисол келтириш лозим:

1. Материклар ва океанлар ўлчамлари жойлашишининг ўзгариши;
2. Ер орбитаси параметрларининг ўзгариши;
3. Қуёш ёритувчанлигининг ўзгариши;
4. Океанлар қаърида мавжуд бўлган иссиқлик миқдорининг ўзгариши;
5. Ер альбедосининг ўзгариши (ер сиртининг нур қайтариш ҳодисаси);
6. Атмосферадаги CO_2 концентрациясининг биосфера билан таъсирлашиши оқибатидаги физико-кимёвий ўзгариш;
7. Ердаги вулқонлар фаолиятининг ўзгариши билан атмосферанинг хиралашуви ва доимий кимёвий таркибининг ўзгариши ва ҳоказолар.

Атмосфера ҳарорати (иклими) ни кучли ўзгаришига яъни ифлосланишига биргина вулқонлар таъсирини изоҳлайдиган бўлсак, улар атмосферага жуда катта миқдордаги турли хил минералларни чиқаради. Биргина лавалар таъсирида яқин ҳудудларнинг биологик хилма-хиллиги йўқ бўлади ёки кучли зарарланади, шунингдек стратосферага чанг ва турли хил кимёвий моддалар аралашмалари чиқарилади улар эса аэрозолларга айланади. Оқибатда айни шу аэрозоллар таъсиридан атмосфера хиралашади ва қуёш радиацияси оқими сусайиб литосфера, атмосферанинг кескин совишига сабаб бўлади. Вулқонлар отилиши ҳудудий хусусиятга эга бўлишига қарамай, атмосферанинг доимий ҳаракати (циркуляция) вулқон аэрозолларининг тез тарқалишига ёрдам беради. Масалан, Мексикадаги «Элчичон» вулқонининг (1982 йил) стратосферага отилиб чиқиши билан аэрозоллар жуда катта босим таъсирида, 22 м.сек тезлик билан 21 кунда бутун ер шарини айланиб чиққан.

Сунъий ифлосланиш Атмосфера ҳавосини сунъий ифлослантирувчи манбаларга антропоген (бевосита инсон фаолияти натижасида содир этиладиган ҳодисалар) омиллар ҳисобланган қуйидагилар мисол бўлади:

1. Энергетика;
2. Саноат корхоналари;
3. Транспорт;
4. Маиший чиқиндилар;
5. Кимё саноати;
6. Инсоннинг қишлоқ хўжалиги фаолияти;
7. Радиоактив ифлосланиш;
8. Демографик ифлосланиш.

Инсоннинг турли хил фаолияти туфайли атмосфера ҳавосига ҳар йили миллиардлаб тонна ҳар хил моддалар қўшилиши манбалардан маълум. Атмосфера газ таркибининг инсон фаолияти туфайли ўзгариши маҳаллий экологик муаммо кўринишида бўлсада, атмосферанинг

ифлосланиш жараёни аллақачон умумбашарий тус олишга улгуриб бўлди. Сўнгги юз йилликда инсон фаолияти атмосферанинг табиий ривожланиш жараёнига салбий ўзгаришлар киритиб карбонат ангидрид газни кўпайтиб, кислород миқдори камайишига сабаб бўлмоқда. Масалан, атмосфера ҳавосида нефть, газ, кўмир ва бошқа ёқилғи манбаларининг ёниши, ўрмон ва чўл ёнғинлари, чиқиндилар саноати ва энергетикадан чиққан CO_2 газни ва қишлоқ хўжалигидан чиққан чанг тўзонлар миқдори 2000 йилда 600-650 млрд. тоннани ташкил этган бўлса, 2015 йилга келиб, бу кўрсаткич яна 15-20% га ортиши башорат қилинмоқда. Шунингдек очик эътироф этиш лозимки, атмосферадаги карбонат ангидриднинг камайишига инсон фаолияти туфайли ўрмонларнинг камайиши эмас, балки, инсон фаолияти туфайли денгиз ва океанларнинг нефть ва бошқа турли хил чиқиндилар билан кўпроқ ифлосланиши ҳам сабаб бўлмоқда, чунки бу чиқиндиларни сувга турли сабабларга кўра ташланиши оқибатида сув юзидаги юпқа ёғ пардаси планктонларнинг фотосинтезини ҳамда сувнинг CO_2 ни сингдиришини деярли йўққа чиқармоқда, сув гуллаб кетмоқда. Атмосферада CO_2 нинг кўпайиши ўз-ўзидан O_2 ни камайишига сабаб бўлувчи омиллардан бири ҳисобланади, чунки ўсимлик кўп бўлса, кислород кўпайтиб CO_2 камаяди. Афсуски, ўтган асрнинг 50-60 йилларида қуруқликдаги ўрмонлар ҳиссаси 25-27% ни ташкил этган бўлса, аср охирига келиб бу кўрсаткич 15% га етиб қолганлиги ҳақида маълумотлар тарқатилмоқда. Шунингдек турли хил ёқилғиларнинг ёниши учун саноат ва транспорт воситаларининг фаолият кўрсатиши учун ҳам кислород сарф бўлмоқда.

Ф.Ф.Довитаянинг ҳисобига кўра, кишилиқ жамияти тарихи давомида ёниш жараёнига 273 млрд. тонна кислород сарфланган бўлса, шунинг 246 млрд. тоннаси кейинги 50 йилга тўғри келади. Сарфланган кислороднинг бир қисми, кимёвий реакция натижасида, ёнувчи углевод билан бириктириб карбонат ангидрид ҳосил қилади, яна бир қисми водород билан бириктириб, атмосферага сув буғи кўринишида қайтади. Ҳозирги вақтда ёқилғининг асосий турларини ёндириш ва карбонат ангидрид ҳосил бўлиши учун йилига 19-23 млрд. тонна кислород сарфланмоқда. Бундан ташқари, металлларнинг оксидланишига ҳар йили 190 млн. тонна кислород кетади. Эркин кислороднинг асосий манбаи фотосинтез жараёнидир: чириш, нафас олиш, карбонатлар ҳосил бўлиб туриши сабабли атмосферада кислород баланси ўзгармайди. Лекин юқорида айтилганидек, ўрмонлар, довдарахтлар, ўт-ўлан камайиши натижасида атмосферага кислород кам ажралмоқда, океан, денгиз, дарё сувларининг нефть ва бошқа ҳар хил захарли моддалар билан ифлосланиши, сувўтлар ва фитопланктонларнинг фотосинтез фаолияти анча сусайиши ҳам кислороднинг кам ишлаб чиқарилишига сабаб бўлмоқда.

Ер шарида кислород хаддан ташқари кўп сарфланмоқда. ЮНЕСКО маълумотида қараганда, ҳозирги вақтда сайёрамизда турли мақсадларда сарфланаётган кислород миқдори 48 миллиард одамнинг ҳаёти учун етади. Биргина суперреактив лайнернинг бир трансатлантик рейси учун 35 тонна,

бир автомобилнинг бир минг километр масофани босиб ўтиши учун бир кишига бир йилга етадиган миқдордаги кислород сарфланади.

Инсоннинг техника билан қуролланиши оқибатида кислороднинг ҳосил бўлиши ва сарфланиши ўртасидаги нисбат (табиий мувозанат) бузилган: кислород камроқ ҳосил бўлиб, кўпроқ сарфланмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, инсон ҳозирги вақтда фотосинтез йўли билан ишлаб чиқарилаётган кислороднинг 23% ини сарфляпти, техносфера (инсон хўжалиги фаолияти) га эса ердаги барча мавжудот истеъмол қиладиган миқдордан 15 баробар кўпроқ кислород сарфланмоқда.

Инсониятни ташвишга солаётган яна бир муҳим масала атмосферадаги озон (O_3) миқдори, яъни ер сатҳидан 10-15 км баланд жойлашган озон экранидир. Озоннинг 20-25 км баландликда айниқса кўп эканлиги ва ердаги ҳаёт учун зарарли ультрабинафша нурларни ушлаб қолиши юқорида айтиб ўтилди. Австралия мутахассисларининг ҳисобича, ер сатҳидан 20 км баландликда озон концентрацияси жуда камайиб борапти. Ҳолбуки, тезучар самолётлар худди ана шу баландликда парвоз қилади. Реактив двигателлардан чиқадиган сув буғлари ва азот оксиди озонни парчалаб, озон экранининг ҳимояловчи хусусиятини заифлаштиради. Озон экранининг йўқолиши эса оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.

Инсоннинг хўжалик фаолияти натижасида атмосферага катта миқдорда чанг-тўзон кўшилиб, аэрозоль концентрацияси ортиб бораётгани юқорида айтилган эди. Антропоген аэрозоль умумий массасининг бир қисмигина атмосферага қаттиқ ва суюқ зарралар ҳолида кўтарилади. Аэрозоль асосий қисмининг манбаи ҳар хил химиявий реакциялар натижасида ҳосил бўладиган сульфат газы, азот оксиди ва бошқалардир. Газ ва суюқ ҳолдаги аэрозоллар кейинчалик фотохимиявий реакция таъсирида кислород, сув буғи ва шунга ўхшашлар билан бирлашиб, қаттиқ ҳолатга ўтади. Ҳозирги вақтда табиий ва антропоген манбалардан йилига ўрта ҳисобда 2 млрд. тонна чанг-тўзон ҳосил бўлади. Инсон фаолияти таъсирида ҳосил бўладиган аэрозолларнинг манбаи, асосан, 30-60° шимолий кенгликлар орасида тўпланган. Антропоген аэрозоль йилдан-йилга кўпайиб бормоқда; 2020 йилга бориб бу кўрсаткич икки баробар кўпаяди ва атмосферада 30% ни ташкил қилади. Ҳозир АҚШ саноат тармоқларининг ўзигина ҳар йили атмосферага 230 млн. тонна чанг-тўзон, қурум, кул чиқариб ташламоқда.

Кейинги текширишлар шуни кўрсатаптики, антропоген аэрозоль чанг-тўзон зарралари шаҳарлар ва саноат районлари устидагина эмас, балки катта худудларда ҳам кузатилиб, атмосферанинг ифлосланишига глобал хисса қўшаяпти, чунки ҳаво оқими чанг-тўзонни узоқ-узоқ масофаларга олиб кетади. Масалан, жуда узоқдаги Гренландия музларида XIX асрнинг 80 йилларидан XX асрнинг 90-йилларигача кўрғошин зарралари миқдори 10 баровар кўпайган. Ф.Ф.Довитаянинг кузатишларидан маълум бўлишича, Кавказ тоғларидаги музликларнинг устки қатламларида пастки қатламларидагига нисбатан чанг-тўзон анча

кўп тўпланган. Бу фарқ кейинги ўн йиллар ичида атмосферада чанг-тўзон зарраларининг жадал кўпайган вақтига тўғри келади. Ҳар йили ҳавога кўтариладиган жуда кўп миқдордаги чанг-тўзоннинг Арктика, Антарктида ва тоғли ўлкалар музликлари устига тушиши, ўз навбатида, қуёш радиациясининг ютилишини ошириб, музликларнинг кўпроқ эришига олиб келиши мумкин.

ОНА ЗАМИН ЮРТ БОЙЛИГИ

Х.Х.Зокиров, А.Ж.Ибрагимов, Ф.Б.Бўронов, Х.А.Хўжамқулова
Термиз давлат университети

Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим соҳаси ҳисобланган қишлоқ хўжалиги-жамият билан табиат орасидаги муносабатни мувозанатини бир маромда эканлигини назорат қилиб турувчи тармоқ ҳисобланади. Ишлаб чиқариш кучлари етарлича шаклланмаган шароитда қишлоқ хўжалиги кўпроқ табиат қонунларига амал қилади ва табиат қонунларининг бузилишига йўл қўймайди. Фан-техника қадамнинг илдам одимлаши туфайли табиат кучлари билан иқтисодиётнинг бу тармоғи ўртасида кучлар нисбати ўзгарди. Жумладан, қишлоқ хўжалигида оғир техникаларни, кимё саноати воситаларини қўлланилиши ва бошқа тупроққа зарар етказувчи омилларнинг салбий таъсири тупроқни ночор аҳволга солиб қўйди. Қишлоқ хўжалиги табиатнинг ишончли шериги бўлиш ўрнига унинг душманига айланди. Қишлоқ хўжалигида кимёвий пестицидлардан кўплаб фойдаланилиши оқибатида 1989 йилдаги БМТнинг қишлоқ хўжалиги бўлимининг берган маълумотларига кўра биргина ривожланаётган мамлакатларда ҳар йили 11 минг киши кимёвий захри қотиллардан ўлмоқда, яна 450 минг киши жиддий касалликларга дучор бўлмоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан юқори ҳосил олиш мақсадида йилдан йилга минерал ўғитлардан фойдаланиш ҳам жадал ошиб бормоқда. Масалан, 1964 йилда дунё миқёсида гектарига 29 кг. минерал ўғитлардан фойдаланилган бўлса, 1990 йилга келиб бу кўрсаткич 88,3 кг. га етди. Биргина бизнинг мамлакатимизда бир йилда 4,2 миллион тоннадан ортиқ минерал ўғитлар ишлатилади. Афсусли томони шундаки, ушбу фойдаланилаётган минерал ўғитларни фойдали коэффициентлари жуда паст даражада бўлиб, азотники-10-45%, фосфорники-15-20%, калийники эса-45-50% ни ташкил қилади, холос. Бундан кўриниб турибдики, экинга берилган минерал ўғитларнинг ярмидан кўпи беҳуда ҳавога учади, тупроққа сингади ёки сув билан оқова шаклида сув ҳавзаларини ифлослайди, 23-25% и эса тупроқ таркибида сувда қийин эрувчи бирикмаларга айланади. Қишлоқ хўжалигида минерал ўғитлардан фойдаланишда азот, фосфор, калий (NPK)нинг ўзаро 1:0,7:0,3 ёки 1:0,8:0,5 нисбатларига амал қилмасдан бир томонлама, фақат азотли ўғитлардан фойдаланилиши меваси, барги ёки илдизи хомлигича инсон томонидан истеъмол қилинадиган сабзавот, полиз экинларига сувда секинлик билан

эриб ўсимликларга бир маромда охиста таъсир этадиган карбамид-мочевина ((NH₂)₂CO) ўрнига сувда жуда тез эриб ўсимликларга, айниқса, унинг мевасига жуда тез таъсир этувчи аммиакли селитрани (NH₄NO₃) берилиши оқибатида ҳосил таркибида нитратлар (NO₃) миқдори кескин ошиб, ушбу нитрат билан ортиқча тўйинган мевани инсон томонидан истеъмол қилиниши натижасида, нитратлар инсон танасига киргандан кейин нитритга (нитрит NO₂) инсон учун ўта зарарли) айланиб, инсон организмини зарарламоқда. Нисбатга амал қилмасдан фақат азотли ўғитлардан фойдаланилиши тупроқда азот исрофини кўпайтирмоқда. Ўсимликлар томонидан ўзлаштирилмай қолган бир қисми ер ости сизот сувларини ифлосламоқда. Чунки, азот сувда жуда яхши эрувчи бўлиб, ернинг 10 метрдан ортиқ чуқурлигича сув билан бора олади. Таъкидлаш лозимки, она замин инсониятни боқувчи асосий манбалардан бири бўлсада, инсониятнинг кескин кўпайиб бориши, уй-жойга бўлган эҳтиёжининг ортиши, ердан ноўрин фойдаланилиши оқибатида инсон учун қимматли бўлган деҳқончилик қилинадиган ерлар қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқиб бормоқда.

Статистик маълумотларга кўра, ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган ерлар 1млрд. 457 миллион гектарни ташкил этиб, ер шарининг 10,8% и шу кунга қадар инсоннинг ердан ноўрин фойдаланиши, турли хил табиий офатлари оқибатида ҳозирги фойдаланилаётган еримизга нисбатан икки баробар ерлар қишлоқ хўжалигида фойдаланиш имкониятини йўқотган. А.Гаель маълумотларига кўра, ҳар йили ўрта ҳисобда Собиқ Иттифоқ бўйича 50-60 миллион гектар ерлар турли даражада шамол ва сув эрозиясига учрамоқда, 0,5-1,5 млн. гектардан ортиқ ер бутунлай ишдан чиқмоқда, 10 млн. гектардан ортиқ ерларда иккиламчи шўрланиш бошланган. Биргина 1990 йилда Собиқ Иттифоқ бўйича 20 млн. гектар ер қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиққан. Республиканинг 447,4 минг квадрат километрдан ортиқ бўлган ер майдонини атиги 10%и қишлоқ хўжалигига яроқлидир. Алоҳида қайд қилиш лозимки, мамлакатимиз Марказий Осиё давлатлари орасида демографик жиҳатдан тез ўсаётган давлат бўлганлиги сабабли ҳам ушбу тез ўсаётган аҳолини уй-жой билан таъминлаш айнан қишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланилаётган ер майдонлари зиммасига тушмоқда. Ваҳоланки, Ўзбекистон аҳолиси зичлиги 1 км²-54 киши тўғри келса, бу рақам Қозоғистонда-6,1, Қирғизистонда-22,7, Туркманистонда-9,4 кишини ташкил этади. Ёки 1964 йилдаги статистик маълумотларга кўра, ер юзи аҳолисининг ҳар бирига 0,50 гектардан ер тўғри келган бўлса, бу кўрсаткич 1990 йилга келиб 0,31, 2000 йилга келиб эса 0,28 гектарга тушиб қолган бўлса, Ўзбекистонда ҳар бир одамга 0,17 гектар, Қозоғистонда-1,54, Қирғизистонда-0,26, Украинада-0,59, Россияда-0,67 гектар экин майдони тўғри келади. Барча аҳолининг ярмидан кўпроғи қишлоқларда яшаётганлигини ҳисобга олсак, дадил айтиш мумкинки, бизнинг қишлоқларимизда инсоний захираларнинг нисбий ортиқлиги эмас, балки мутлоқ ортиқлиги яққол кўзга ташланади.

Мамлакатимизда аҳолининг ўсиши нисбатан юқори бўлиб, урбанизация ва ҳосилдор ерларни шаҳарларни ривожлантиришга, уй-жой қурилишига, янги корхоналар, муҳандислик ҳамда транспорт коммуникациялари тармоғини барпо этишга ажратиб бериш жараёнлари жадал бормоқда. Шунинг ҳисобига олсак, XXI асрдаёқ ер захиралари билан таъминланиш муаммоси янада кескинлашади. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ерларнинг табиий равишда чўлга айланиши юқори даражада давом этаётганлиги XXI асрда ҳам ўз кучини йўқотмасдан шитоб билан давом этаётганлиги ушбу муаммони янада ўткирлаштиради. Айни чоғда табиий муҳитнинг ёмонлашуви билан бирга тупроқ нураши, шамол ва сув эрозияси, шўрланиши, ер ости ва ер усти сув сатҳининг кўтарилиши оқибатида, иккиламчи шўрланиш жараёнининг авж олиб кетиши инсониятни янада ташвишга солмоқда. Нурашга қарши чора-тадбирлар яхши олиб борилмаганлиги туфайли шамол ва сув эрозияси тупроқ унумдорлигининг кескин пасайиб кетишига сабаб бўлмоқда. Шу сабабли ҳам аср охирига келиб Республикаимизда 2 миллион гектардан ортиқ ер майдони ёки барча суғориладиган ерларнинг қарийиб ярми бузилиш хавфи остида қолмоқда. Деҳқончилик қилинадиган ерларнинг ниҳоят даражада шўрланганлиги Ўзбекистон Республикаси учун энг йирик экологик муаммодир. Бунинг асосий сабаби ерларни (1950-1970 й.й.) оммавий суратда ўзлаштириш, ҳаттоки деҳқончилик учун мутлақо яроқсиз бўлган йирик-йирик яхлит майдонларни ишга солишдан иборатдир. Сўнгги 50 йилда Ўзбекистонда суғориладиган ер майдони 2,46 миллион гектардан 4,28 миллион гектарга етказилди. Собиқ Иттифоқ раҳбарияти пахта хом ашёси муаммосини ҳал этиш мақсадида бир ўн йилликда (1975-1985 й.й.) 1 млн. гектар атрофида янги ерлар очди. 1990 йилга келиб суғориладиган ер майдони 1985 йилга нисбатан 1,5 баробар кўпайди. Мустақиллик йилларига қадар алмашлаб экишда пахтанинг салмоғи 75%ни эгаллаб пахта якка ҳокимлиги яққол намоён бўлган эди. Шу кунга қадар дунёнинг бирорта мамлакатада ҳам, нафақат пахта, бошқа экинлар ҳам бу қадар алмашлаб экишда устунлик қилган эмас!... Бу ҳолат ерларнинг кучсизланишига, тупроқ унумдорлигининг кескин пасайишига, унинг физик-механик хоссаларини ёмонлашишига, тупроқ дондорлигининг (структура) бузилишига, нурашига, тупроқни пахтага хос бўлган касаллик ва зараркунандалар билан ифлосланишига сабаб бўлди. Ўзбекистонда ноорганик минерал ўғитлар, гербицидлар ва пестицидларнинг қўлланилиши руҳсат этилган энг юқори нормадан ҳам ўнлаб баробар ортиқ эди. Масалан, 1980-1990 йилларда пестицид ва гербицидлардан ҳар бир гектарга ўртача Япония-0,2-0,4 кг, АҚШ-2-4 кг, Собиқ Иттифоқ бўйича 10-12 килограммдан фойдаланилган бўлса, Собиқ Иттифоқнинг пахта хом ашё базаси ҳисобланган Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ушбу кўрсаткич ўртача бир гектарда 55-59 килограммни ташкил этган. Бунинг оқибатида тупроқ, дарё, кўл, ер ости ва ер усти ичимлик сувлари ифлосланди, тупроқ таркибидаги микроорганизмлар, чувалчанглар, кемирувчилар деярли

қирилиб кетди, ўлим ва турли хил касаллик даражалари Собиқ Иттифок даражасидан анча юқори кўрсаткични ташкил этди.

Тупроқнинг ҳар хил *саноат* ва *маиший* чиқиндилари билан шиддатли тарзда ифлосланиши реал таҳдид солмоқда. турли саноат ва қурилиш материаллари сақлаш, ташиш ва улардан фойдаланиш қоидаларининг қўпол бузилиши, кимёвий ўғитлар ва пестецидларни қўллаш, сақлаш қоидаларига риоя қилмаслиги ерни, сув ҳавзаларини, аҳоли яшаш жойларини, бир тил билан айтганда, жамиятни, она табиатни ифлосламоқда. Фойдали қазилма бойликларини қазиб олиш, уларни қайта ишлаш технологияларининг номукаммаллиги олинган фойдали маҳсулотга нисбатан чиқитни бир неча бор кўп тўпланиб қолиши туфайли деҳқончилик учун яроқли бўлган ерлар эгалланибгина қолмасдан балки, тупроқни, ер усти ва ер ости сувларини, аҳоли турар жойлари атмосфера ҳавосини ифлосламоқда, тирик табиатга жуда катта салбий таъсир кўрсатмоқда, юкумли касалликларнинг кўпайиб кетишига сабаб бўлмоқда. Мамлакатимизда зарарли чиқиндилардан фойдаланиш саноати ҳозирча мавжуд эмас. Қишлоқ хўжалигида К-700 типига оғир техникаларнинг далаларга киритилиши тупроқнинг ўта зичлашиб кетишига, тупроқ таркибидаги микроорганизм ва чувалчангларнинг нобуд бўлишига сабаб бўлмоқда.

ЧОРВАЧИЛИКНИНГ ТАБИАТГА ТАЪСИРИ

Х.Х.Зокиров, С.К.Аллаёров, Д.А.Абдурахимов Н.С.Ҳайитмуродова
Термиз давлат университети

Қишлоқ хўжалигининг энг йирик иккинчи тармоғи чорвачилик бўлиб, атроф-муҳитни ифлослантиришда ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Чорвачилик комплексларидан чиққан чиқиндиларнинг маълум чекланган ҳудудларда сақланиб қолиши, ушбу ҳудуд сув ва сув манбаларини, аҳоли турар жойларини, атмосфера ҳавосини ифлослайди. Чорва комплексларига яқин бўлган аҳолини чорвага хос касалликлар билан касалланишига сабаб бўлади. Чорва молларининг ўрмонларда боқилиши ўсимликлар дунёсига зарар етказмоқда. Молларнинг экин далаларида боқилиши, оқибатида тупроқнинг зичлашиб тупроқ донадорлигининг бузилишига олиб келади. 5 минг бош қорамол сақланадиган бўрдоқчилик фермаларидан ҳар куни ўртача 100 тоннагача гўнг чиқади. Бунинг натижасида атрофга ёқимсиз ҳид тарқалади. Чиқиндининг бир жойга узоқ сақланиб қолиши оқибатида эса (H_2S) водородсульфид ҳосил бўлиб, чорва ва унга хизмат кўрсатувчиларнинг соғлигига салбий таъсир кўрсатади. Мутахассисларнинг берган маълумотларига кўра сутчилик чорва комплекслари атрофидаги атмосфера ҳавосида аммиакнинг миқдори одатдагидан 20 марта кўплиги аниқланган. Гўнг шалтоғи ва силос суюқлигининг сув ҳавзаларига кўшилиб қолиши сув таркибидаги эриган кислород миқдорининг кескин камайиб кетишига, ер ости ер усти сувларининг ифлосланишига сабаб бўлади. Силос суюқлиги кўшилиши

натижасида содир бўладиган ифлосланиш даражаси маиший чиқиндиларникидан 150 марта юқори бўлиб, бир литр шундай суюқликни зарарсизлантириш учун 3,5 тонна тоза сув керак бўлади. 20 минг бош қора мол боқиладиган чорва комплекси атроф-муҳитни 250-300 минг аҳоли яшайдиган йирик саноат маркази билан баробар миқдорда ифлослантиради. Саноатлашган чорвачилик йирик сув истеъмол қилувчидир. Масалан, 10 м³ сут ишлаб чиқариш учун 50 м³, 1 тонна гўшт ишлаб чиқариш учун 20 минг м³, битта она чўчқани сақлаш учун бир кеча кундузда 234 литр сув керак бўлади. Фермалардаги санитария гигиена шароитлари ҳам, асосан, сув ёрдамида сақлаб турилади. Молларни чўмилтириш, биноларни тозалаш ва дизенфекциялаш, озука тайёрлаш, идиш ва асбоб-ускуналарни ювиш, гўнгни тозалаш ва ҳоказо ишларнинг барчаси учун сув талаб қилинади. Ўртача йирикликдаги чорва комплексида чиқадиган оқоваларнинг миқдори бир неча кундузда ўртача 250 дан 300 тонна, йилига 90 мингдан 1 млн. тоннагача етади. Айниқса, чўчқачилик комплекслари атроф муҳитни кучли ифлослантириб, унинг ёқимсиз ҳиди 10 км гача етади, таъсир зонасидаги атмосфера ҳавосида одатдагига нисбатан 45 дан ортиқ турли зарарли моддалар борлиги аниқланган. Чорвачилик комплексларини қуришда шамолнинг йўналиши, сув ҳавзалари, турар жой мавзелари узоқлиги, албатта ҳисобга олиниши зарур. Жойлардаги зарарли моддалар таъсирини камайтириш учун кичик-кичик ўрмонзорлар, кўкаламзорлар ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги кунда асосан **органолептик** кўрсаткичлар бўйича бадбўй ўзига хос ёқимсиз ҳидлар қуйидаги ҳажмдаги санитария ҳимоя зоналари тавсия этилади:

1. 400-600 минг товуқлар боқиладиган комплекслар аҳоли пунктидан 2,5 км;
2. 10 минг бошга мўлжалланган йирик шоҳли қорамол комплекслари 3 км;
3. 110 минг кўй, эчкига мўлжалланган комплекслар 5-5,5 км;
4. 126 минг чўчқага мўлжалланган комплекслар аҳоли пунктларидан 10 км узоқликда қурилиши зарур.

Шуни очиқ эътироф этиш керакки, бугунги кунда, бизнинг мамлакатимизда, аксарият, чорвачилик комплекслари экологик жиҳатидан шу кун талабига мутлақо жавоб бермайди. Бу корхоналарнинг аксарияти оқова сувларни зарарсизлантирмасдан тўғридан тўғри очиқ сув ҳавзаларига ташлаш билан сув кодекси талабларини кўпол бузмоқдалар.

ОЧИСТКА СТОЧНЫХ ВОД ПРОИЗВОДСТВА УГОЛЬНЫМИ АДСОРБЕНТАМИ

Д.Ж.Жумаева, И.Д.Эшметов, А.А. Агзамходжаев
ИОНХ АН РУз, E-mail: anvar381@rambler.ru

Многообразие химических производств, огромное число химических продуктов (исходных, промежуточных и конечных), применяемых и

получаемых в технологических процессах, обуславливаются образованием различных количеств сточных вод, загрязненных всевозможными органическими и неорганическими веществами. Например, в зависимости от вида производства, характерными загрязнениями могут быть неорганические кислоты, щелочи, соли (сульфаты, хлораты, фосфаты и др.) в производстве минеральных и неорганических солей, нефтепродуктов, масел и смол – в нефтеперерабатывающих заводах и т.д. Сточные воды, выбрасываемые в водоемы, содержат растворенные неорганические вещества, которые ухудшают качество воды, а в ряде случаев оказывают неблагоприятные воздействия на флору и фауну водоемов и может служить причиной тяжелых заболеваний. Концентрация примесей в сточных водах различны и степень вредности сточных вод зависит от токсичности загрязняющих веществ.

Одним из наиболее эффективных методов очистки сточных вод является адсорбционная очистка активными углями. Этот метод успешно используется в схеме комплексной глубокой очистки сточных вод до нормы ПДК от вредных веществ. В качестве объектов исследования для очистки использованы производственные сточные вода СП ОАО «Андижанкабель».

Проведены серии опытов по очистки сточных вод СП ОАО «Андижанкабель» углем марки БСШ и композиционным угольным адсорбентом. Композиционный угольный образец был получен щелочной обработкой угля марки БСШ известью. В 2014 году на СП ОАО «Андижанкабель» проводили опытно-промышленные испытания исходного и композиционного адсорбента, полученного на основе бурого ангреновского угля в процессе адсорбционной очистки сточных вод предприятия. Результаты очистки показали, что исходный и композиционный адсорбент, позволяют снизить в сточных водах СП ОАО «Андижанкабель» содержание катионов и анионов, а также жесткость воды до нормы ПДК. Содержание катионов Ca^{2+} снижается с 100,2 мг/л до 20,6 мг/л в случае исходного угля и до 16,0 мг/л в случае композиционного угольного адсорбента, Mg^{2+} – с 38,8 до 7,6 и 5,9 мг/л, а анионов (хлоридов) – с 43,0 до 7,2 и 5,4 мг/л, анионов (сульфатов) с 70,4 до 21,9 и 19,4 мг/л, нитраты с 11,8 до 1,7 и 1,3 мг/л, соответственно и общая жесткость воды падает с 9,0 до 3,2 и 2,1 мг.экв./л, соответственно.

Очистка сточных вод СП ОАО «Андижанкабель» проводили с целью её смягчения и очистки от загрязнений неорганических примесей с использованием исходного и композиционного угольного адсорбента, полученного из ангреновских бурых углей. Для проведения испытаний была отобрана средняя проба производственных стоков на сбросе сточных вод предприятия. При очистке как исходным, так и композиционным угольным адсорбентом, степень очистки достигает до норм ПДК. При этом, значения жесткости для исследованных проб воды снижаются с 9,1 мг.экв./л до 3,2 мг.экв./л для исходного и до 2,1 мг.экв./л для композиционного угольного адсорбента, а содержание кальция, магния,

хлоратов, сульфатов, нитратов и сухой остаток снижаются 4-5 раза. Рассчитан ожидаемый экономический эффект от внедрения предлагаемых адсорбентов при очистке и смягчении сточных вод СП ОАО «Андижанкабель», что составляет 31,7 млн. сум в год.

Таким образом, проведением испытаний исходных и композиционных угольных адсорбентов производственных сточных вод СП ОАО «Андижанкабель» установлено, что значения жесткости исследованных проб сточной воды, а также содержание кальция, магния, хлоратов, сульфатов, нитратов и сухой остаток снижаются 4-5 раза и соответствуют нормам ПДК. Испытанные адсорбенты рекомендуются использовать для очистки и смягчения производственных сточных вод СП ОАО «Андижанкабель».

LAVLAGI YER USTKI QISMINING KIMYOVIY TAHLILI

R.Dehqonov, G'.Mamajanov, Sh.Mamadaliyev

Namangan davlat universiteti

Lavlagi – sho'radoshlar oilasiga mansub, bir yillik va ko'p yillik o'simliklar turkumiga kirib, 10 ga yaqin yovvoyi turlari ma'lum. Madaniy lavlagilar ajdodi O'rta Osiyo, Xitoy va Hindistonda o'sadigan oddiy lavlagi (*Beta vulgaris L.*) – deb ataladigan yovvoyi lavlagidir. Madaniy lavlagi ikki yillik o'simlik bo'lib, birinchi yili ildizi va to'p barglari rivojlanadi, ikkinchi yili esa maxsus joylarda saqlangan va bahorda tuproqqa ekilgan ildizmevalarida sershox poya o'sib chiqadi va uning shoxlarida lavlagi urug'i hosil bo'ladi. Madaniy lavlagi (*Beta vulgaris L.*) to'rt xil guruhga bo'linadi: 1) Qand lavlagi – bargi och-yashil, ildizmevasi esa uzun konussimon oq bo'ladi; 2) Xashaki lavlagi – buning ham bargi och yashil bo'lib, ildiz mevasi yirik, turli shakl va ranglarda bo'ladi; 3) Xo'raki yoki sabzavot lavlagi – qizil bo'ladi (qizilcha); 4) Barg lavlagi yoki Mangold – yeyiladigan bargi uchun ekiladi. Barglari va ildizmevalari iste'mol qilinadi. Kaloriyaliligi – 100 grammda 37 kkal. Lavlagi organizmni tozalaydi, charchoqni qoldiradi, anemiyaning oldini oladi hamda saraton xastaligidan himoya qiladi. Lavlagida kalsiy moddasi ko'p bo'lganligi uchun, uni iste'mol qilish suyaklar va tishlarning holatiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi.

Ushbu tadqiqot ishida lavlagining yer ustki qismini ekstraksiya asosida kimyoviy tarkibi o'rganildi. Xloroformli ekstraktlardan ajratib olingan moddalarni sifat reaksiyalar va qog'oz xromatografiya usullarida identifikatsiyalandi. Natijalar shuni ko'rsatdiki, lavlagi yer ustki qismida ham ildiz meva qismidagi moddalar, yani oqsillar, uglevodlar, biriktiruvchi to'qimalar, kaliy, fosfor, kalsiy, magniy, temir, rux moddalari, C, B₁, B₅, B₆, PP, E –vitaminlari mavjudligi aniqlandi. Bundan tashqari namligi va kul miqdorlari ham aniqlandi. Lavlagi yer ustki qismining namligi 34 % ni va shu bilan birga umumiy kul miqdori 20,5 % ni tashkil etdi.

BIOGAZ TARKIBINI TAHLILIGA ASOSLANGAN BIOMETANOGENEZNI MIKROBIOLOGIKVA KIMYOVIY BOSQICHLARI

Ahmedov M.M. 3-bosqich talabasi


Andijon davlat universiteti


Bugungi kunda mamlakatimiz miqyosida noananaviy va qayta tiklanuvchan energiya manbaalaridan foydalanish tejamkor zamonaviy texnologiyalarni qoʻl-lash borasidagi ishlar koʻlami tobora kengayib bormoqda. Mutaxasislarning taʼkidlashicha, yurtimiz iqlim sharoitida quyosh, suv, shamol va biogaz singari avtonom energiyalardan foydalanishning ulkan imkoniyatlari mavjud.

Koʻpchilikka maʼlumki biogaz biochiqindilarning anaerob muhitda bijgʻishi natijasida hosil boʻladi. Biogaz hosil boʻlishi va toʻliq ajralib chiqishi uchun biochiqindilar yaʼni substrat qanday kimyoviy oʻzgarishlarga uchraydi hamda qanday sharoitlar talab etiladi degan savolni tugʻilishi tabiiy

Biochiqindilarning chirib, biogaz hosil boʻlishi *biometanogenez* jarayoniga asoslangan. Shuningdek bu jarayon *metanobakteriyalar* ishtirokida boradi. Barcha metanobakteriyalar anaeroblar boʻlib, vodorod H_2 va karbonat anhidrid CO_2 gazi boʻlgan sharoitda yaxshi rivojlanadi. Metanobakteriyalar kislorod O_2 va metan CH_4 ishlab chiqarish ingibitoriga juda sezgirdir. Bioreaktorlarda oz miqdorda kislorod va nitrat ionlarining boʻlishi metanli bijgʻishga toʻsqinlik qiladi. Biometanogenez jarayonida uch guruh bakteriyalar ishtirok etadi. Birinchilari murakkab organik substratlarni yogʻ, propion, sut va aromatik kislotalariga; ikkinchilari oʻz navbatida bu organik kislotalarni sirka va chumoli kislotasigacha, vodorod va karbonat anhidridga aylantiradi; uchinchilari nordon sirka bakteriyalarini ingibirlashi mumkin boʻlgan H_2 ni yutib, CO_2 ni CH_4 gacha qaytaradi.

Adabiyotlardan maʼlumki metanli bijgʻish anaerob sharoitda, harorat 10-15 $^{\circ}C$ dan 55-60 $^{\circ}C$ gacha boʻlganda amalga oshadi. Hisoblashlarning koʻrsatishicha metanli bijgʻishni optimal tarzda borish uchun pH ~7-8 ga teng boʻlishi kerak. Shunday tarzda laboratoriya sharoitida hosil qilingan biogaz miqdori va sifati jihatidan yuqori boʻlib, tez fursatda kichik hajmdagi avtonom manbaalar yaratish imkonini beradi. Laboratoriya qurilmasida biogaz hosil qilib, dastlabki tahlillar natijasiga va adabiyotlardagi maʼlumotlarga tayanga holda quyida biometanogenezni ayrim bosqichlarining toʻliq boʻlmagan reaksiyalari va umumiy sxemasi keltirilgan





Shunday qilib, mazkur yo`nashdagi tadqiqotlarni davom ettirish biogaz tarkibini chuqur tahlil qilish metan gazidan tashqari boshqa gazlarni ham o`rganish amaliyotga qo`llab iqtisodiy samara ko`rish imkoniyatlarini ochadi.

ПЕДАГОГИК ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА КИМЁ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ ЙЎНАЛИШИДАГИ ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ФАОЛИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ.

Абдурахмонов Б., Шарипов Ш., Жўлбоев Т., Умаров Н.

Жиззах Давлат Педагогика Институтини

Кимё-экология ва уни ўқитиш услубияти кафедраси

Кўникма тажрибалар шуни кўрсатдики, талаба мустақил равишда шуғулланса ва ўз устида тинимсиз ишласагина билимларни чуқур ўзлаштириши мумкин. Талабаларнинг асосий билим, кўникма ва малакалари мустақил таълим жараёнидагина шакилланади.

Мустақил фаолият кўрсатиш қобилияти ривожланади ва уларда ижобий ишлашга қизиқиш пайдо бўлади. Аввломбор ушбу жараёни ташкил этишда талаба мустақил иш нима ва қандай амалга оширилишини билиши зарур.

Талаба мустақил ишни- муаъян фандан ўқув дастурида белгиланган билим, кўникма ва малаканинг маълум бир қисмини талаба томонидан фан ўқитувчиси маслаҳатчи ва тавсиялари асосида аудитория ва аудиториядан ташқарида ўзлаштирилишига йўналтирилган тизимли фаолият бўлиб, талабаларнинг мустақил таълим фаолиятини самарали шакиллантириш учун энг аввало фан бўйича мустақил таълимга ажратилган соатларни қандай бажариш керак, мустақил таълим вақти учун талабаларга қайси материалларни топшириқлари тавсия қилиш керак, тайёргарлик кўриб келиш, ижодий ва илмий- тадқиқот характердаги бошқа ишлари мисол бўла олади.

Замонавий таълим технологияларини амалга ошириш шароитида талаба қуйидаги умумўқув (ҳар қандай ўқув фанини муваффақиятли ўзлаштириш учун зарур бўлган) кўникма ва малакаларга эга бўлиш керак:

- маълумот билан мустақил ишлаш: асосий ҳолатларни аниқ, чизмавий ва изчилликда конспект кўринишида қайд этиш; ўқув топшириқ ва вазифаларни ечиш учун зарур бўлган ахборотларни топиш, таниши, тушуниши, танқидий баҳолаши, уни йиғиш ва реферат, ҳисобот, белгиларда, шунингдек графикли ташкил этувчилар кўринишида тақдим

этиш; берилган талабларга мувофиқликда ўзининг шахсий илмий матнини (мақола, маъруза, тезис) яратиш;

- тақдим этиш малакалари: ўқув топшириғини бажариш натижалари бўйича сўзлаётганда ўзини дадил тутиши, турли кўргазмали воситалардан фойдаланиши;

- ўқитувчи билан талабани ўқув ўзаро ҳаракатини ташаббуслаш, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиш ва мураса қилишни топиш, суҳбатга киришиш, ҳақиқат бўйича саволлар бериш, далилий жавоблар бериш, мунозара қоидаларига риоя этиб уни олиб бориш, тортишувларда иштирок этишнинг: мулоқотлашув малакалари;

- гуруҳли ўзаро ҳаракатга тайёрлиги ва қобилиятида – ўқув топшириғини бажариш бўйича ҳамкорий фаолиятни жамоавий режалашда, умумий вазифани ечишда ҳамкорий мулоқот ва ўзаро ҳаракат, ўзаро ёрдам ва ўзаро баҳолашда намоён бўладиган: ҳамкорликда ишлаш малакалари;

Модомики талаба таълимий тизимга субъект сифатида кирса, унда бошидан унинг қобилияти мустақил, онгли ва мақсадли ҳаракат қилишини назарда тутати:

1. ўзининг ҳаракатини режалаштириш - ўз мақсадини танлаш, уларга эришишнинг йўл ва воситаларини аниқлаш;

2. берилган топшириқларни ечиш учун ўз имкониятларини бирлаштириш-ташкиллаштириш;

3. ўз фаолиятини назорат қилиши ва мос равишда баҳолаш- ўзининг кейинги ҳаракатларини ўзи назорат қилиши ва ўзини ўзи баҳолашни амалга ошириш.

Талаба томонидан мустақил ишни бажаришда уларнинг фаолияти тизимида кўрсатилган ҳар бир элементларнинг муваффақиятли ҳаркатланиши ўқитувчини куйидаги бошқарув ҳаракатларини аниқлайди:

4. Режалаштириш.

5. Ташкиллаштириш.

6. Мониторинг ва баҳолаш.

а. Талаба нафақат ўқув машғулотини мақсадини, балки унинг якунида тахминан қандай ўқув натижаларга эришиш мумкинлигини ҳам билиши зарур;

б. Ўқув натижаларига эришиш йўллари кўрсатилганда - берилган ишга маълум бўлган усул ёки техникани ўрганиш ва қўллашни ёки ишлар тартиби бўйича батафсил йўриқнома ёки кўрсатмани айтиб бериш мумкин;

с. Талаба назоратнинг шакли ва тури: ёзма-эссе, ҳисобот, реферат ва бошқалар, оғзаки-тақдимот, саволларга жавоб бериш ва бошқалар, шунингдек ҳар бир ўқув топшириғини баҳолашни сифат ва миқдорий мезонлари билан таништирилган бўлиши зарур;

д. Ўзини ўз текшириш учун ҳар бир ўқув машғулотида тавсия этилаётган топшириқ (тест, савол, вазифа ва машқлар) жорий педагогик назоратни ва талаба томонидан кўзланаётган таълимий мақсадларга эришиш даражасини доимий ўзи баҳолашни таъминлайди;

е. “Ўқув фани бўйича талабани ўқув натижаларининг ютуқлар варағи” талаба томонидан рейтинг балларни тўпланиши тўғрисида тезкор маълумотларни олишнинг воситаси ҳисобланади.

Келтирилган жадвални таҳлил қилиш орқали ҳар бир профессор-ўқитувчилар дастлаб талабаларда ўз қобилияти ва ақлий имкониятларига ишонч уйғотишга уларни сабр- тоқат билан босқичма- босқич мустақил билим олишни тўғри ташкил қилишга ўргатиб бориш лозим бўлади.

Авваломбор кимё йўналишида талабаларга дастлабки кимёвий тушунчалар, қонунлар ва реакцияларни турлари ва уларда борадиган қонуниятлари ўргатилгандан сўнг, уларда кимёга оид кўникмалар шакилланиб боради. Бунда мустақил таълимга кўника бошлаб, фақат ўқитувчи томонидан белгилаб берилган ишларни бажарибгина қолмай, ўзининг эҳтиёжини, қизиқишини ва қобилиятига қараб, ўзига зарур бўлган қўшимча билимларни ҳам мустақил равишда танлаб ўзлаштиришга ўрганиб боради. Бунда топшириқларни бажаришга тизимли ва ижодий ёндошишга ўргатиб бориш зарур.

Мустақил таълим талабаларнинг танқидий фикрлаш, билиш фаоллиги, меҳнатга ижодий ёндошуви, дунёқарашнинг кенгайтириш. Иқтидорли талаба бўлиб етиштириш ва бир қатор кўп қиррали муҳим жиҳатларини шакиллантиришга замин яратилади.

Мустақил таълим ривожлантирувчи ва тарбияловчи функцияларини бажариб, ўқув жараёни вақтида олган билимларни кенгайтириб, чуқурлаштиради, ўқув ва илмий адабиётлар билан ишлаш малака ва кўникмаларни ривожлантирилади.

Хулоса қилиб айтганда, педагогик олий таълим муассаси талабасининг мустақил талими:

- Олий таълим тизимида талабалар мустақил таълимни бажаришлари мустақил равишда ўқув материалларини ўзлаштиришга интилиши, маҳсус илмий адабиётлар ва манбалар устида ишлаши, эгалаган билимларини амалиётга тадбиқ этиши, ўзининг мутахассисликлари бўйича олимпиада мактабларига аъзо бўлишга йўналтирилади.

OLXO'RI KIMYOVIY TAXLILI

*Sh.Abdullayev, O.Abdilalimov, M.Ashirboy qizi, G'.Mamajanov
Namangan davlat universiteti, Namangan sh*

Olxo'ri muloyim etida uglevodlar (glyukoza, fruktoza, saxaroza), oqsillar, organik kislotalar (vino, limon, xin, olma, sirka, shavel, salisil), xujayra-kletchatka, pektinlar, azotli moddalar, kulli va bo'yoqli moddalar, tanninlar, oshlovchi va bo'yoqli moddalar, mineral moddalar asosan kaliy, fosfor, kalsiy, magniy, natriy, temir, rux, mis oksid shaklida topilgan. Mevalarida karotin, B1,B2, PP, P, E, C gurux vitaminlari. Ko'proq uchraydigan polisaxarid bu pektin moddalari, arabin, galaktan. Bargida esa C vitamini aniqlangan. Donagida 42% yog' moy bo'lib (tarkibida miristin 1,3%, palmitin 6,6%, sterin

2% va to'yinmagan kislotalar 58% aniqlangan) u bodom moyiga o'xshaydi, undagi amigdalin glikozidi emulsin fermenti va suv ishtirokida glyukozaga, benzoaldegidi va nitril kislotaga parchalanadi.

Barglarida kumarin hosilalari, masalan skopoletin mavjud, smolasida o'simlik po'stlog'ida ramnoza, ksiloza, arabinoza, galaktoza aniqlangan.

K tuzlari Olxo'rida ko'p banan olvoli, malina va rangli karam bilan solishtirilganda, mineral moddalar umumiy miqdor jihatdan olma va nokga qaraganda ko'p. Mevalar orasida olxo'ri B2 vitamini miqdori bo'yicha chempion, u nerv sistemasiga foydali, oqsil almashinishini yaxshilaydi. Vitamin P tomirlar devorlarini mustahkamlaydi, unga elastiklikni qaytaradi. Olxo'ridagi vitamin C organizmda yo'g'on ichak raki, osteroztroz va artritda foydali. Olxo'ri sharbati gripni oldini olish va davolashda qo'llaniladi.

Flavanoidlar, kversetin, avikularin, izokvertsitrin; aminokislotalar, piperidinli hosilalar va boshqalar topilgan. Daraxt yog'ochi tarkibidan degidroflavanol aromadendrin ajratilgan. Mevalarning kimyoviy tarkibi pishganiga qarab farqlanadi, bunda yana yer, hamda o'simlikga suv yetqazilishi ta'sir qiladi. Sariq mevalarda karotin ko'p bo'ladi.

Mana shunday boy mevaning Namangan viloyati Yangiqo'rg'onda o'sadigan anashipid navi tekshirildi. Bir dona mevaning o'rtacha og'irligi 18,7 gramm, shundan meva eti o'rtacha 95,2%, po'stlog'i danagi 4,8% aniqlandi. Muloyim eti qirg'ichdan o'tqazilib refraktometrda (GOST-28.562-90) saxaroza miqdori aniqlandi o'rtacha miqdori 21% chiqdi, adabiyotda 9 dan 17% gacha saxaroza aniqlangan, demak O'zbekistonda shakar miqdori ko'pligi tasdiqlandi, 25 kun saqlangan meva etida saxaroza miqdori oshdi ya'ni 28,7% bo'ldi.

Meva etidagi kislotalar miqdori olma kislotasiga (67%) nisbatan 0,1N NaOH eritmasi bilan titrlab aniqlaganda o'rtacha kislotalik 57% chiqdi, yuqoridagiday 25 kundan keyin kislotalik aniqlanganda uning miqdori 51% teng bo'ldi.


Tajribalar asosida O'zbekiston olxo'ri navlari shirinligi, kislotalik miqdori ozligi bilan xaridorligi tasdiqlandi.

YODLANGAN OSH TUZINING MIQDORINI ANIQLASHDA ANALITIK METODLARDAN FOYDALANISH

*Sh. Sh. Mirzarahimova, M.Sh. Qirg'izov.
Andijon Davlat Universiteti.*

Osh tuzi insonga Olloh tomonidan berilgan eng oliy ne'matlardan biri hisoblanadi. Osh tuzisiz inson kundalik hayotini tassavur qilish qiyin. Ayniqsa, bizning mamlakatimizda yod tanqisligi tufayli yodlangan osh tuziga bo'lgan talab juda kuchlidir. Osh tuzi tabiatda juda ko'p tarqalgan tuzlardan hisoblanadi. U dengiz va ko'l suvida, konlarda bo'ladi. Dengiz suvida 3% gacha, ba'zi ko'l suvlarida esa osh tuzining miqdori hatto 26% gacha bo'ladi. Osh tuzi sanoatda xlor, ishqor, natriy metali olishda va tibbiyotda fizologik eritma tayyorlashda ishlatiladi. Bundan tashqari tibbiyotda natriy xloridning

0.9% li izotonik eritmasi organism ko'p qon yo'qotganda va dezintoksiyalovchi modda sifatida qo'llaniladi. Osh tuzi jannatmakon diyorimizning Xo'jaikon, Tubokat, Borsakelmas, Boybichakon, Oqqal'a konlarida qazib olinadi. Osh tuzini konlardan qazib olgach, yot moddalardan to'la tozalab olinadi. Buning uchun turli xil analitik metodlardan foydalaniladi. Tabiiy osh tuzining to'yingan eritmasiga undagi yot qo'shimcha sulfat va fosfat ionlarini cho'ktirib olish maqsadida bariy xlorid eritmasi qo'shiladi.



Eritmani cho'kmadan dekantatsiya usuliga ko'ra ajratib olinadi va undagi natriy korbanatning ortiqchasi esa xlorid kislata bilan neytrallanadi.



So'ngra ushbu neytrallangan eritma natriy xlorid kristallari cho'kma boshlanguncha bug'lantiriladi. Natriy xloridni filtrlash yordamida ajratib olinadi va 200⁰ harorat sharoitida quritiladi. Preparatning chinligini aniqlash uchun ulardagi xlor ionini odatdagicha kumush nitrat eritmasi ta'sirida ammiak eritmasida erib ketadigan oq pishloqsimon cho'kmasida cho'ktirib bilinadi.



Natriy xlorid preparatidagi natriy ionini alanganing rangsiz qismini sariq rangga bo'yashi bo'yicha aniqlanadi. Osh tuzi hidsiz, sho'rtang, oq kristall kukun, suvda yaxshi eriydi. Yod hayot uchun zarur elementdir. Odam organizmida 25mg yod bo'lib, uning 15mg qalqonsimon bezda bo'ladi. Yodga bo'lgan kunlik talab 0.1mg ni tashkil etadi. Odam yetarli miqdorda yod iste'mol qilinmasa, qalqonsimon bez g'oyat kattalasha boshlaydi, organizm funksiyalari buziladi. Bu bo'qoq kasalligidir. Tog'li rayonlarning aholisida bo'qoq kasalligi ayniqsa ko'p bo'ladi, chunki bunday rayonlarning havosida ham ichiladigan suvida ham, yod kam bo'ladi. Shuningdek qalqonsimon bez faoliyati pasayishi xotiraning ham pasayishiga olib keladi. Sochlar mo'rtligi, sochlarning sababsiz to'kilishi, tirnoqlarning mo'rtligi va yorilishi organizmda uzoq vaqtdan buyon yod yetishmasligi kuzatilayotganligini bildiradi. Qalqonsimon bez kasalliklari ayollarda erkaklarga nisbata uch marta ko'p uchraydi. Homilador ayollarda yod tanqisligi kuzatilishi homilaning rivojlanmay va yetilmay tug'ilishiga olib keladi. Keyinchalik bu bolalarda kretinizm kasalligi, ya'ni jismoniy va aqliy rivojlanishdan ortda qolish kuzatiladi. Demak, yodni inson organizmi yodlangan osh tuzini iste'mol qilish orqali oladi. Shuning uchun O'zbekistonda yodlangan osh tuzi ishlab chiqarilmoqda. Xulosa qilib aytganda, yodlangan osh tuzini analitik metodlardan foydalanib miqdorini aniqlab, uning yangi analiz va sintez usullardan foydalanib har bir osh tuzini yodlash kerak. Shundagina, mamlakatimiz aholisini yod tanqisligi kamayib, umumiy salomatligi yanada mustahkamlanadi.

BERBERIS VILGARIS L. ВЕГЕТАТИВ ВА ГЕНЕРАТИВ ОРГАНЛАРИДАН ЙОД МИҚДОРНИ АНИҚЛАШ

Н.Т.Фазлиева, Ш.М.Сайитқулов, Н.Қ.Мухаммадиев, Қ.Ф.Халилов
Самарқанд давлат университети, Самарқанд, E-mail: m_nurali@mail.ru

Berberis Vilgaris L. Қрим, Кавказ, Ўрта Осиёнинг тоғлик худудларида, Украинада, Россиянинг Европа қисмида ва Шимолий Америкада учрайдиган доривор ўсимликлардан бири бўлиб, унинг вегетатив органларида берберин, пальмитин ва бошқа шу каби алкалоидлар (3 % гача), витаминлар ва бошқа кўплаб физиологик моддалар учрайди. Шунинг учун ҳам ундан тиббиётда турли касалликларни даволашда кенг фойдаланилади.

Berberis Vilgaris L. таркибидан йод (органик боғланган) миқдорини аниқлаш унинг тиббиётда қўлланилиш соҳаларини кенгайтиришга олиб келади ва долзарбдир. Чунки унинг таркибидаги йоднинг миқдори аниқланмаган.

Ишнинг мақсади - *Berberis Vilgaris L.* доривор ўсимлигининг вегетатив органларидаги йод миқдорини ион хроматографияси усулида аниқлаш.

Berberis Vilgaris L. таркибидан йод миқдорини аниқлаш бўйича текширишлар кондуктометрик детектор билан жиҳозланган «Цвет-3000» (АО Цвет, РФ) хроматографида амалга оширилган. Элюентнинг ион кучи унга туз эритмасини кўшиш, муҳити эса буфер аралашма таркибини ўзгартириш орқали ўзгартирилган. Намунадаги йоднинг миқдори мутлак даражалаш усули ёрдамида аниқланган.

Berberis Vilgaris L. нинг вегетатив органлари (1 кг намунага нисбатан мг ҳисобида: илдизи – $74,5 \pm 4,8$, пояси – $22,6 \pm 1,9$, барги – $3,2 \pm 0,3$) ва генератив органлари (меваси – $6,2 \pm 0,5$) бўйича йоднинг миқдори аниқланди.

Олинган натижалардан кўриниб турибдики, йод энг кўп ўсимликнинг илдизида тўпланади. Поясидаги йоднинг миқдори илдизига қараганда 3 марта, баргида эса 23 марта камни ташкил этади.

Иш ИТД-12-64 давлат гранти доирасида бажарилган.

ГАЗОХРОМАТОГРАФИЧЕСКОЕ ОПРЕДЕЛЕНИЯ ВИНИЛХЛОРИДА И АЦЕТАЛЬДЕГИДА

Н.И.Файзуллаев, Х.Ачилов
Самаркандский государственный университет.

В настоящее время в Узбекистане хорошо налажено производство ацетилена. Самым перспективным методом получения ацетальдегида, ацетона, винилхлорида в условиях Республики Узбекистан является парофазная гидратация и гидрохлорирования ацетилена в присутствии катализаторов.

Одним из традиционных и актуальных подходов к решению экологических и производственных проблем является контроль и периодический анализ, проводимый различными методами. Для решения последнего особое место занимает газожидкостная хроматография.

Винилхлорид - вещества 1 класса опасности; наркотик, поражающий нервную и сердечно-сосудистую системы. Длительное воздействие вызывает у человека характерный ангиодистонический синдром. ВХ обладает канцерогенным действием, вызывает развитие ангиосаркомы печени, злокачественные новообразования мозга и легких. Среднесуточная предельно допустимая концентрация (ПДК) в атмосферном воздухе населенных мест - 0,01 мг/м³.

Ацетальдегид раздражает слизистые оболочки, вызывает пневмонию и отек легких. Максимальная разовая предельно допустимая концентрация (ПДК_{м.р.}) в атмосферном воздухе населенных мест-0,01 мг/м³, относится к 3 классу опасности.

Поэтому анализа таких сложных смесей в последнее время широко применяется газовая хроматография. Анализ проводили на хроматографе «Цвет-100, модель 165» с пламенно-ионизационным детектором.

Разделение и анализ соединений проводят в следующих условиях: Температура термостата колонки программируется от 100⁰С (14 мин изотерма) до 200⁰С (10 мин изотерма) со скоростью 15⁰С/мин; температура испарителя-180⁰С; температура детектора-210⁰С; расход газ-носителя (азота)-30 см³/мин; соотношение азот : водород : воздух = 1:1:10. Время удерживания винилхлорида - 2 мин 38 сек, ацетальдегида – 3 мин 48 с.

Методика газохроматографического анализа винилхлорида и ацетальдегида использовали для определения этих веществ в воздухе. Так как на химических заводах производства ацетальдегида и винилхлорида в окружающую среду выбрасывается сложная газовая смесь, содержащая в своем составе ацетальдегида, винилхлорида и других вредных веществ. Концентрацию каждого вещества в воздухе (мг/м³) вычисляют по формуле:

$$C = \frac{m}{V_0}$$

где m - масса вещества в пробе, найденная по градуировочной характеристике, мкг; V_0 - объем пробы воздуха, приведенного к стандартным условиям, дм³:

$$V_0 = \frac{V_t \cdot 273 \cdot P}{(273 + t) \cdot 760}$$

где V_t - объем пробы воздуха при температуре отбора, дм³; P - атмосферное давление в месте отбора проб, мм.рт.ст.; t - температура воздуха в месте отбора проб, ⁰С.

Контроль погрешности измерения концентраций определяемых веществ проводят на градуировочных растворах.

Методика газохроматографическое определения винилхлорида и ацетальдегида была использована при анализе воздуха рабочих помещений ОАО “НАВОИАЗОТ”.

ГАЗОХРОМАТОГРАФИЧЕСКОГО ОПРЕДЕЛЕНИЯ ВИНИЛАЦЕТАТА В ВОЗДУХЕ

Н.И.Файзуллаев

Самаркандский Государственный Университет, Самарканд

E-mail: dtoshmatova@inboks.ru

В большинстве промышленных технологий производство винилхлорида, ацетальдегида, ацетона и винилацетата сопровождаются выделением токсичных и канцерогенных веществ. Рациональное использование природных ресурсов и защита окружающей среды от загрязнения промышленными отходами являются важнейшей комплексной проблемой, стоящей перед человечеством, и требующей безотлагательного решения. Исходя из этого определения содержания и постоянный контроль количества ацетона, ацетальдегида, винилхлорида, винилацетата и других веществ в атмосфере и водных бассейнах является актуальным. Целью настоящей работы является газохроматографической анализ винилацетата в воздухе.

Винилацетат $\text{CH}_3\text{—COOCH=CH}_2$ - бесцветная жидкость с характерным запахом. $T_{\text{кип}} = 72,7^\circ\text{C}$; $T_{\text{пл}} = -100,2^\circ\text{C}$. Плотность при 20°C $0,934 \text{ г/см}^3$, хорошо растворим в этаноле, эфире и других органических растворителях, слабо растворим в воде. Обладает сильным раздражающим свойствам при воздействии на кожных покровы и слизистые оболочки. Предельно допустимая концентрация в воздухе рабочей зоны 10 мг/м^3 .

Метод определения винилацетата в воздухе рабочей зоны и газовых выбросах основан на поглощении вещества этиловым спиртом и анализе последнего методом газожидкостной хроматографией с пламенно-ионизационным детектором.

Стеклянную хроматографическую колонку длиной 3 м и внутреннем диаметром 4 мм промывают хромовой смесью, горячей водой, водным раствором гидроксида натрия, снова горячей водой, этиловым спиртом. Затем колонку высушивают в токе воздуха.

Прокаливают 20 г Цветохрома в фарфоровой чашке в муфельной печи при 800°C в течение 4 ч. Растворяют 3,53 г лестолил в хлороформе, а затем раствор добавляют к твёрдому носителю, помещенному в круглодонную колбе вместимостью 100 см^3 . Через 0,5 ч колбу присоединяют к ротационному испарителю и при перемешивании удаляет хлороформ.

Оптимальные условия хроматографического анализа: объем вводимой в хроматограф пробы 2 мкл; температура испарителя 120°C ; температура детектора 180°C ; температура термостата колонок 100°C ;

расход газа-носителя азота 32 см³/мин; расход водорода 30 см³/мин; расход воздуха 300 см³/мин. Время удерживания винилацетата 2 мин 40 с. Нижний предел измерения 0,006 мкг в анализируемом объёме пробы (2 мкг). Интервал определяемых концентраций в воздухе - 5-100 мг/м³.

Сопутствующие вещества (спирты, кетоны, карбоновые кислоты, дибутилфталат) определению винилацетата не мешают.

Массовую концентрацию винилацетата рассчитывают по формуле:

$$C_i = \frac{C \cdot h \cdot V}{V_0 \cdot h_i}$$

где C_i - массовая концентрация винилацетата в воздухе или газовых выбросах, мг/м³; h - средняя высота пика винилацетата, полученная при пятикратном хроматографировании каждой пробы, мм; h_i - средняя высота пика винилацетата, полученная при пятикратном хроматографировании соответствующего стандартного раствора определяемого компонента, мм; C - концентрация стандартного раствора винилацетат, мкг/см³; V - объём поглотительного раствора, см³; V_0 - объём газа, отобранный для анализа и приведенный к нормальным условиям (температура 20⁰С, атмосферное давление 101,3 кПа), м³.

Методика газохроматографического определения винилацетата была использована при анализе воздуха рабочих помещений ОАО "НАВОИАЗОТ".

АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИНИНГ АТРОФ-МУХИТГА САЛБИЙ ТАЪСИРИ

Омонов К.Х., Самиев О.И.

Термиз давлат университети, Термиз ш.

Автомобиллаштириш бир томондан техник тараққийтнинг инсонга кўрсатган фаровонлиги бўлиб, унинг узок масофага тезроқ етиб олишга катта тезликда ҳаракатланиши сабаб бўлиши билан бир қаторда, иккинчи томондан атроф-мухит ва инсониятга жуда катта зарар етказди.

Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотиға қараганда 70% дан ортиқ болалар касаллиғига автомобиллардан чиқаётган ишлатилган газлар сабабчи бўлар экан. 21-аср бошида энгил автомобиллар сони 500 млндан ошди. Автомобиллар сонининг ошиши авваламбор аҳоли даромади ошишиға сабаб бўлади. Масалан, Жанубий Кореяда 1990-1995 йиллар оралиғида ички ялпи маҳсулотнинг уч баровар ошиши автотранспорт воситалари паркиннинг 16 барабар ошишиға олиб келди. Ҳозирги вақтда автомобил двигателлари қуввати йиғиндиси жахондаги ҳамма электростанциялар ишлаб чиқараётган қувватдан 8 барабардан ошади.

Бир суткада жаҳон бўйича автомобиллар парки 2,5 млн. тонна ёқилғи сарфлайди. Атроф-мухитнинг химиявий ифлосланишининг энг юқори улуши автомобил транспортига тўғри келади. Захарли

компонентлар таркибига углерод оксиди, углеводородлар, азот оксиди, олтингугурт, альдегидлар, курум, бензо (а) пирен ва кўрғошин бирикмаси киради. Енгил автомобил бир йилда 15 минг км. масофа босиб ўтиш жараёнида 4,36 тонна кислород ёқади ва атроф-муҳитга 3,25 тонна углерод II оксиди, 0,8 тонна углерод оксиди, 0,2 тонна углеводородлар. 0,04 тонна азот оксиди чиқаради ва “иссиқ хона эффекти” ни ҳосил қилиб иқлим исишига сабаб бўлади. Автомобиллардан чиқаётган захарли газлар қайси турдаги ёқилғидан фойдаланилаётганлигига боғлиқ бўлади. Масалан, этилланган бензин қўлланилса, атроф-муҳит кўрғошин билан ифлосланади.

Автомобиллар чиқараётган захарли газлар атмосферанинг ерга яқин қатламига тарқалади. Саноат корхонаси чиқараётган корхоналар эса маълум бир чегараланган минтақада тўпланади. Агар шаҳарда бир вақтнинг ўзида юз минг автомобил ҳаракатланаётган бўлса, уларнинг иссиқлик таъсири 1 млн. литр иссиқ сув чиқарадиган эффектга тенг бўлади, чунки ишлатилган газлар таркибида иссиқ сув буғлари мавжуддир. Автомобиллардан чиқаётган шовқин қон-томир касалликларнинг келиб чиқишига, эшитиш қобилиятининг йўқолишига ва рухий зуриқишга олиб келади. натижада инсон умри 8-12 йилгача қисқаришига сабаб бўлади. Автомобил йўллари экотизмга сезиларли таъсир ўтказиши. Жуда катта миқдордаги ерларни автомобил йўллари ва автомобил турар жойлари эгаллайди. Йўл қурилиши натижасида ўсимликлар, жониворлар нобуд бўлади. Уларнинг озуқа манбаи йўқотилади ва табиий миграцияси тўсикқа учрайди. Автотранспорт сув ҳавзаларини ифлослантирадиган асосий манба бўлиб, курум, кўрғошин бирикмалари, чанг тушади. Сув муҳитига нефть маҳсулотлари транспорт воситалари қувур ўтказгичлари герметиклигининг бузилиши ва йўлда бузилиб қолиш натижасида содир бўлади. Унинг натижасида сувнинг физик ва кимёвий таркиби (ранги, ҳиди, таркиби ва бошқалар) ўзгаради. Юқорида келтирилган автомобил транспортининг атроф-муҳитга кўрсатадиган салбий таъсири ни камайтирувчи двигателларга нейтрализаторлар, катализаторлар ва мотор –генератор қурилмаси ўрнатилмоқда, шаҳарларда транспорт оқими тартибга солинмоқда бу эса ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

ҲОЗИРГИ ЗАМОН ЭКОЛОГИК ВАЗИЯТИДА ҚАДОҚЛАШНИНГ ЎРНИ

Абдуллаев И.Э., Жўраев Б.Х.

Термиз давлат университети, Термиз шаҳри.

Қадоқ – бу маҳсулотни ташқи муҳитдан ҳимоя қилувчи ҳамда уни ишлаб чиқарувчи томонидан реклама қилувчи ташқи қобик бўлиб, қадоқлаш материаллари сифатида қоғоз-картон, шиша, металл ва полимерлардан кенг фойдаланилмоқда. Ушбу материаллардан картондан

тайёрланган қадок идишлари экологик нуқтаи назардан бошқаларига қараганда кўпгина афзалликлари билан ажралиб туради: у қайта тикланадиган хомашёдан тайёрланиб, хомашё манбаларини тежайди, иккиламчи қайта ишлаш учун яроқли бўлиб, шу билан биргаликда тайёрлаш ва қайта ишлаш жараёнида атмосферани корбонат ангидрид гази билан жуда кам миқдорда ифлослантиради.

Атроф-муҳитни химоя қилиш нуқтаи назаридан картондан тайёрланган қадок идишлари бошқаларга қараганда янада афзалроқдир, чунки улар асосан целлюлозадан тайёрланади. Целлюлоза хом ашёси эса асосан ёғоч, ҳамда уни тайёрлаш ва қайта ишлаш натижасида ҳосил бўлган чиқиндилардан олинади.

Экологик экспертиза тасдиқлайдики картондан тайёрланган идишлар бир марталик ишлатиладиган ва полимер материаллардан тайёрланган идишларга нисбатан атроф муҳитни камроқ ифлослантиради. Қоғоз ва картоннинг парчаланиш муддати бошқа қадоклаш материалларига нисбатан камроқ бўлиб, металлнинг парчаланишига 90 йил, полимерларга 200 йил, шишага эса 1000 йил зарурдир. Ишлатилиб бўлинган қадок идишларини утилизация қилиш ва қайта ишлашда муаммоларга энг кўп учрайдиганлари полимер материаллар ҳисобланади, уларнинг аксарияти иккиламчи қайта тикланмайди ва қайта ишлашга яроқсиздир.

Истеъмолчи томонидан фойдаланиб бўлинган қадок идишлари ҳозирги вақтда маиший чиқиндиларнинг 50% ни ташкил этмоқда, ҳамда чиқиндиларни утилизация қилиш ва қайта ишлашда асосий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Маиший чиқиндиларининг 3% гина sanoat усуллари билан қайта ишланмоқда, қолганлари махсус полигонларда ёқиш йўли билан утилизация қилинмоқда. Чиқиндилар таркибида қоғоз ва картон 48%, шиша 15%, металл 8%, ёғоч 5%, пласмасса 24% ни ташкил этишини инобатга олсак қайта тикланмайдиган чиқиндилар умумий миқдорнинг чорак қисмини ташкил этади.

Маҳсулотларни қадоклаш ва ишлатилиб бўлинган қадок идишларини қайта ишлаш жараёнларлари бир бирига қарама - қарши мақсадларни кўзлайди:

1. Ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи қадок идиши мустахкам бўлишини, яъни унинг ташиш ва ишлатилиш жараёнида синмаслигини, бузилмаслигини, эзилмаслигини, ёнмаслигини, сувда эримаслигини;
2. Барча қадокловчи материалларнинг утилизация ва қайта ишлаш жараёнида уларнинг тўлиқ емирилиши, зичланиши ёки кимёвий парчаланишини кўзлайди.

Шунинг учун қадок идишларини ишлаб чиқарувчилар юқоридаги мақсадларга эришишда, яъни ишлатилиб бўлинган қадок идишларини самарали қайта ишлашнинг муросали усуллари қабул қилишади.

Қоғоз ва картондан тайёрланган қадок идишларининг бошқа қадоклаш материалларига нисбатан экологик афзалликлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтишимиз мумкин:

1. Ўзининг кичик массаси ва йиғилиш имкониятининг мавжудлигига қўра сақлаш усуллариининг соддалиги, ҳамда эксплуатация қилишнинг қулайлиги;

2. Бошқа турдаги қадоқлаш материалларига нисбатан утилизация қилиш ва қайта ишлашнинг осонлиги, ҳамда ушбу жараёнда атроф мухитга жуда кам миқдорда зарарли моддаларни чиқариши;

Шундай қилиб қадоқлашда қўлланиладиган барча материаллардан қоғоз-картоннинг бошқа қадоқлаш материаллари олдидаги афзалликлари сифатида қайта ишлаш муваффақиятини, қайта ишлаш ёки утилизация қилишнинг ҳар қандай усулини қўллай олиш имкониятини мавжудлигини, қайта ишлашда материалнинг олдинги физик-кимёвий хусусиятларини тўлиқ сақлаб қолиш имконияти мавжудлиги, қайта ишлаш, утилизация қилиш жараёнида ўзидан зарарли кимёвий ёки бошқа чиқиндиларни кам миқдорда чиқариши, ҳаттоки уларни ҳам атроф мухит экологиясига зарар етказмасдан бартараф этиш имкониятларини мавжудлиги билан асослаш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:


1. Трыкова Т.А., Товароведение упаковочных материалов и тары. – М.: Дашкова и Ко, 2008.
2. Голуб О.В., Васильева С.Б., Упаковка и хранение пищевых продуктов.– Кемерово, КТИПП, 2005.
3. Гуль В.Е. и др. Упаковка продуктов питания.–М.: 1996.
4. Хорунжин В.С., Фукс М.Л., Тара и ее производство.–Кемерово, КТИПП, 2004.
5. Ефремов Н.Ф., Тара и ее производство.- М: МГУП, 2001.
6. Букин А.А., Тара и ее производство.-Тамбов, ТГТУ, 2006.

ГАЗЛИ МУҲИТДА КАРБОНАТ АНГИДРИДНИ АНИҚЛОВЧИ ОПТИК СЕНСОРНИНГ ХОССАЛАРИНИ ЎРГАНИШ

*Насимов А.М., Ташпулатов Х.Ш., Абдулалимов О.О, Юсупова С.
Самарқанд давлат университети*

Карбонат ангидрид ўсимликлар ва бошқа автотрофлар учун фотосинтез жараёни учун муҳим манба бўлиб қолмасдан, у «иссиқхона эффекти» каби глобал муаммонинг ҳам асосий сабабчиларидан ҳисобланади. Бунга сабаб унинг концентрацияси кичик бўлишига қарамасдан 4,26 мкм тўлқин узунликдаги ИҚ нурларни ютиши ва 14,99 мкм тўлқин узунликдаги ИҚ нурларни чиқаришидир. Шунинг учун унинг концентрациясини доимий равишда назорат қилиш муҳим ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб карбонат ангидрид концентрациясини оптик аниқловчи, яъни флюоресценция усулида ишловчи турли сенсорларга қизиқиш ортиб бормоқда. Бундай сенсорлар жуда содда тузилган: яъни бирор люминесцент рН индикатор (масалан, метил қизили ёки пиранин)

гидрокарбонат буфери ёрдамида мембранага бириктирилади ва буфердаги водород концентрациясининг ўзгариши атмосферадаги карбонат ангидрид концентрацияси функцияси бўлиб хизмат қилади. Лекин бундай сенсорни узок давомида ишлатиб бўлмайди. Шундан келиб чиқиб индикаторни ион-жуфти кўринишида бириктириш яхши натижа бермоқда. Бунда липофил асос сифатида тўртламчи аммоний асослари – тетраоклиаммоний гидроксиди (ТОАОН), тетрабутиламмоний гидроксиди (ТВАОН), цетилтриметиламмоний гидроксиди (СТАОН) ва бошғалар ишлатилиб келинмоқда. Бундай ион-жуфтлари золь-гель ёки полимер этилцеллюлозадан тайёрланган гидрофоб мембранага бириктирилади.



Биз газли муҳитда карбонат ангидрид концентрациясини аниқлаш учун гибрид золь-гель мембранали оптик сенсор ишлаб чиқдик. Чунки золь-гель мембрана полимер мембранага қараганда қатор устунликларга эга. У ўзида индикатор сифатида пиранин – НРТС, тўртламчи аммоний асоси сифатида эса

цетилтриметиламмоний гидроксиди – СТАОН тутади. Золь-гель мембрана эса n-propylTriMOS – TEOS гибрид таркибга эга. Мембранани тайёрлаш жараёни қуйидагича олиб борилди.

Пиранин ион-жуфти гибрид золь-гель мембранага бириктирилганда унинг оптик хоссаларини сақлаб қолиши билан биргаликда бошқа полимер ёки силикатли мембранага бириктирилганда юзага келадиган турли муаммолар ҳал этилади. Чунки ORMOSIL шиша табиатан гомоген ва кейинги қуритилиш жараёнида ҳам анча турғун. Шунинг учун бундай материал иссиқлик ва бошқа механик таъсирларга чидамли. Сенсор намуналари 6 ойгача карбонат газига нисбатан сезгирлигини сақлаб қолди.

Оптик сенсор қатламларига температура таъсирини ўрганиш учун ўлчашлар 10, 20, 30 ва 40°C олиб борилди. Натижада барча оптик сенсорларнинг сезгирлиги температура ортиши билан пасайиши кузатилди.

Биз ушбу тадқиқотда карбонат ангидридни аниқловчи газ сенсорлар учун гидрофоб табиатли золь-гель нанокомпозитдан фойдаланиб газли муҳитда сенсорнинг ишлаш шароитлари хоссаларини ўргандик. Натижада карбонат ангидрид газ молекуласининг пиранин ион-жуфти билан специфик реакцияси у бириктиралёган муҳитга боғлиқ эканлиги ўрганилиб мембрана танланди. Тайёрланган сенсор билан турли шароитларда ўлчашлар олиб борилди. Шунингдек сенсорнинг ишлашига турли омилларнинг таъсири ўрганилди.

IONIZATION METHOD FOR DETERMINATION CARBON DIOXIDE

TashpulatovKh., Nasimov A.M., Abdulalimov O.O., Yusupova S., Nasimov H.M.

Samarkand State University named after A.Navoi

Several ecological problems and their solutions are directly related to the qualitative and quantitative content of gas phases, and therefore it is always essential to develop fast, cheap, reliable and convenient sensors. Chemical sensors possess such features and are able to control the industrial and household objects chemical content automatically.

Ionization methods are one of the most important methods to control the concentration of explosive and toxic gases. Basis of the method comes from the direct proportionality of the ionization current to the gas concentration not depending on the nature of the ionization.

Aluminum oxide, platinum and palladium catalysts have been used widely on carbon dioxide oxidation electrochemically, and to our knowledge palladium oxide could be one alternative. This causes decrease of the film resistance. The aim of the work is study of carbon dioxide sorption on the surface of palladium catalyst. Aluminum oxide is a universal sorbent, but palladium catalyst can be used between the temperature interval 700°C to 1200°C, since its open for carbon dioxide conduction. We can describe the processes as followed:

- The carbon dioxide molecule decomposes forming carbon monoxide and oxygen, and the oxygen atom given and electron to the catalyst. This causes to the improvement of the sorption carbon dioxide in electric field. Selective sorption of carbon dioxide causes to release of heat and therefore the change on resistance of platinum coil which is be technically detectable. The change on voltage of the bridge may be function of the concentration change of carbon dioxide. We built the following instrument to realize the theorem. Current controller of 300V was set mid of the electrode and sensor in order to increase limit of detection. Current of the sensor changes between 190 mA to 220 mA and this counterpart the change on the temperature of the catalyst temperature from 700°C to 1200°C. Investigations were fulfilled with and without the electric field.

In conclusion, new ionization sensor is based on the sorption on the sensor surface. Results were compared to other methods of the analysis as electrochemical sensors. The signal has linear character and well reproducible.

АНАЛИЗ ПХБ В ПРИРОДНЫХ ОБЪЕКТАХ С ПОМОЩЬЮ МЕТОДА ГАЗОВОЙ ХРОМАТОГРАФИИ С ЭЛЕКТРОННО- ЗАХВАТНЫМ ДЕТЕКТИРОВАНИЕМ

*Халманов А., Хайдаров Б., Абдихаликов Б., Тошкуватова Н., Ачилов Н.
Самаркандский государственный Университет имени Алишера Навои
Самарканд, Узбекистан. E-mail: xolmonov@rambler.ru*

Развитие лазерной техники привело к появлению ряда методов сверхчувствительного детектирования различных состояний атомов. Среди них наиболее перспективным и разработанным для практических применений являются лазерная резонансно-ионизационная спектроскопия (ЛРИС) в вакууме, атомно-ионизационная спектроскопия (АИС) в пламени и внутривибрационная лазерно-абсорбционная спектроскопия (ВРЛАС). Применение ВРЛАС для различных аэрозолей, таких как прозрачные аэрозоли соли металлов и факела от металлических поверхностей дает возможность определить время затухания, эффективность и коэффициент экстинкции для каждого аэрозоля. Перспективность методов определяется большими возможностями исследования ультрамалых концентраций атомов в различных фазовых состояниях вещества, а также для исследования процессов возбуждения и ионизации атомов. В методах используются различные атомизаторы для получения свободных атомов в различных фазовых состояниях вещества: графитовый атомизатор в вакууме, пламенный атомизатор с пневматическим распылителем, атомизатор «стержень-пламя», непламенная-графитовая печь, газоразрядная лампа с полым катодом, лазерная атомизация пробы и пневматический распылитель для аэрозольных частиц. Особый интерес в последнее время приобретает исследование оптических свойств различных аэрозолей методом ВРЛАС. Применение этого метода для различных аэрозолей, таких как прозрачные аэрозоли соли металлов и факела от металлических поверхностей дает возможность определить время затухания, эффективность и коэффициент экстинкции для каждого аэрозоля. Показано, что предел обнаружения все еще не был достигнут.

Методы ЛРИС и АИС отличаются высокой чувствительностью в связи с эффективным подавлением потерь, связанных с влиянием рассеяния лазерного излучения и излучением атомизатора. Особый интерес в последнее время приобретают исследования оптических свойств различных аэрозолей методом ВРЛАС и идентификация полихлорированных бифенилов (ПХБ) газохроматографическим методом. Настоящая работа посвящена систематическому исследованию нового физического процесса по детектированию ультрамалых концентраций атомов и аэрозолей методами высокочувствительной лазерной спектроскопии, также исследованию по детектированию ПХБ методами газового хроматографа с электрозахватным детектором. Объектами исследования являлись стандартные растворы ПХБ, почвы и продукты

питания. Для исследования молекулы ПХБ были использованы газовый хроматограф- детектор с электронным захватом. Дальнейшие перспективы методов обсуждаются, и окончательные результаты исследования будут представлены.

NEFT VA UNI QAYTA ISHLASH MAXSULOTLARI

Yadgarov K.A.

Termiz davlat universitet, Termiz sh.

Neft hamda gaz yer qobig'ining turli chuqurlikdagi qatlamlarida, turli - tuman g'ovak va boshqa tog' jinslari orasida uglevodorod gazlari bilan birgalikda 1,2÷2 kilometr chuqurlikda yotadi. Yer qa'rida, asosan, qora rangli moysimon suyuqlik bo'lgan neft uchraydi. Neft so'zi forscha — yonib ketish, alanganish ma'nosini anglatadi. Yer qa'rining cho'kindi qismida tarqalgan neft tashqi ko'rinishiga ko'ra o'ziga xos hidli quyuq moysimon suyuqlik bo'lib, turli tusdagi jiggar rang ko'rinishga ega.

Neftning organik qoldiqlaridan hosil bo'lish mexanizmi ulardan kislorod bilan azotning yo'qolib, uglerod bilan vodorodning yig'ilishiga asoslanadi. Yer qa'rida neft hosil bo'lishi organik hayotning keng rivojlana boshlagan davri, ya'ni taxminan bundan 350÷400 million yil oldin boshlangan.

Neftning 4,5÷5 kilometrda pastda bo'lganlari tarkibida yengil fraksiyalari oz miqdorda bo'lib, asosan, gazlar va gaz kondensatlari yig'ilgan bo'ladi. Bosim, harorat va ichki o'zgarishlar ta'sirida neft katta masofalarga siljishi mumkin. Odatda, Yer qa'ri-ning bir necha o'n metridan 5÷6 kilometrgacha chuqurlikda joylashadigan muhim foydali qazilmalardan hisoblanadi.

Neftning o'rtacha molekulyar massasi 220÷300 (ba'zan 450÷470 gacha ham yetadi) va neftning zichligi $770\div 920\text{kg/m}^3$, bo'lib, 830 kg/m^3 dan past bo'lgan turi yengil, $831\div 860\text{ kg/m}^3$ atrofida — o'rtacha va 860 kg/m^3 dan yuqorisi - og'ir neft deb yuritiladi. Neftning yonish issiqligi $43000\div 45500\text{ kDj/kg}$.

Neft tarkibida organik moddalar mavjudligi tufayli uni qaynash harorati bilan emas, balki suyuq uglevodorodlarning qaynash harorati bilan tavsiflanadi. Neft organik erituvchilarda eriydi, suvda erimaydi, ammo u bilan emulsiya hosil qilishi mumkin.

Har qanday tabiiy boylikni, shu jumladan neft va gaz manbalarini ham aniq bilish, chamalash va qanday geometrik shaklda joylashganligini o'rganish muhim ahamiyatga ega bo'lgan vazifadir. Zahiralarni aniq hisoblash konda olib borilgan izlash va qidirish natijalari asosida tayyorlanadi.

Respublikamizda neft va gaz sanoatining rivojlanishi ancha katta tarixga ega. 1870 - 1872 yillarda Farg'ona vodiysida 200 ga yaqin neft manbalari ma'lum edi.

Hozirgi kunda respublikamizda neftni qazib olish, neftni qayta ishlash va neft kimyo sanoatini rivojlantirishga katta e'tibor berilmoqda. O'zbekistonda neftni

qayta ishlash 1885yildan boshlangan. O'zbekistonda neft zaxiralari Farg'ona vodiysida (Shimoliy So'x, Janubiy Olamushuk, Polvontosh, Sho'rsuv, Chimyon), Surxon vohasida («Xovdach», «Uchqizil», «Kokayti», «Qoshg'ar»), Qoraqalpog'istonda (Ust-Yurt), Shimoliy Muborakda va boshqa yerlarda joylashgan. Respublikamiz hududida Oltiariq (1906) va Farg'ona (1958) neftni qayta ishlash zavodlari, Muborak gazni qayta ishlash zavodi (1972), Sho'rtan gaz kompleksi (oltingugurtdan tozalash qurilmalari bilan birga) (1980) va Buxoro neftni qayta ishlash zavodi (1997) qurilib ishga tushirildi.

Mustaqillikka erishilgandan beri respublikamizda neft va gaz sanoati rivojlanishiga alohida e'tibor berilib, yonilg'i ta'minoti mustaqilligiga erishildi.

Neft maxsulotlarining kimyoviy tarkibi

Neftning element tarkibi quyidagicha: uglerod $82 \div 87\%$; vodorod miqdori $11,0 \div 14,5$; oltingugurt miqdori $0,01 \div 6,0\%$ (ba'zan 8,0 gacha boradi); azot va kislorod miqdori $0,001 \div 1,8\%$ ga yetadi. Neft tarkibida 50 dan ortiq uglevodorodlar borligi tajribalar yordamida aniqlanilgan. Massa bo'yicha uglevodorodlarning umumiy miqdori $97 \div 98\%$ ni tashkil etadi.

Uglevodorodlarning C_1 dan (ya'ni metandan) C_4 gacha (butangacha) bo'lganlari atmosfera bosimida gaz holatda bo'ladi. Uglevodorodlarning C_5 dan C_{17} gachasi oddiy sharoitda suyuq holda, C_5 dan C_9 gachasi kondensat va C_{10} dan C_{17} gachasi neftning asosiy qismini tashkil etadi. Tarkibida uglevodorod 17 atomdan yuqori bo'lgan uglevodorodlar oddiy sharoitda qattiq holdagi modda bo'ladi.

Neft maxsulotlari tarkibidagi barcha uglevodorodlarning kimyoviy strukturasi bo'yicha quyidagi 3 xil guruxga bo'linadi:

1. Parafin uglevodorodlar.
2. Naften uglevodorodlar.
3. Aromatik uglevodorodlar.

ОЗОН ЁРДАМИДА ХЛОРСИЗ ЙОД ОЛИШ УСУЛИ ТАДҚИҚОТИ

Холбоева А.И., Қосимов Ш.А.

Термиз давлат университети, Термиз ш.


Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти эълон қилган маълумотларга кўра, дунёдаги аҳолининг $1/3$ қисмида, яъни 2 млрд. одам организмида йод танқислиги мавжуд. Бу ҳолат ўз навбатида йод танқислиги натижасида келиб чиқадиган оддий эндемик бўқоқдан то оғир кретинизмгача бўлган касалликларнинг юзага чиқишига сабаб бўлмоқда. Она организмида йод танқислиги оқибатида ҳомила йод моддаси билан етарли миқдорда таъминланмайди, натижада болалар ақлий заиф бўлиб туғилиши мумкин. Йод моддасининг одам организмдаги миқдори 15-20 мг ташкил қилиб, унинг 70-80% қалқонсимон безда сақланади. йод моддаси қалқонсимон без гормонларини ишлаб чиқариш учун субстрат ҳисобланади ва бир кунда организм учун 100-200 мкг йод керак бўлади. Йод етарли бўлганда

қалқонсимон без бир кунда 90-110 мкг тироксин (Т-4) ва 5-10мкг трийодтиронин (Т-3) ишлаб чиқаради. Йоднинг 80-90% буйраклар орқали организмдан чиқарилади. [1]

Организмда йод етишмовчилиги натижасида тиреотоксикознинг кўйидаги белгилари кузатилади: қалқонсимон безнинг катталашishi, кўз соққаси катталашishi, тахикардия, озиш, кўп терлаш, қўл ва бадан тремори (ўз-ўзидан қалтираши). Асаб ва юрак - қон томир тизими томонидан: бефарклик, тушкунлик, иштаха бўлмаслиги, заифлик, юрак уриши бузилиши, қон айланиши бузилиши белгилари кузатилади. [2]

Сурхондарё вилоятининг Какайди, Хаудак ва Учқизил сув ҳавзаларидаги сувлар таркибида йод борлиги аниқланган. Агар йод олишни саноат миқёсида ҳисобга оладиган бўлсак, бу сув ҳавзаларидаги сувлар таркибидан йилига, Какайди сув ҳавзасидан 3 тонна, Хаудак сув ҳавзасидан 4 тонна ва Учқизил сув ҳавзасидан 1,5 тоннагача йод олиш мумкин.


Саноатда кристалл йод йодидларга хлор таъсир эттириб олинади:



Йод олишда ишлатиладиган хлор атроф-муҳитни захарлайди. Агар йод олишда хлор ўрнига озондан фойдаланилса, йод билан биргаликда калий ишқори ҳам олиш мумкин:



Хлорсиз усулда йод олишда ишлатиладиган озон кислородни озонатордан (электр учқуни орқали) ўтказиш йўли билан олинади:



Шу билан бирга, реакцияда ажралган кислород қайта яна озонаторга юборилади. Бунда сарфланадиган электр энегиясини олишда қуёш батареясидан фойдаланилади.

Статистик, аналитик ва бошқа шу каби маълумотларни Microsoft Word/Excel 2003 программасидан фойдаланиб, Windows муҳитида тайёрланди.

СУРХОНДАРЁДА МАВЖУД ЙОД ЗАҲИРАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ

Холбоева А.И., Қосимов Ш.А., Эшқурбонов Ф.Б.

Термиз давлат университети, Термиз ш.

Сурхондарё вилоятида Ховдак массивидан бир йилда 2700 кг, Какайди массивидан 2500 кг ва Уч қизил массивидан 1500 кг гача йод ишлаб чиқариш имконияти мавжуд. Республикамиз бўйича йод моддасига бўлган талаб 1600 кг бўлиб, шундан 60% ини Сурхондарё вилоятидаги заҳиралар ҳисобидан қоплаш мумкин. Шунингдек, мазкур манбалардан йилига саноатбоп бром олиш мумкин.

Ҳозирда 1 кг кристалл йоднинг жаҳон бозоридаги нархи 298,2 минг сўм (ООО “ХИМРЕАКТИВИНВЕСТ” бўйича эса 850 минг сўм) ёки 135,4

долл. Республикамиз аҳолисининг йод моддасига бўлган йиллик эҳтиёжи 16000 кг. Демак, Ховдак массивидан бир йилда ишлаб чиқариш мумкин бўлган 2700 кг йод учун ҳисобланса 805140 минг сўм ёки 365580 долл.[1], Какайди массивидан бир йилда ишлаб чиқариш мумкин бўлган 2500 кг йод учун ҳисобланса 745500 минг сўм ёки 338500 долл.,

Уч қизил массивидан бир йилда ишлаб чиқариш мумкин бўлган 1500 кг йод учун ҳисобланса 447300 минг сўм ёки 201750 долл., 6700 кг кристалл йод учун 1997940 минг сўм ёки 905830 долл. Деб баҳолаш мумкин.

Йод озон ёрдамида оксидлаб олинади. Озоннинг ҳаводаги концентрацияси 0,5-1,1 мг/л. Таркибида жуда кам миқдорда йод бўлган сувлар таркибидан йодни танловчан ва самарали ажратишда йодидларнинг оксидланиш даражаси 70-95% ни ташкил этади.

1-жадвал

1 кг йод ишлаб чиқариш учун таклиф этилаётган усулда сарфланадиган харажатлар

№	Реактив	Нархи. 1 кг/минг сўм	Сарфланадиган миқдори, кг	Сумма, минг сўм.
1	Анионит (АВ-17 бўйича)	12,6	5,05	63,4
2	Натрий гидроксид	23,0	0,2	4,6
	Жами:			68,0

Вилоятимиз худудидаги гидроминерал хом ашёлар таркибида йод миқдори 10-60 мг/дм³ ни ташкил этади. Йод олишнинг маълум бўлган усулларида йодидлар хлор ёрдамида оксидланади. Бунда хлорнинг ортиқча миқдори натижасида йодидлар йодатгача оксидланиб, йоднинг ажралиш даражаси камаяди. Бундан ташқари, заҳарли хлор экологик хавф туғдиради. Шу билан бирга, саноат чиқинди сувлари таркибидан водород пероксид иштирокида трибутилфосфат ёрдамида экстракция усули ҳам мавжуд бўлиб, бу усулнинг камчилиги водород пероксиднинг парчаланиши ва портлаш хавфи ҳамда қимматлигидир.

Адабиётлар

1. Алиев С.У., Зайнутдинов Х.С. Эндемик бўқоқда қўлланиладиган йод сақловчи дори воситалари бозори таҳлили // Фармацевтика журнали. – Тошкент, 2008. - №4. - Б. 4-9.

АВТОМОБИЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШДА АТРОФ-МУҲИТГА АНТРОПОГЕН ТАҲДИДЛАР ВА УЛАРНИ ЯХШИЛАШ ЧОРА- ТАДБИРЛАРИ

Абдиқодиров Ш. А., Жалилов Э.Э.

Термиз давлат университети, Термиз ш.

Атроф-муҳит, табиий ва маданий экологик тизимлар (ландшафтлар) ҳақидаги тушунчалар глобал масалага айлангани сир эмас. Зеро, аҳоли сонининг кўпайиши билан табиий ресурсларнинг чекланганлиги ўртасидаги тафовут кундан-кунга ошиб бормоқда. Атроф–муҳитга (тупроқ, сув, биологик ресурслар ва атмосфера ҳавосига) антропоген (одам фаолияти туфайли келиб чиқадиган) таъсирлар ҳаддан ортиқ кучаймоқда. Натижада атроф–муҳитнинг ифлосланиши ва сифатининг кескин пасайиши кузатилмоқда. Бу эса, энг биринчи навбатда, одамга, унинг саломатлигига катта хавф туғдирмоқда.

Республикамизнинг муайян худудларида экологик мувозанатнинг бузилиши, Орол денгизининг қуриши туфайли келиб чиққан экологик вазиятнинг мавжудлиги, тупроқ ва сув ресурслари сифатининг, шунингдек sanoat , транспорт, қурилиш ва маиший соҳалар ҳамда чиқиндилар, уларни қайта ишлаш тизимларининг коникарсизлиги туфайли мавжуд экологик вазият меъёрий талабларга жавоб бермаяпти.

Атроф-муҳитга антропоген таъсирлар ва экологик хавфсизликка оид тушунчаларни аниқ ва мавҳум тушунчаларга ҳам ажратиш мумкин. Аниқ тушунчалар, аниқ объектлар ёки ҳодисаларни акс эттиради, масалан, “озон қатлами”, “ёгин”, “атмосфера” ва бошқа тушунчалар. Мавҳум тушунчалар эса фикрлаш орқали объектлар ва ҳодисаларнинг белгилари ва хусусиятларини ифодалайди. Масалан, “озон қатламининг бузилиши”, “кислотали ёмғир”, “атмосферанинг ифлосланиши” каби тушунчалар. Бундай тушунчаларнинг мавҳумлик даражаси турлича бўлиши мумкин. Тушунчада мавҳумлик аломатлари қанча кўп бўлса, мазкур тушунчанинг мавҳумлик даражаси ҳам шунча юқори бўлади.

Атроф-муҳитга антропоген таъсирлар ва экологик хавфсизликка оид тушунчалар ўртасидаги алоқа ва муносабатлар тегишли қонуниятларда ўз ифодасини топади. Бундай қонуниятлар ҳам мавҳум тушунчалар сирасига киради.

Тушунчаларда муҳим ва муҳим бўлмаган белгилар фарқланади. Экологик хавфсизлик объектлари ёки ҳодисаларининг туб хусусиятларини ифодаловчи белгилар муҳим белгилар деб аталади. Масалан, “атмосфера ифлосланишининг экологик оқибатлари” тушунчасининг муҳим белгилари, биринчидан, иқлимнинг исиши (парник эффекти), иккинчидан, озон қатламининг бузилиши, учинчидан, кислотали ёмғирларнинг ёғишидир. Тушунчадаги қатор белгиларни ажратиб яхлит ифодалаш мазкур тушунчанинг моҳиятини англатади.

Экологик хавфсизликка оид тушунчалар икки асосий турга: умумий ва хусусий тушунчаларга бўлинади. Умумий тушунчалар бир хил ном

билан аталадиган турдош экологик объектлар ёки ҳодисаларнинг бутун бир мажмуини ўз ичига олади. Улар баъзан “экологик терминлар” деб ҳам юритилади.

Ҳар қандай корхона, ташкилот халқаро стандарт талабларига мувофиқ ўзларининг экологик йўналишини ишлаб чиқиши, тайёрлаши ва қабул қилиши керак. Умумий ҳолда корхона экологик йўналишини унинг умумий экологик самарадорлиги билан боғлиқ бўлган мақсадлари ва тамойиллари тўғрисида баёноти ҳисобланади ва у ҳаракатлар, мақсадли ва режа экологик кўрсаткичларини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Илғор тажрибаларга мувофиқ ва халқаро стандарт тавсияларига кўра, экологик сиёсатни ишлаб чиқишни корхонанинг атроф табиий муҳитига таъсирини дастлабки баҳолашни (ёки дастлабки экологик шакллари)

тузишдан бошлаши керак. Бундай дастлабки баҳолаш қуйидаги соҳаларни ўз ичига олиши мумкин: қонун ҳужжатлари ва регламентлари талабларини идентификациялаш; корхона фаолияти унинг маҳсулотлари ёки хизматлари экологик соҳаларини идентификациялаш (атроф табиий муҳитга сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ва жавобгарликка тортишга олиб келадиган соҳаларини аниқлаш); атроф-муҳитни муҳофаза қилишни бошқаришнинг мавжуд тартиби ва процедуралари самарадорлигини баҳолаш (ички мезонлар, ташқи меъёрлар, регламентлар, қоидалар ва раҳбарий кўрсаткичлар тўплами бўйича ўтказилади); харид ва алоқа фаолиятига тегишли мавжуд сиёсат ва процедураларни идентификациялаш; ўтмиш номувофиқликлар ҳолларини ўрганишдан кейинги тескари алоқалар; рақобат афзалликлари учун имкониятлар; манфаатдор томонларнинг нуқтаи назарлари; корхонада экологик самарадорликка ёрдам берувчи ёки унга тўсиқ бўладиган бошқа тизимларнинг вазифалари ёки операциялари.

Корхонада экологик йўналишини ишлаб чиқишда халқаро стандартларга қисман кирган ва бу соҳада илғор амалий тажрибали умумлаштиришга асосланган қуйидаги тавсияларни ҳисобга олиш фойдали бўлади:

- ташкилотнинг атроф-муҳит муҳофазаси, ресурсларни тежаш, экологик хавфсизликка муносабати;
- манфаатдор томонларнинг талабларини ҳисобга олиш ва улар билан алоқалар ўрнатиш;
- атроф табиий муҳитнинг ифлосланишини бартараф этиш тамойилларига содиқлик;
- ташкилотнинг маҳсулотлари, хизматлари ва жараёнлари салбий экологик таъсирини минималлаштириш;
- экологик стандартлар, қонунлар, регламентларга риоя қилиш бўйича мажбуриятлар (энг кам даражада);
- маҳаллий ва минтақавий ҳокимият билан ўзаро таъсир, маҳаллий ва минтақавий шароитларни ҳисобга олиш бўйича мажбуриятлар;
- ишчиларнинг саломатлиги учун хавфсиз бўлган меҳнат шароитларини таъминлаш бўйича мажбуриятлар;
- ходимларни ва савдо шерикларини ўргатиш, ўқитиш бўйича мажбуриятлар ва ҳакозалар.

Шу сабабли корхонада экологик йўналишни ташкил қилиш бир томондан ресурслардан тежамли ва оқилона фойдаланишга шарт шароит яратса, иккинчи томондан соф экологик маҳсулотларнинг ишлаб чиқилишига, учунчи томондан эса атроф муҳит хавфсизлигининг таъминланишига замин яратилади. Яъни табиий атроф-муҳофазаси манфатларини ҳозирги ва келгуси авлодлар эҳтиёжларига мос экологик йўналишни интеграциялашни янада кенгайтиришга қаратилган ҳар қандай чора-тадбирлар жамият фаровонлигига хизмат қилади.

КИМЁ ДАРСЛАРИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА ОИД ТОПШИРИҚЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

*Қувватов Ш.А., Маматашурова Н.Б.**

Термиз давлат университети, Термиз ш.

**Шеробод туманидаги 2-мактаб, Шеробод т.*

Республикаимиз мактабларидаги кимё фанининг ўқитилиш аҳволини ўрганиш шуни кўрсатадики, айрим ташаббускор ўқитувчилар кимё ўқитишда қишлоқ хўжалигида оид топшириқлардан, системали бўлмасида, фойдаланиб келмоқдалар. Аммо, ҳали ўқувчилар билан мустақил ишлашнинг бу муҳим тури оммавий тус олгани йўқ. Чунки бу масалада ўқитувчи учун махсус методик қўлланма яратилган эмас.

Мактаб кимё дастурлари ва дарсликлари мазкур муаммо юзасидан таҳлил қилиниб, қишлоқ хўжалиги, хусусан пахтачиликни кимёлаштириш масалаларига доир 300 дан ортиқ топшириқлар – савол ва масалаларни тегишли мавзулар бўйича тузиб чиқдик. Улар мактабларда педагогик синовлардан муваффақиятли ўтказилди.

Топшириқларнинг асосий мақсади - ўқувчиларни қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш масалалари билан чуқурроқ таништиришга, уларнинг қишлоқ хўжалик меҳнатига, касб танлаш малакаларини шакллантиришга, ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ва мустақил равишда билим олиш малакаларини ўстиришга қаратилган.

Тажрибамизда топшириқларнинг қуйидаги турларидан фойдаланмоқдамиз.

1. Саволларга аниқ жавоб талаб қиладиган топшириқлар: бундай топшириқларни бажаришда ўқувчилар қишлоқ хўжалигига оид илмий - оммабоп адабиётлар, ўқув қўлланмаларни мустақил ўқиш йўли билан бажарадилар. Шу билан бирга қишлоқ хўжалик мутахассисларидан бевосита консультациялар оладилар;
2. График кўргазмалар тузишни талаб қиладиган топшириқлар (схемалар, диаграммалар, жадваллар, стендлар ва бошқалар);
3. Минерал ўғитлар, захарли кимёвий моддалар, гербицидлар, дефолиантлар ва бошқа кимёвий препаатларнинг қишлоқ хўжалигида қўлланилиши, таркиби, номини кўрсатувчи, коллекциялар тузишни талаб қиладиган топшириқлар;
4. Қишлоқ хўжалигини кимёлаштиришнинг айрим масалалари бўйича, кимёвий элементларнинг биогенетик аҳамияти, тупроқларнинг кимёвий таркиби ҳақида рефератлар тузишни талаб қиладиган топшириқлар;
5. Қишлоқ хўжалигида хусусан пахтачилик ва чорвачиликда ишлатиладиган кимёвий моддаларнинг фоиз концентрацияли эритмаларини тайёрлаш бўйича ҳисоблашга оид топшириқлар;
6. Минерал ўғитлар, захарли кимёвий моддаларнинг мактаб ўқув-тажриба участкасида ишлатилиши бўйича топшириқлар;
7. Моддаларнинг формулаларини тузиш, кимёвий формулалар ва тенгламалар бўйича ҳисоблашга оид топшириқлар;

8. Тупроққа ўғит солиш нормаси ва миқдори ҳисоблашга оид топшириқлар ва хоказо.

Топшириқлар 7-9-синф кимё курси бўйича тузилган бўлиб, ўқувчиларнинг кимёдан билими ва амалий малакаси ортиб борган сари чуқурлашиб, мураккаблашиб боради. Ўқувчилар кимёни ўрганиш давомида топшириқлар системасини аста-секин бажара бориб, қишлоқ хўжалигини кимёлаштиришнинг асосий масалалари - тупроқнинг кимёвий таркиби, тупроқларнинг кимёвий мелиорация ҳолати, уруғликларни зарарсизлантириш, тупроқдаги кимёвий элементларнинг ўсимликлар ҳаётидаги роли, тупроқдаги ҳаво режими, сув режими, минерал ўғитлар, захарли кимёвий моддалар, гербицидлар, дефолиантлар ишлатиш, парник-тепица хўжалигида, чорвачилиқда кимёнинг қўлланилиши каби масалалари ҳақида муайян билим системасига эга бўладилар.

ТАБИЙ МАНБАЛАРДА ЙОДНИНГ ТАРҚАЛИШИ

*Умбаров И.А., Омонов У.М., Умбарова М.И.**

Термиз давлат университети, Термиз ш.

**Қумқўрғон педагогика коллежи, Қумқўрғон т.*

Йоднинг табиатда тарқалиши анча олдин академик В.И. Вернадский томонидан ўрганилган [1]. Йоднинг минералларда, денгиз ва дарё сувларидаги миқдори ҳақидаги маълумотлар биринчи марта олинди. Йоднинг кичкина миқдори, тирик организмларда, тупроқда сувда ва тоғ минералларида учрайди. “Йод ҳар жойда мавжуд” деб ёзган эди у ҳақида академик А. Е. Ферсман [2].

Бу элемент ўсимликлар, ҳайвонлар инсон ҳаётида муҳим рол ўйнагани учун йоднинг табиатда тарқалиши батафсил ўрганилган. Йоднинг табиатда тарқалиши унинг инсон, ҳайвонлар ва ўсимликлар ҳаётидаги муҳим роли билан боғлиқ ҳолда кенг ўрганилган. Олиб борилган ишларнинг аҳамияти тоғли ва ботқоқзор ҳудудларида яшовчи аҳоли ўртасида йоднинг етишмовчилиги оғир бўқоқ хасталигига олиб келиши аниқланганлигидан сўнг яна бир бора маълум бўлди [3].

Ўзида йод бириктирган минераллар жуда кам сонлидир ва табиатда кам учрайди. Бундай минераллар яққалик ёки галоген аралашмали кумуш ёки мис бўлади, улар кумушли рудали конларда топилган. Маълумки лаутарит $\text{Ca}(\text{JO}_3)_2$ минерали Жанубий Америка селитра конида учрайди [4].

Йод тарқоқ элемент (1-жадвал). И.В. Вернадский маълумотларига кўра ер шарида йоднинг миқдори 10^{14} - 10^{15} тоннани ташкил қилади. [1]. Табиатда йод доимий айланиб туради [4]. Йод элементар йод ҳолида табиатда айланади. Бу йодид ионларининг ҳаво кислороди билан элементлар йодгача қайтарилиши билан тушунтирилади. Олинган маълумотларга денгиз сувларида йод бир неча формада (J^0 , J^- , J^+ , J^{5+}) бром эса фақат бромид Br^- шаклида бўлади. Денгиз сувларида йоднинг миқдори

0,01-0,07м²/л ташкил қилади. Ўзбекистон худудида Устюрт, Бухара, Қарши, Сурхондарё ва Фарғона водийлари мув ҳавзаларида саноат миқёсида сув захираси мавжуд [5].

Жадвал 1.

Йоднинг табиатда тарқалиши [5%(масса)].

№	Муҳит	J	Адабиётлар
1	Примсорский район ҳавоси	$2 \cdot 10^{-7}$	10
2	Қуруқ иқлимли районлар ҳавосида	$2 \cdot 10^{-8}$	11
3	Дарё сувида	10^{-7}	6
4	Денгиз сувида	10^{-6}	6
5	Қор ва ёмғир таркибида	$8,5 \cdot 10^{-8}$	12
6	Нефть конлари йўлдош сувларида	$1,5 \cdot 10^{-3}$	12
7	Кўл шўр сувларида	$7,5 \cdot 10^{-8}$	13
8	Ўсимликларда	$5 \cdot 10^{-6}$	10
9	Денгиз ўсимликларда	$(2-5) \cdot 10^{-1}$	10
10	Торфларда	$3,4 \cdot 10^{-4}$	12
11	Тупроқда	$1,8 \cdot 10^{-4}$	12
12	Ботқоқ ўсимликларида	$10^{-3} \cdot 10^{-2}$	12
13	Тоғ минералларида	$3 \cdot 10^{-5}$	15
	(кристалларда)	$n \cdot (10^{-4})$	16
	чўкмаларда	$n \cdot (10^{-5})$	11
14	Тузларда	$2 \cdot 10^{-3}$	17
15	Қуруқликдаги ҳайвонларда	$1 \cdot 10^{-5}$	7

Сурхондарё ҳавзасидаги минералли саноат сувлари кальций-магнийли таркибга эга. Шундай эритманинг 1л да 145-250 г туз кўпроқ миқдорда йод, бром, бор, стронций, калий бошқа элементлар учрайди. Эритмалар таркибида турли хил тузларнинг миқдорининг кўплиги саноат миқёсида йод ва бошқа қимматли элементларни ажратиб олишни қийинлаштиради. Нефть йўлдош сувларида йод ва бром захирасининг кўплигига қарамадан Ўзбекистонда нефть йўлдош сувларидан қимматли компонентларни ажратиб олиш технологияси йўлга қўйилмаган.

Адабиётлар

1. Вернадский В.И. Очерки геохимии. М: Горгеонефтиздат, 1934. -380с.
2. Ферсман А.Е. Геохимия. М: Госхимиздат, 1939. -399с.
3. Популярная библиотека химических элементов. //Под ред Петриянов И.В.и Сакалов Н.Т.
4. Ксензенко В.И, Стасиневич Д.С. Технология брома и йода.-М: ГХИ, 1960. -303с.
5. Туляганов Х.Т., Хожибоев Н.Н., Бедер Б.А., Хасанова А.А. Подземные воды. Минерально-сырьевые ресурсы Узбекистана. Т.:Фан,- 1977. 4.2. -С. 198-220.

БУҒДОЙ СОМОНИДАН ЦЕЛЛЮЛОЗА ОЛИШ

Ғаффорова Ш.В., Қурбонмуродов М.М.

Термиз давлат университети, Термиз ш.

Дунё мамлакатларида сомон массасидан олинган целлюлоза ва ярим маҳсулотлардан қоғоз саноатида, яъни ёзув қоғози, ҳар хил ўрамлар учун қоғоз маҳсулотлари, қалин қоғоз, гофрланган қалин қоғоз ва бошқа турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришда кенг фойдаланилмоқда.

Буғдой сомони асосида олинган целлюлоза толасининг узунлиги 1,3 мм, эни 13 мкм. Ундаги целлюлоза миқдори 38-42 % ни, кули 6-11 % ни ташкил этади. Жараён NaOH иштирокида олиб борилади, қайнатишдан сўнг эса диски тегирмонлар Turbo Pulper дан ўтказилади. Сомондан целлюлоза ҳамда яримтайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун бир қанча янги жихозлар ва аппаратлар ишлаб чиқарилган бўлиб, булар: SAICA, Emcr, Bivis, Escher-WYSS, Aicell.

Целлюлоза олиш жараёни қуйидаги тартибда амалга оширилади:

Буғдой сомони майдалаб олинади. Сўнгра 300 мл 4 % ли NaOH (ўювчи натрий) эритмаси қуйилган 500 мл ли қолбага солиниб электр плитага қўйилади. Ишқорий пишириш жараёни 100⁰С да 2 соат давом этади. Ҳар 5 минутда қолбадаги масса аралаштириб турилади. Жараён сўнгида ҳосил бўлган целлюлоза, дастлаб иссиқ сувда сўнгра 50 мл 1,5 % ли нитрат кислотада ва бир неча бор совуқ сувда лакмус қоғоз нейтрал муҳит бергунга қадар ювилади. Целлюлоза сиқиб олиниб, қуритиш шкафида 70-90⁰С да 1,5 соат давомида қуритилади ва унинг чиқиш фойизи қуйидаги формула ёрдамида аниқланади;

$$c = v_1/v_2;$$

v_1 - буғдой сомонининг жараён аввалидаги миқдори, г;

v_2 - жараён сўнгида ажраб чиққан целлюлоза миқдори, г;

c - буғдой сомони асосида олинган целлюлозанинг миқдори, %.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ–ТРАНСПОРТ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Қўзиев А. Ў., Тўлашев С. Р. ТермДУ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида айтганларидек “Вилоятда маҳаллий аҳамиятга молик бўлган автомобиль йўллари таъмирлаш учун жорий йилда 4 миллиард 700 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилган бўлса, келгуси йилда бу рақам қарийиб етти баробар ортиб, 30 миллиард 800 миллион сўмни ташкил этиши мўлжалланмоқда”². Йўл-коммуникация қурилишига эътибор

² 2013 йил 19-декабрь куни Термиз шаҳрида Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги И.А.Каримов нутқи (Ўзбекистон овози, 2013 йил 21-декабрь, 155 (31.745)).

қаратилаётгани нафақат инфратузилмани яхшилаш, балки янги-янги иш ўринларини ташкил этиш имконини бермоқда. Шунингдек, Мажлисида замонавий транспорт-коммуникация тармоқларининг иқтисодиётимизни изчил ва барқарор ривожлантиришдаги аҳамияти, Сурхондарё вилоятида бу соҳада олиб борилаётган ишлар таҳлил қилиниб, мазкур йўналишдаги энг йирик лойиҳалар хусусида фикр юритилди.

Республикамиз Президенти томонидан мустақилликнинг илк одимлариданоқ транспорт инфратузилмасини, биринчи навбатда автомобиль ва темир йўл транспортларини ривожлантиришга ҳамда улардан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда республикамизда автомобилсозликни ва транспорт коммуникацияларини ривожлантириш бўйича кўпгина салмоқли ишлар амалга оширилди.

Асака ва Самарқанд шаҳарларида автомобиль заводларининг қурилиши Ўзбекистонни дунёнинг автомобиль ишлаб чиқарадиган 28-давлати сафидан жой олишига сабаб бўлди.

“Шарқ-Ғарб” транспорт йўлаги “Буюк ипак йўли” нинг таркибий қисми ҳисобланади. Тошкентдан бошланадиган магистрал йўли Андижон, Қирғизистоннинг Ўш ва Хитойнинг Қашқар шаҳарлари орқали ўтиб, тинч океанига туташади. Бу борада ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. Резак-Қамчиқ довонларида умумий узунлиги 2480 м бўлган тунеллар қуриб битказилди ва Қамчиқ довони орқали Фарғона водийсини мамлакатимизнинг бошқа вилоятлари билан боғлашга эришилди.

Мустақилликнинг илк одимлариданоқ мамлакатимиз ҳудудида ягона темир йўл тизимини барпо этиш режалаштилган бўлиб, бунга кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 6-августдаги 394-сонли қарорига асосан “Навоий-Учқудуқ-Султон Увайстоғ-Нукус” темир йўли қуриб битказилди ва у орқали шимолий минтақаларни мамлакатимизнинг марказий ҳудудлари билан боғлашга эришилди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 17-августдаги 323-сонли қарорига мувофиқ аср қурилиши деб эътироф этилган, Марказий Осиё минтақаси учун ғоят муҳим бўлган “Тошгузар-Бойсун-Қумкўрғон” темир йўл линияси Ўзбекистон Мустақиллигининг 16 йиллиги арафасида қуриб битказилди ва мазкур йўналиш бўйича ишчи поездларининг қатнови йўлга қўйилди. Мазкур йўналишларда юк ва йўловчиларни ташиш кўшни давлатлар ҳудудидан ўтмасдан энг қисқа масофаларда амалга ошириш ва ташиш харажатларини камайтириш имкониятини берди. “Тошгузар-Бойсун-Қумкўрғон” темир йўли фақат Ўзбекистон учун эмас, балки минтақамиз тараққиётида, қолаверса, неча асрлар мобайнида Шарқ билан Ғарбни боғлаб турган қадимий Буюк Ипак йўлини қайта тиклашда муҳим аҳамиятга эга.

Ана шу улкан ва мураккаб лойиҳани амалга ошириш натижасида юк ташиш ҳажми 2007 йилга нисбатан 1,7 баробарга ошди, маҳаллий хом ашёларни қайта ишлаш натижасида 90 дан зиёд янги корхоналар ишга туширилиб, мавжудлари модернизация қилинди. Натижада 55 минг аҳоли доимий иш билан таъминланиб, барқарор даромад манбаига эга бўлди.

Ўзбекистон Президенти И.Каримов айтганларидек "... амалга оширилган бу лойиҳа кўп асрлар давомида мудраб ётган тоғлар орасидан кесиб ўтиб, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг четда қолиб келаётган бой ер ости минерал ресурсларини, нефть ва газ, рангли металл, кўмир ва калий тузи, қурилиш материаллари ва бошқа сифатли, қимматбаҳо фойдали қазилмаларни ўзлаштириш учун катта имкониятлар очиб беради". Масалан, Сариосиё туманида умумий қиймати 146 миллион долларга тенг бўлган, Хонжиза конида полиметал рудалари, яъни рух, қўрғошин, мис ва кумушнинг катта захирасини қайта ишлаш бўйича йирик лойиҳалар амалга оширилди.

Бугунги кунда мамлакатимиз миқёсида темир йўлларни электрлаштириш бўйича ҳам йирик лойиҳалар амалга оширилган бўлиб, бунинг натижасида электрлаштириш ҳозирги вақтдаги 35% дан 2017 йилга бориб 54% га етиши белгиланган. Жумладан, Осиё тараққиёт банки ва Япония халқаро ҳамкорлик агентлигининг маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган, умумий узунлиги 466 километр бўлган Мароқанд–Қарши–Термиз темир йўл тармоғини электрлаштириш лойиҳаси муҳим аҳамиятга эга бўлиб, мазкур лойиҳани амалга оширилиши юк ва пассажир ташиш транспорт харажатларини 35% га қисқартириш имконини беради.

Амударё узра узунлиги 681 метрлик замонавий автомобиль-темир йўл кўприги барпо этилди. Тошкент-Самарқанд, Тошкент-Бухоро ва Тошкент-Қарши каби йўналишларда экспресс-поездлар қатнови йўлга қўйилди.

2009 йилда янада ишончли транспорт хизмати кўрсатиши учун қабул қилинган қўшимча чора тадбирлар билан бир қаторда халқаро аҳамиятга молик умумий фойдаланишда бўлган 400 километрдан ортиқ автомобиль йўлини модернизация қилиш ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, Бейнов-Бухора-Самарқанд-Тошкент-Андижон йўналиши бўйича 4 қаторли халқаро автомобиль йўлини, шунингдек, Бухора-Олат ва Самарқанд-Ғузор йўлларининг стратегик участкаларини қуриш, Тошкент-Термиз автомобиль йўлини қайта қуриш ишлари олиб борилмоқда.

Буларнинг барчаси Республикамизда, жумладан, жанубий минтақаларимизда, хусусан, Сурхон воҳасида транспорт инфратузилмасини янада такомиллаштириш, мамлакатимиз транзит салоҳиятини ва жаҳон бозорида янги марраларга чиқиш имкониятини оширишга шунингдек, халқимиз турмуш даражасини юксалтиришга хизмат қилади.

Молиявий-иқтисодий инқироз оқибатларини бартараф этиш Дастурида энг устивор вазифа сифатида мамлакатни модернизация қилиш ва аҳоли бандлигини оширишга қаратилган муҳим омил-ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш масаласи кўзда тутилган [2]. Чунки инфратузилмани ривожлантириш янги корхоналарни жойлаштириш ва иқтисодиётни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиб, мамлакатни бой минерал-хом ашё ресурсларини ўзлаштириш имкониятини кенгайтиради. Ишлаб чиқариш инфратузиламаси, - бу, авваламбор, автомобиль ва темир йўлларнинг

ривожланган тизими бўлиб, уларни самарали фаолияти ишлаб чиқаришдаги умумий харажатларни камайтиради, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот рақобатдошлигини оширади.

Хулоса ўрнида, Мамлакатимиз Президенти И.Каримов мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан дунё бозорига янги йўллар очиш, юртимизни бошқа давлатлар, минтақалар билан боғлайдиган транспорт коммуникациялари барпо этиш масаласига алоҳида эътибор қаратганлиги ва амалга оширилган бу каби улкан бунёдкорлик ишлари 2008 йилда бошланган молиявий инқироз, унинг таъсири ва салбий оқибатларини Ўзбекистон шароитида бартараф этиш ва уни енгиллатишда муҳим восита бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлаш жоиздир.

Адабиётлар

1. Каримов И. А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари.-Тошкент: Ўзбекистон, 2009.-55 б.
2. Бўтаев Ш. А., Қўзиёв А. Ў. Иқтисодий ҳудуднинг транспорт инфратузилмасини оптимал ривожлантириш моделлари ва услублари.- Тошкент, Фан, 2009. - 140 б.


САНОАТДА МИСНИ РУДАДАН АЖРАТИБ ОЛИШ

Эшмуродов Х.Э.


Термиз давлат университети

Саноатда мисни рудадан ажратиб олиш бир неча босқичда олиб борилади. Рудاداги миснинг миқдори 2% дан ошмайди. Шунинг учун аввал руда бойитилади. Бойитиш асосан флотация усулида амалга оширилади. Сўнгра таркибидаги олтингугуртни чиқариб юбориш учун чала куйдирилади. Бунда олтингугуртнинг бир қисми SO₂ ҳолида ажралиб чиқади ва у сульфат кислота ишлаб чиқариш учун ишлатилади. Куйдирилган рудани шахтали печларда қум ва кокс қўшиб суюқлантирилади. Бунда руда таркибидаги темирнинг бир қисми FeSiO₃ ҳолида шлакка ўтади.

Мис эса Cu₂S га айланади. Бу сульфид FeS билан қўшилиб печнинг тубида, шлакнинг остида штейн ҳосил қилади. Штейндан темирнинг қолган қисмини чиқариб юбориш учун унга қум қўшиб, қиздирилган конверторда яна кислород билан куйдирилади. Бунда штейндаги темир II сульфид темир II оксидга айланиб сўнгра силикат ҳолида шлакка ўтади:



Мис эса куйидаги реакциялар асосида тоза ҳолда ажралиб чиқади.



Бу реакцияда чиқаётган иссиқлик конвертордаги температуранини 1100-1200 С° да ушлаб туради ва бунда ёкилғи бирмунча тежалади. Жараён тугагач тоза мис сууқ ҳолида кум қолипларга қуйиб олинади.

Бундан ташқари, мис гидрометаллургия усулида ҳам олинади. Бу усулда таркибида мис бўлган рудани қайноқ сульфаткислота ёки аммиакли аралашма билан ишланади. Натижада руда таркибидаги мис CuSO_4 ёки $[\text{Cu}(\text{NH}_3)_4]\text{SO}_4$ ҳолида эритмага ўтади. Эритмага темир таъсир эттириб ёки уни электролиз қилиб, эркин ҳолда мис метали ажратиб олинади.

ҒЎЗАГА МИНЕРАЛ ВА МАҲАЛЛИЙ ЎҒИТЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ТУПРОҚНИНГ АГРОФИЗИК ХОССАЛАРИГА ТАЪСИРИ

К.М.Таджиев, Ш.А.Каримов, А.А.Махмадалиев

Термиз давлат университети

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг янада интесивлаштириш деҳқончилик маданиятини ошириш мақсадида ўғит, сув, техника ва ердан тўғри фойдаланиш, янги навлар яратиш ва уруғчиликни яхшилаш ҳамда алмашлаб экишни барча фермер хўжаликларидан тўлиқ жорий этишни тақозо этади.

Барча қишлоқ хўжалик зироатлари ҳосилдорлигининг ошириш учун энг аввалло ҳар бир минтақага мос келадиган фан ютуқларига асосланган деҳқончилик тизимининг ишлаб чиқиш ва уни ишлаб чиқаришга кенг жорий этишдан иборат. Бунинг учун эса қишлоқ хўжалик экинларининг энг мақбул бўлган структурасини, алмашлаб экишнинг энг самарали тизимини жорий этиш, ҳамда суғориладиган ерлардан тўғри фойдаланиш тадбирларининг амалга ошириш зарурияти туғилди. Тупроқ унумдорлигининг ошириш ҳам экинлар ҳосилдорлигининг оширишнинг ва маҳсулот сифатининг яхшилашнинг энг муҳим шартини бўлиб ҳисобланади.

Бизнинг кўп йиллик тажрибамиз Сурхондарё вилояти, Термиз тумани тақирсимон тупроқлари шароитида ўтказилади. Сизот сувлар чуқурлиги 2-3 метрда, тупроғи оғир соз тупроқ, кам шўрланган ва шўрланишга мойил тупроқ. Ушбу тупроқлар гумус ва бошқа озик моддаларга камбағаллиги, карбонатларга бойлиги билан бошқа тупроқлардан ажралиб туради. Тажриба вариантлари 4 қайтариқ ва бир ярусда жойлашган. Майдонча кенглиги 90 см кенгликда, 12 қаторли ва узунлиги 120-180 м. Майдонча 1200-1600 м² ни ташкил этади.

2006-2008 йилда вариантлар номи:

- 1-вариант: ўғитсиз ғўза ўстириш;
- 2-вариант: фақат ўғитлар ишлатилади;
- 3-вариант: ғўзага маъданли ва маҳаллий ўғитлар (10 т/га гўнг) ;
- 4-вариант: маъданли ўғитлар (NPK 200,140,100 кг/га) ва маҳаллий ўғит 20 т/га гўнг ишлатилади;
- 5-вариант: ғалладан сўнг мош экилади ва сўнгра ғўза парвариш қилинади, маъданли ўғитлар ишлатилади;

6-вариант: беда 3 йил экилади ва сўнгги йиллар 6 йил давомида ғўза алмашлаб экилиб, маъданли ўғитлар қўлланилади.

2006-2008 йиллар ушбу тажрибада юқорида санаб ўтилган омиллардан сўнг ғўза экилди ва ушбу омиллар тупроқнинг сув ўтказувчанлиги, тупроқ намлиги ва тупроқ зичлигига таъсири ўрганилди.

Тупроқнинг энг муҳим агрофизик хусусиятлари тупроқ намлиги, ҳажм массаси ва сув ўтказувчанлиги бўлиб ҳисобланади. Тупроқнинг агрофизик хусусиятлари ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига ўз таъсирини кўрсатади. Биз ўтказаяётган кўп йиллик тажрибада тупроқнинг агрофизик хусусиятлари тупроқ унумдорлик қатламида тупроқнинг зичлиги ҳайдов ости қатламига нисбатан кам бўлиши кузатилди. Тупроқнинг ҳажм массаси баҳорда аниқланганда, кузда аниқланганга нисбатан камроқ бўлиши исботланди. Ўтказилган кузатишларда тупроқнинг ҳажм массаси ғалла ва мошдан сўнг, органик ўғитлар ишлатилган далаларда ва беда ҳайдалиб, ғўза экилган далаларда назорат даласига нисбатан камроқ бўлиши бизлар ўтказилган тадқиқотларда исботланди. Аммо тупроқнинг зичлиги ҳайдов ости қатламида ҳайдов усти қатламига нисбатан юқори бўлиши аниқланди.

Ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, тупроқ намлиги ғалла-ғўза, беда-ғўза ва тупроққа органик ўғитлар солинганда фақат маъданли ўғитлар ишлатилган ва ўғитлар умуман ишлатилмаган далалардан юқори бўлиши аниқланди. Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги беда, ғалла, мош, ва органик ўғитлар (10-20 т/га гўнг) ишлатилган далаларда назорат даласига нисбатан юқори бўлиши биз ўтказган кўп йиллик тадқиқотларда тўлиқ тасдиқланди. Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги ва унинг зичлиги баҳорда чигитни экиш олдидан аниқланганда юқори ва ғўзанинг ўсув даврида тупроққа ишлов бериш, суғориш ўтказилгандан сўнг тупроқнинг агофизик хусусиятлари пасайиши аниқланди.

Хулоса қилиб айтганда, тупроқнинг сув ўтказувчанлиги, зичлиги ва унинг намлиги беда ва мош, беда экинларидан сўнг тупроққа маҳаллий ва маъдан ўғитларни бирга ишлатилганда назорат далаларига нисбатан юқори бўлиши аниқланди. Тупроқнинг агрофизик хусусиятлари ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилига таъсир этувчи энг муҳим кўрсаткич бўлиб хизмат қилади.

1-жадвал

Ғўза ва бошқа зироатларни навбатлаб экиш ва ўғитларни тупроқнинг агрофизик хоссаларига таъсири

№	Экиш олдидан				кузда				Сув ўтказувчанлиги, 6 соат давомида м ³ /га	
	Намлик, фоиз		Зичлик, г/см ³		Намлик, фоиз		Зичлик, г/см ³		апрел	сентябр
	0-30	0-50	0-30	0-50	0-30	0-50	0-30	0-50		
1	14,4	15,5	1,28	1,36	14,3	15,0	1,33	1,40	480	281
2	14,5	15,5	1,29	1,38	14,4	15,2	1,35	1,43	507	285

3	14,7	15,6	1,26	1,33	14,5	15,4	1,30	1,38	540	310
4	14,8	15,8	1,25	1,30	14,6	15,5	1,30	1,37	560	305
5	14,6	15,6	1,26	1,32	14,4	15,3	1,34	1,40	510	305
6	14,9	15,8	1,25	1,30	14,6	15,5	1,30	1,39	550	340
2008 йил										
1	14,4	15,6	1,28	1,37	14,3	15,1	1,35	1,44	470	285
2	14,6	15,5	1,30	1,40	14,4	15,2	1,37	1,46	487	286
3	14,7	15,6	1,26	1,35	14,5	15,4	1,33	1,41	520	310
4	14,8	15,9	1,25	1,34	14,6	15,6	1,32	1,42	530	305
5	14,6	15,6	1,27	1,38	14,4	15,4	1,35	1,42	490	306
6	14,8	15,8	1,26	1,36	14,6	15,6	1,34	1,40	530	320

TIKUVCHILIK MATERIALSHUNOSLIGI FANIDA KIMYOVIY TOLALARNING OLINISHI, TUZILISHI VA XOSSALARI.

A.T Umirov, *O. Xolmonova, A.X. Xayitov

Ter DU, *Yangiariq q/x k/h kolleji o`qituvchisi

Mamlakatimiz bozor munosabatlariga o'tish davrida mavjud bo'lgan barcha turdagi sanoat korxonalarining rivojlanishi, iqtisodiy ko'rsatkichlarning oshib borishiga olib keladi. Shu bilan bir qatorda, ichki bozorni yuqori sifatli, takomillashgan texnologiya va mahsulotlar bilan to'ldirish, iqtisodimizning yuksalishiga muhim omil bo'ladi.

Tikuvchilik materialshunosligi fani faqatgina gazlamalarning tuzulishi bilan chegaralanib qolmay, balki ularning tayorlash jarayoni va tikuvchilik buyimlaridan foydalanish vaqtida unga ta'sir qiluvchi omillarini ham o'rganadi. Undan tashqari tikuvchilik maxsulotlarining assartimenti bilan ham tanishtiriladi. Sintetik va sun'iy g'altak iplar, shtapel tola bog'lamlari, yaxlit bo'yalgan kimyoviy tolalar ishlab chiqarish ancha ko'paydi.

Kimyoviy tolalarni olish jarayoni quyidagi bosqichlardan iborat.

Tolalarni olish uchun xom ashyoni tayyorlash. Sun'iy tolalarni ishlab chiqarishda xom ashyo sifatida paxtadan yoki daraxtlardan ajratilgan selliyuloza, hamda ba'zi bir oqsil moddalar ishlatiladi.

Sintetik tolalarni olish uchun quyi molekulyar moddalardan sintez, yo'li bilan polimerlar ishlab chiqariladi.

Yigiruv eritmasini tayyorlash. Polimerlar doim qattiq jism bo'lganliklari tufayli ulardan tola olish imkoniyatini yaratish uchun ularni suyuqlik, eritma yoki yumshaytirilgan holatga keltirishadi. Sun'iy tolalar odatdagicha suyuqliklardan, sintetik tolalar esa eritmalardan yoki yumshaytirilgan poliamidlardan ishlab chiqariladi.

Tolalarni shakllantirish (yigirish). Jarayonning bu bosqichida yigiruv eritmasi bosim kuchi yordamida filyera degan maxsus qalpoqchalarning mayda teshikchalaridan o'tkaziladi. Olinayotgan kimyoviy tolalarning turi, yo'g'onligi va ko'ndalang kesimining ko'rinishi filyeralar teshiklarining soniga, diametriga va shakliga bog'liq.

Tolalarni pardoqlash va to‘qimachilikda ishlov berishga tayyorlash. Olingan tolalarni pardoqlash uchun ular yuviladi, quritiladi, buraladi, oqartiriladi yoki bo‘yaladi, ya’ni ularga to‘qimachilikda qayta ishlash uchun talab qilinayotgan xususiyatlar beriladi.

Viskoza tolasi. Viskoza tolasini olish uchun archa, qarag‘ay, oq qarag‘ay yog‘ochlaridan sellyuloza ajratib olinadi. Sellyuloza — qog‘oz kombinatlarida payraha holatigacha maydalanib ishqor eritmasida qaynatiladi. U oqartiriladi va karton taxtasi tarzida kimyoviy tolalar kombinatiga keltiriladi.

Viskoza tolasi quyidagi sxema bo‘yicha ishlab chiqariladi:

— sellyuloza kartoni presslangan toy holida keltiriladi;

— quritiladi;

sellyuloza 18 foiz NaOH bilan 45 — 50 °C da 1 soat davomida ishlov berilib, merserizatsiyalanadi:

$C_6H_7O_2(OH)_3 + NaOH - S_6N_7O_2(ON)_2ONa + nN_2O$;

— natijada ishqorli sellyuloza hosil bo‘ladi;

— ishqorli sellyuloza maxsus mashinalarda maydalanadi;

— maydalangan ishqorli sellyuloza transportyorlar ustida 1 soat mobaynida, 25 — 30°C haroratda aralashtirilib turiladi. Natijada ishqorli sellyuloza oksidlanadi. Molekula uzunligi kamayadi. Sellyulozani eritishga imkoniyat yaratiladi.

— ishqorli sellyulozaga CS₂ uglerod bilan ishlov beriladi. Natijada, ksantogenat sellyuloza (sariq sellyuloza) olinadi.

— ksantogenat sellyuloza 4-5 foiz NaOH eritmasida eritiladi. Natijada, viskoza eritmasi hosil bo‘ladi.

— viskoza eritmasi har xil baklardan qo‘shilib, 30- 40 °C haroratda saqlanadi. Eritma yetiladi.

— viskoza eritmasi havo pufakchalari va erimagan moddalardan tozalanadi. Uning uchun filtr va vakuum ishlatiladi.

— viskoza ipi shakllanadi (yigirish).

— viskoza ipi pardoqlanadi.

— to‘qimachilik ishlov beriladi.


Viskoza ipini pardoqlashda ipning tarkibida qolgan eritmada suv va boshqa kimyoviy moddalar yordamida tozalanadi.

Viskozaning shtapel tolasi. To‘qimachilik sanoatida viskozaning uzluksiz uzun iplari va kesilgan shtapel tolalari ishlatiladi.

Shtapel tolalarni olishda filyeradagi teshikchalar soni 2500 - 10000 bo‘lishi mumkin. Bir qancha filyeradan chiqqan to‘da iplar qo‘shilib jgut hosil qiladi. Jgut esa ma’lum uzunlikda kesiladi va tolaga aylanadi. Kesilgan tolalar pardoqlangandan keyin sof yoki boshqa tolalar bilan aralashtirilgan holatda yigirilgan iplar olinadi.

Atsetat tolasining olinishi. Atsetat tolasi quruq usul bilan atsetil- sellyulozadan olinadi. Atsetilsellyuloza esa kimyoviy zavodlarda paxtaning kalta tolasini sirka angidridi bilan ishlash natijasida olinadi.

Atsetat tolasi ikkilamchi atsetilsellyulozadan olinadi, uning uchun birlamchi atsetilsellyulozani suv bilan ishlov berib ikkilamchi sellyuloza olinadi.



Ikkilamchi sellyulozadan yuvib tozalab, quritib 95 foiz atsetat, 5 foiz suv eritmasi eritiladi.

Eritma nasos bilan filyeradan o'tkaziladi.

Atsetat ipining mustahkamligi viskozadan kam. Lekin, ho'l holatida mustahkamligini kam yo'qotadi. Elastik xususiyati viskozadan yaxshi, lekin gigroskopik xususiyati viskozadan past.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК

Ч.Саидов, З. Худойкулов, С. Хожиматова

Терм Д У физика кафедраси

"Муаллифлик ҳуқуқи - илм-фан, адабиёт ва санъат асарлари билан фойдаланишдан келиб чиқадиган муносабатларни тартибга соладиган фуқаролик ҳуқуқининг бир қисми".

"Ихтиро - янгиликка, амалиётда қўлланишликка, хўжалик фаолиятида фойдалиликка эга бўлган техник ечим".

"Инновацион гоё - оригинал моллар, маҳсулотлар, хизматлар ёки уларни яхшиланган турларини ёки турланишларини ҳамда янги навларни ишлаб чиқариш ҳақиқатан мавжуд имконияти".

"Интеллектуал мулк - интеллектуал фаолият натижасида юзага келган мулк, муаллиф ва ихтиро ҳуқуқлари объектлари жамига кирадиган интеллектуал маҳсулот. Интеллектуал мулк адабиёт, бадиий, илмий асарларга, ижро ва актёр фаолиятига, овоз ёзуви, радио ва телевиденияга, ихтироларга, кашфиётларга, товар белгиларига, фирма номларига, маҳсулотни янги саноат намуналарига тегишли".

'Ноу-хау - саноат технологиясини ёки жараёнини қўлланишига тегишли билимлар ва кўникмалар жами, ишлаб чиқариш сирлари билан боғлиқ, махфий характерга эга, фойдаланишга ярқли иктисодий бойлик".

"Патент - муаллифни ихтирога, фойдали моделга ёки саноат намунасига мутлоқ ҳуқуқини, муаллифлигини ва устунлигини тасдиқлайдиган муҳофаза қилувчи ҳужжат".

Интеллектуал мулк

Интеллектуал мулк инсонни идрок ижодини ифодалайди: ихтиролар, адабий ва бадиий асарлар, рамзлар, номлар ва савдода ишлатиладиган тасвирлар.

Интеллектуал мулк икки асосий тоифага бўлинади:

- Саноат мулки - шу жумладан ихтироларга, товар белгиларига, саноат намуналарига ва географик кўрсатмаларга патентларни ўз ичига қамраб оладиган.
- Романлар, шеърлар ва пьесалар каби адабий асарларни, фильмларни, мусиқа асарларни, расмлар, суратлар, фотосуратлар, ҳайкалтарошликлар ва меъморий иншоотлар каби бадиий асарларни ўз ичига оладиган

муаллифлик ҳуқуқи. Турдош ҳуқуқлар, шу жумладан ирочи-артистларни ўз ижроларига ҳуқуқлари, фонограммалар ишлаб чиқарувчилар ҳуқуқлари ва эфирга берувчи ташкилотлар тайёрлаган радио ва телевизион дастурларга ҳуқуқлари.

Патентлар

Патент ўз эгаси ихтиросига чекланган муддатга, одатда 20 йил давомида, муҳофаза тақдим қилади.

Патент муҳофазаси ихтиро патент эгаси розилигисиз ихтиро тайёрланиши, ишлатилиши, тарқатилиши ёки тижорат миқёсида сотилиши мумкин эмаслигини аниқлатади.

Патент ҳуқуқлари одатда патент ҳуқуқлар бузилишини тўхтатиш ҳуқуқига эга бўлган судда ҳимояланади. Шунингдек аксинча учинчи томон муваффақиятли мунозара қилгандан сўнг суд патентни бекор қилиши ҳам мумкин.

Товар белгиси

Товар белгиси деб аниқ шахе ёки корхона ишлаб чиқарадиган ёки тақдим этадиган муайян молларни ёки хизматларни танитадиган ва бошқалардан ажратадиган белги тушунилади. Товар белгиси битта сўздан, харфдан ёки сондан, ёки уларни хоҳлаган бирикмасидан иборат бўлиши мумкин. Товар белгиси расмлардан, рамзлардан, уч ўлчовли белгилардан, масалан, маҳсулот шаклида ёки ўрам кўринишида, мусиқа ёки одам овози каби эшитиладиган товуш сигналлардан, фарқ қилувчи жихат сифатида ишлатиладиган ҳидлар ёки ранглардан иборат бўлиши мумкин.

Товар белгиси белги эгасига ўз молларини ва хизматларини бошқаларнинг ичида танитиш учун ишлатиш, ёки ушбу ҳуқуқни бошқа шахсга мукофот эвазига тақдим қилиш мутлоқ ҳуқуқи кўринишида муҳофазани тақдим этади. Муҳофаза муддати турли бўлиши мумкин, лекин бошида ўрнатилган муҳофаза муддати тугашидан кейин қўшимча бож тўланиши шарти билан муҳофаза муддати чекланмаган даврга узайтирилиши мумкин.

Ҳимояланган товар белгиларининг муҳофазасини судлар амалга оширади, ва кўпчилик мамлакатларда улар товар белгисига нисбатан ҳуқуқлар бузилишини тўхтатишга ваколатли ҳисобланади.

1 Саноат намунаси

Саноат намунаси деб маҳсулотни бадиий безатилиши ёки эстетик таркибий қисми тушунилади.

Саноат намунаси шакл ёки юза каби бўртиб турадиган қисмлардан, ёки бир текислик чегарасида жойлашган элементлардан масалан, (такрорланадиган) раем, чизик ёки рангли безатиш қисмлардан ташкил топиши мумкин.

Саноат намуналари саноат маҳсулотлари ва хунармандчилик ижодиёти асарлари сифатида кенг ассортиментида амалда мавжуд бўлиб улар асбоб, тиббий дастгоҳлари ва соатлардан заргарлик буюмлари ва бошқа дабада буюмларигача, ошхона анжомлари ва маиший электр асбобларидан тортиб

транспорт воситалари ва меморий объектларгача, газламадаги расмлардан то ишдан холи вақтга тегишли бўлган буюмларгача қамраб олади.

Кўпчилик давлатларнинг миллий қонунчилик доирасида муҳофазаланиши учун саноат намунаси янги ёки оригинал бўлиши ва фойдали вазифага эга бўлмаслиги лозим.

Ихтиро

Ихтиро - бу хоҳлаган соҳада маҳсулотга (хусусан мосламага, моддага, микроорганизмларнинг штаммларига, ўсимликлар ва ҳайвонлар ҳужайраларининг турларига) ёки усулга (моддий объект устида ашёвий воситалар орқали ҳаракатлар жараёнига) тегишли бўлган техник ечимдир. Ихтиро сифатида кўрсатилган объект, агар у янги бўлса, ихтиролик даражасига эга бўлса ва уни саноатда қўллаш мумкин бўлса, ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилинади.

Ихтиро, башарти у техника тараққиёти даражасида маълум бўлмаса, янги деб ҳисобланади. Шунингдек, ихтиро, башарти у техника тараққиёти даражасидан яққол аён бўлмаса, ихтирочилик даражасига эга бўлади.

Техника тараққиёти даражаси ихтиро устуворлиги санасига қадар жаҳонда оммага ошқор бўлган ҳар қандай маълумотларни ўз ичига олади.

Ихтиро, башарти уни саноат, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда қўллаш мумкин бўлса, саноатда қўллаш мумкин деб ҳисобланади.

Фойдали модель

Фойдали модель - бу мосламани конструктив даражада амалга оширилиши. Фойдали модель сифатида кўрсатилган объект, башарти у янги бўлса ва уни саноатда қўллаш мумкин бўлса, ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилинади.

Фойдали модель, башарти унинг муҳим аломатлари мажмуи техника тараққиёти даражасидан маълум бўлмаса, янги деб ҳисобланади.

Техника тараққиёти даражаси бу фойдали модель амалга оширилиши мумкин бўлган вазифаларни бажара оладиган ва амалда қўлласа бўладиган воситалар ҳақидаги оммага маълум барча маълумотлар.

Фойдали модель, ундан амалда фойдаланиш имкони бўлса, саноатда қўллаш мумкин деб ҳисобланади.

Қуйидагилар фойдали моделлар сифатида муҳофаза қилинмайди: эстетика талабларини қаноатлантиришга йўналтирилган, маҳсулотларнинг фақат ташқи кўринишига оид ечимлар; интеграл схемаларнинг топологиялари; жамоат манфаатлари, инсонпарварлик ва ахлоқ қоидаларига зид ечимлар.

Селекция ютуғи

Селекция ютуғи - ўсимликларнинг янги нави, ҳайвонларнинг янги зоти дир. Агар селекция ютуғи янгилик, фарқланиш, турдошлик ва барқарорлик мезонларига жавоб берса, у ҳуқуқий муҳофаза қилинади.

Агар уруғлик, навнинг кўчат материали ёки зотнинг наел материали патент бериш ҳақидаги талабнома топширилган санадан эътиборан: Ўзбекистон Республикаси ҳудудида — камида бир йил олдин; бошқа давлат ҳудудида

— камида тўрт йил ёки, агар ток, ёғочбоп, манзарали, мевали дарахтлар ва ўрмон дарахтларининг навларига тааллуқли бўлса, камида олти йил олдин муаллиф, унинг меросхўри томонидан ёхуд уларнинг розилиги билан сотилмаган ва фойдаланиш учун бошқа шахсларга берилмаган бўлса, янгилик ҳисобланади.

Селекция ютуғи бошқа ҳар қандай барчага маълум селекция ютуғидан аниқ-равшан фарқланиши лозим. Агар селекция ютуғи бир неча марта кўпайтирилганидан кейин ёки алоҳида цикл бўйича кўпайтирилган тақдирда кўпайтиришнинг ҳар бир цикли охирида унинг асосий белгилари ўзгаришсиз қолса, у барқарор ҳисобланади.

Агар кўпайтиришнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олганда муайян навли ўсимликлар ёки муайян зотли ҳайвонлар селекциялаштириш белгиларига кўра бир хилликка эга бўлса, селекция ютуғи турдош ҳисобланади.

Саноат мулки объектларининг муҳофазаси

Объектлар	Ҳуқуқларнинг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар	Муҳофазага лаёқатлилик шартлари	Ҳуқуқ бузулганлигини аломатлари
Ихтиро	Ихтирога патент	Янгилик, ихтирочилик даражаси, саноатда Қўлланиши	Рухсатсиз маҳсулот тайёрлаш, уни қўллаш, импорт қилиш, сотувга таклиф этиш, сотиш, фуқаро муомаласига ўзга тарзда киритиш ёки шу мақсадларда уни саклаб туриш
Фойдали модель	Фойдали модель патенти	Янгилик, саноатда қўлланиши	
Саноат намунаси	Саноат намунаси гувоҳнома	Янгилик, оригиналлик, саноатда Қўлланиши	Оддий кузатувчини, потенциал харидорни қарашда ташқи кўринишининг ўхшашлиги
Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чикан жой номлари	Товар белгисига гувоҳнома, хизмат кўрсатиш белгиларига гувоҳнома ва товар келиб чиккан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқига гувоҳнома	Келиб чиқиш манбасига тааллуқли ва унга кўрсатадиган функционал бўлмаган ажралиб турадиган хусусиятлари	Оддий кузатувчини, потенциал харидорни чалғитиши мумкин бўлган ўхшаш белгилар

НАНОТЕХНОЛОГИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШ НАТИЖАСИДА КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР

Абилфайзиев Ш.Н.

Термиз давлат университети, Термиз ш.

Фан ва техниканинг тараққиёти барча соҳаларда янгидан-янги йўналишлар ва имкониятлар очиб бермоқда. Айниқса, янги йўналишлардан нанотехнологиянинг пайдо бўлиши инсоният тарихида оламшумул воқеалардан бири бўлди.

Нанотехнология турмушнинг барча соҳаларига кириб бормоқда. Ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, химоя қопламалар ҳосил қилиш, хом-ашёни тежаш, иш самарадорлигини ошириш кабиларда ҳам нанотехнологик тадқиқот натижалари етакчи ўринга чиқди. Айниқса, илмий тадқиқот ишларида нанотехнологик тадқиқот усуллари ва улар асосидаги замонавий қурилмалардан фойдаланиш юқори имкониятларга эгаллиги кундан кунга ўз исботини топмоқда.

«Нано» деган кўшимча «nanos» деган грекча сўздан (унинг таржимаси – «митти», ёки «кичкина») олинган бўлиб, бирор бирликнинг миллиарддан бир улиши, деган маънони англатади, масалан, 1 нанометр, 1 наносекунд ва ҳ.к. Физикада нанозаррачалар деганда ўлчамлари 1 нанометрдан (1нм) 100 нанометргача бўлган объектлар тушунилади. (1нм= 10^{-9} м= 10^{-6} мм= 10^{-3} мкм). Албатта, нанообъектларга хос хусусиятлар ўлчамларнинг 0,1 нм дан бир неча ўн нанометргача бўлган соҳасида айниқса ёрқин намоён бўлади. Бу соҳада нанообъектларнинг ҳамма хоссалари (физик, механик, термо, электр, магнит, оптик, кимёвий, каталитик ва бошқа хоссалар) макрообъектларникидан кескин фарқ қилиши мумкин. Физика ва бошқа табиий фанлар шу давргача атом ва молекулаларнинг хоссаларини анча чуқур ўрганди, улардан хосил бўлган макрообъектларни ҳам ҳар тарафлама ўрганиб, улардан ҳаётда ўз эҳтиёжлари учун кенг фойдаланишни йўлга қўйди. Лекин XX асрнинг охиригача фанда ўлчамлари 1нм ÷ 100нм бўлган объектлар (зарралар)нинг хоссалари етарлича ўрганилмай қолган, шунинг учун бу соҳага тегишли объектларни “янги дунё” деб аташ мумкин, уларнинг хоссаларини текшириш фанда 15 ÷ 20 йил аввал бошланди. Бу фанга нанотехнология, деб ном берилди ва у кенг тарқалди.

Инглизча маънога эга бўлган «nanotechnology» сўзини биринчи бўлиб япон олими профессор Норио Танигучи 1974 йилда таклиф этган эди. У бу терминни ўша йили Токиода бўлиб ўтган халқаро конференцияда (International Conference on Precision Engineering) «Нанотехнологиянинг асосий принциплари ҳақида» («On the basic Concept of Nanotechnology») деган маърузасида ишлатди. Шунга қарамадан нанотехнология тушунчасига таъриф бериш процесси ҳали ҳам тўхтамаган, баъзан бу масала қизғин мунозараларга сабаб бўлмоқда. У ёки бу объектни нанообъектлар қаторига киритишнинг аниқ критерийлари бўлмаса ҳам, лекин маълум физик жараёнлар, масалан, объектлар ўлчамининг улар

хоссаларига кескин таъсир кўрсатиши бу муаммони ечиши мумкин. Бундай ҳодиса физикада «ўлчам эффекти» (рус адабиётида «размерный эффект») деб аталади. Аммо берилган объект баъзи бир хоссаларига нисбатан ўзини микрообъектдек тутиши мумкин. Хуллас, нанодунёнинг аниқ чегараларини чизиб бериш анча қийин иш. Адабиётларда нанотехнологияга ўнлаб таърифлар берилган. Қандай омиллар нанотехнологияни ривожлантиришга туртки бўляпти? Уларнинг баъзилари қуйдагилар.

- анъанвий материалларнинг таркибини ўзгартирмасдан туриб уларнинг хоссаларини радикал равишда ўзгартириш;

- принципиал янги материалларни яратиш;

- квант эффектларини қўллаш;

- махсулотларнинг (буюмларнинг) ўлчамларини камайтириб, катталигини атом (ёки молекула) даражасига олиб тушиш ва уларда янги функцияларни бажариш қобилиятини пайдо қилиш;

- табиатда бор наноструктуралардан (асосан, биологик наноструктуралар-дан) эффектив фойдаланиш имкони;

- анъанвий технологиялар чегарасида умуман ечиб бўлмайдиган масалаларни қўйиш ва ечиш;


- материал ва энергия сарфини камайтириш ва атроф муҳитни захарланишдан сақлаш.

Умуман олганда, наноструктуралар физик ва технологик механизмларини ўрганиш жадал равишда одимлаб бормоқда. Келажакда инсоният турмуш тарзининг барча соҳаларида нанотехнология ютуқларидан фойдаланилишига шубҳа йўқ. Нанотехнологик революция бутун дунё бўйича борган сари ўз самарасини ошириб бормоқда. Яқин 10 – 15 йил ичида бу йўналиш кўп мамлакатларнинг иқтисодиётини, ишлаб чиқаришини, фан ва техникасини кескин равишда ўзгартириб юборади, одамларнинг ҳаётида катта ўзгаришлар содир бўлади. Янги фан ва технологияларнинг ютуқларидан усталик билан, унумли фойдаланиш кўп мамлакатларнинг стратегик вазифаси ва ўз ҳалқи ҳаёти фаровонлигини оширишда асосий мақсад бўлиб қолади. Шунинг учун бу соҳада ҳар бир мамлакат ўз йўлини топиб олиши муҳим аҳамиятга эгадир. Нанотехнология – бу янги глобал технологик ғоялар мажмуасидир. Бу технологиядан келажакда инсоният нимани кутса бўлади? Бундай саволларнинг баъзиларига бугун ҳам жавоб берса бўлади, бошқалари эса вақтни ва уларни чуқур ўрганишни талаб қилади. Ҳозирча қуйидаги хулосалар қилиш мумкин:

1. Нанотехнологияларни яхши ўзлаштириб, уларни ишлаб чиқариш рельсларига ўрната олган мамлакатларнинг иқтисодиёти олға қараб катта қадам ташлайди. Ишлаб чиқариш приоритетлари ва структурасида катта ўзгаришлар юз беради, демак ишчилар, муҳандислар ва менеджерларнинг янги авлоди керак бўлади. Махсулотлар тез–тез ўзгариб (янгилашиб) туради, шу сабабли ҳамма (оддий ишчилар ҳам, раҳбарлар ҳам) муттасил равишда ўз билимларини ошириб туришга мажбур бўладилар.

2. XXI асрдаги олий таълим, шу сабабли, узлуксиз таълимга айланади, одам ўз ҳаётининг фаол қисмида таълим олишни тўхтатмасдан давом эттиради ва такомиллаштириб бораверади. Олий таълимнинг янги парадигмаси билимнинг нимадан иборат эканлигини (русчада «содержание») эмас, билимни олиш (ёки эгаллаш) технологиясини биринчи ўринга қўяди. Бу технология ривожланган давлатларда E – learning (Electronic learning) деган ном олди. Қатор мамлакатларда билим ва юқори технологияларга асосланган иқтисодиёт юзага келади, бу экономика захиралари чегараланган газ, нефть ва ўрмонларга эмас, аксинча, фан ютуқларига асосланади.

2015–йилга бориб нанотехнологиялар маҳсулотлари бозори қуйида кўрсатилган диаграммадек бўлиши кутилмоқда:



3. Наноэнергетикада катта ўзгаришлар бўлади, янги принципларга асосланган двигателлар ишлаб чиқарилади ва натижада атроф-муҳитнинг ифлосланиши анча камаяди.

